УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

НОРЖИГИТОВА НАЗИРА АБДУКОДИРОВНА

Кулёзма хукукида

УДК 930.I (575.I)

ТУРКИСТОНДА "БОСМАЧИЛИК ХАРАКАТИ" ТАРИХШУНОСЛИГИ (СОВЕТ ДАВРИ)

07.00.02 - Ватан тарихи

Д И С С Е Р Т А Ц И Я

Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун

ИЛМИЙ МАСЛАХАТЧИ:
Академик Э.Ю.ЮСУПОВ
ИЛМИЙ РАХБАР:
Тарих фанлари номзоди,
доцент Н.Т.ТОЖИБОЕВ

РНТБ ГФНТИ

Тошкент - 1995

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш I

I БОБ. Совет адабиётларида "босмачилик ҳаракати" тўғрисидаги концепциянинг шаклланиши ва ривожланиши.....I0

I-§. Илмий марказларнинг "босмачилик ҳаракати" тарихининг ўрганишдаги фаолияти I0

2-§. Илмий кадрлар тайёрлаш ва бунинг "босмачилик ҳаракати" тарихини ўрганишга таъсири 26

II БОБ. "Босмачилик ҳаракати"нинг моҳияти, уни келтириб чиқарган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий сабаблар ва унинг даврлари ҳамда оқибатларининг совет тарихшунослигида ёритилиши 43

I-§. "Босмачилик ҳаракати"ни келтириб чиқарган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий сабабларининг совет тарихшунослигида акс эттирилиши 44

2-§. Совет тарихий адабиётларида "босмачилик ҳаракати"нинг ижтимоий моҳияти, унинг раҳбарлари фаолиятига ва ҳаракатлантирувчи кучларига берилган баҳо 7I

3-§. "Босмачилик ҳаракати"нинг даврлари ҳамда бу ҳаракат оқибатларининг тарихий адабиётларда ёритилиши I00

Хулоса I23

Фойдаланган адабиётлар ва манбалар рўйхати I29

К И Р И Ш

Муаммонинг долзарблиги. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришиб, истиқлол мафкураси яратилаётган ҳозирги шароитда тарих фани олдида ҳам миллий ўзлигини тугал англаган жамият аъзоларини тарбиялашдек буюк вазифа турибди. Дарҳақиқат, миллий ўзлигини англай олмаган халқнинг миллий тараққиёти ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Чунки миллатни миллат қиладиган нарсаларни нозик ҳис эта биладиган, миллат миннатини бошига кўтара оладиган кишиларгина жамият тараққиётини тезлатишга, истиқлолдай муқаддас неъматни асрашга қодирдир. Миллий ўзликни англашда ва англатишда эса Ўзбекистон тарихини мукаммал ўқитилиши, муфассал ўрганилиши катта роль ўйнайди. Аммо, бугунги кунгача мукаммал ва муфассал ёзилган Ўзбекистон тарихига эга эмасмиз. Чунки 70 йилдан ортиқ давом этган қизил империя даврида совет тарихий адабиётларида Ўрта Осиё халқларининг тарихи кўп жиҳатдан нотўғри талқин қилинди ва бузиб кўрсатилди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг ўтмишимизни, тарихий меросимизни чуқур, ҳар томонлама мукаммал ўрганиш учун шароит ва имконият яратилди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Биз ўтмишимизни ва ҳозирги кунимизни ҳаққоний ва холисона, танқидий таҳлил этишнинг қатъий тарафдоримиз. Биз босмачилик ҳаракати, коллективлаштириш, репрессиялар, турғунлик даврига оид бузилишлар ҳақида бўлсин – "оқ доғлар"ни тугатиш тарафдоримиз. Албатта, ҳар бир воқеани аниқ тарихий шароитни ҳисобга олиб, бизнинг тарихимиз, ундаги ҳар бир қадам кекса авлодларнинг пешона тери билан суғорилганини назарда тутиб шундай қилишимиз керак. Ўтмишимизнинг бошдан-оёқ қоралаш ота-боболаримизнинг хотираси олдида, фарзандларимиз ва набираларимизнинг маънавий соғломлиги олдида кечирилмас хато бу-

лур эди".[1] Шунинг учун ҳам тарихчиларимиз олдида бир қанча муҳим муаммолар борки, уларни қайтадан кўриб чиқиш ҳамда тарихий далиллар асосида воқеаларни аниқлаш лозим. Ана шундай муаммолардан бири Ўрта Осиёда қарийб 20 йил давом этган, тарихга "босмачилик"[2] номи билан кирган ҳаракатдир.

Муаммонинг долзарблиги шу билан асосланадики, то бугунга қадар "босмачилик ҳаракати"га бағишланган совет даври тарихшунослиги ўзининг холисона ва тарихий ҳақиқатга мос келадиган баҳосини олгани йўқ. "Босмачилик ҳаракати" тарихига бағишланган совет адабиётлари тўғрисидаги тарихшунослик тадқиқотлари кўпроқ библиографик характерда бўлиб, уларда мазкур ҳаракат аксилинқилобий, маҳаллий меҳнаткашлар манфаатларига ёт бўлган феодаллар, руҳонийлар, буржуазиянинг ҳаракати сифатида таҳлил қилинган.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, "босмачилик ҳаракати" фуқаролар урушининг таркибий қисми сифатида ўрганилиб келинди. Аслида "босмачилик ҳаракати" тарихига эътибор берилса, бу ҳаракат бир неча даврларга бўлинувчи Ўрта Осиё халқларининг ўзига хос миллий-озодлик ҳаракати бўлиб, чоризмнинг мустамлакачилик ва миллий зулмини давом эттирган рус большевиклари, меньшевиклари, эсерлари ва бошқа сиёсий партия ҳамда оқимлар вакилларидан иборат Советлар ҳукуматига қарши маҳаллий аҳолининг кўпчилик қисмининг норозилигининг рўёбга чиқиши эди.

Шунинг учун ҳам Туркистондаги "босмачилик ҳаракати" тарихшунослигини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш илмий ва сиёсий аҳамиятга молиқдир.

1.И.А.Каримов. Ўзбекистон КП XXII съездига МКнинг сиёсий маърузаси.- Совет Ўзбекистони, 1990, 5 июнь.

2.Ўрта Осиё халқларининг 1918 йилдан 30-йилларнинг ўрталарига-ча совет тузуми олиб борган адолатсиз миллий,иқтисодий,ижтимоий сиёсатга қарши қаратилган миллий-озодлик ҳаракати совет тарихшунослигида босмачилик ҳаракати деган тушунча билан аталган. Бу тушунча мазкур ҳаракатни ифодаламагани учун "босмачилик ҳаракати" тушунчасини қўштирноқ ичида бердик.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда умуман тарихшунослик муаммоларига оид илмий ишлар озчиликни ташкил этади. Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихи совет тарихшунослиги борасидаги асарлар эса бармоқ билан санарли ҳолдадир. Яна Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихи фуқаролар уруши ва чет эл ҳарбий интервенциясининг таркибий қисми сифатида ёритилганлиги учун унинг тарихшунослиги ҳам шу нуқтаи-назарда берилган.

Ўрганилаётган мавзу тарихшунослиги собиқ Иттифоқ миқёсидаги тарихшунослик ишларида ҳам қисқача ёритилди[1]. Лекин бу муаммога оид асарларнинг деярли барчаси Ўрта Осиё минтақасида яратилган ишлардан иборатдир.

Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихшунослигига 50-60-йилларда алоҳида эътибор берила бошланди. Шу даврдан бошлаб дастлабки мақолалар ва изланишлар чоп этилди[2]. Булар ичида Р.Бойжоновнинг "Ўзбекистонда марксистик тарих фанининг ривожланиши /1917-1924 йиллар/"[3] асари алоҳида ўрин тутиб, унда 20-йиллардаги "босмачилик ҳаракати" тарихи борасидаги мақола ва асарларни биринчилардан бўлиб тарихшунослик жиҳатидан таҳлил қилиб берилган. Лекин шу билан бирга Р.Бойжоновнинг бу асарида: "Ўзбекистонда гражданлар уруши Совет

1. С.Ф.Найда, В.П.Наумов. Советская историография гражданской войны и иностранный военной интервенции в СССР. Изд.МГУ, 1966; Д.К.Шелестов. Об изучение истории гражданской войны и военной интервенции. Сб. "Советская историческая наука от XX до XXП съездов КПСС". -История СССР, М., 1962; И.П.Шерман. Советская историография гражданской войны в СССР. Харьков, 1964 ва бошқалар.

2. И.К.Додонов. Об изучении истории народов Средней Азии в Советской период /Заметки историка/. -Труды САГУ. Ташкент, 1951, вып.XXШ, кн.4; Р.Бойжонов. Ўзбекистонда марксистик тарих фанининг ривожланиши /1917-1924 йй./. Тошкент, 1962; Ўшанинг Туркистонда Октябрь революцияси историографиясига доир /1917-1967 йй./. Тошкент, 1969; А.И.Зевелев. Историография гражданской войны в Туркестане. Ученые записки ТГПИ им.Низами, т.XXXI, вып.3. Ташкент, 1963 ва бошқалар.

3. Р.Бойжонов. Ўзбекистонда марксистик тарих фанининг ривожланиши /1917-1924 йй./. Тошкент, 1962.

Россиясидаги гражданлар урушининг ажралмас бир қисми бўлиб, бу ерда у қисман ўзига хос бир формани, яъни босмачилик формасини олган. Лекин бу ҳаракат мазмун жиҳатидан Совет Россиясидаги гражданлар урушидан ҳеч қандай фарқ қилмаган.Чунки босмачилик ҳаракати ҳам, Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли юзага келган пролетариат диктатурасига қарши контрреволюцион бир ҳаракат бўлиб, у Ўзбекистонда баъзи бир сабабларга кўра кўпроқ вақтга чўзилган эди"[1],- деб "босмачилик ҳаракати"ни нотўғри талқин қилган.

Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихи бўйича биринчи йирик тарихшуносликка оид асар - бу А.И.Зевелевнинг[2] қаламига мансуб бўлиб, муаллиф китобда "босмачилик ҳаракати"га оид асосий адабиётлар ва манбаларни ҳар томонлама ёритиб берди.Асарда А.И.Зевелев Туркистондаги фуқаролар уруши, шунингдек, у "босмачилик ҳаракати"нинг 20-йиллардан то 60-йилларнинг ўрталаригача бўлган тарихшунослигини даврлаштирди ҳамда ҳар бир даврни илмий асослади. Шу билан бирга муаллиф Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихшунослигида ўрганилиши керак бўлган томонларни кўрсатиб берди.

Ўрта Осиёдаги фуқаролар уруши тарихшунослиги масалалари Х.Ш.Иноятов[3] асарида ҳам қисқача ёритилган. Туркистонда "босмачилик ҳаракати"тарихшунослиги Р.Я.Ражапова ва В.Г.Чеботарева[4], Г.И.Желтова[5], М.А.Охунова ва Б.В.Лунин[6], Г.Д.Алек-

---

1.Р.Бойжонов.Ўзбекистонда марксистик тарих фанининг ривожланиши /1917-1924 йй./.Тошкент, 1962, 149-бет.
2.А.И.Зевелев.Историография Советского Туркестана /Историография и источники по истории гражданской войны в Туркестане/. Ташкент, 1968.
3.Х.Ш.Иноятов.Краткая историография гражданской войны в Средней Азии, Ташкент, 1974.
4.В.Чеботарева.,Р.Раджапова.Историко-партийная наука в Узбекистане.Ташкент, 1982.
5.М.А.Ахунова.,В.В.Лунин.История исторической науки в Узбекистане.Краткий очерк. Ташкент, 1970.
6.Г.И.Желтова. Социалистическое строительство в Узбекистане. /20-30-е годы/.Историографический очерк.Ташкент,1975.

сеева ва Г.И.Желтовалариниг[1] Ўзбекистон тарихи тарихшунослиги масалаларига бағишланган асарларида ҳам қисқача акс эттирилган. Бу асарларда нафақат "босмачилик ҳаракати" тарихшунослиги, балки бу муаммони ўрганишнинг вазага келиши ва ривожланиши жараёни ҳам берилгандир. Бироқ, бу асарларда "босмачилик ҳаракати"ни тарихшунослик жиҳатидан таҳлил қилишда мазкур ҳаракат аксилинқилобий, маҳаллий меҳнаткашлар манфаатларига қарши буржуазиянинг ҳаракати деб баҳоланди. Масалан, В.Чеботарева ва Р.Ражаповалар асарида 50-йиллар охири ва 60-йиллар бошларида "босмачилик ҳаракати" тарихининг асл моҳиятига мосроқ қилиб ёзилган асарларни таҳлил қилишиб, уларда "...босмачи миллатчилик ҳаракати маҳаллий аҳолининг инқилоб ғалабасига, Совет ҳукуматининг ўрнатилишига қарши қонуний реакция сифатида баҳоланди; Туркистондаги синфий табақаланишнинг ўзига хослиги эътиборга олинмай, бир қанча тарихчилар томонидан босмачилик миллий буржуазия ва руҳонийлар раҳбарлигидаги умумий халқ ҳаракати сифатида кўрсатилди,...Совет ҳокимияти аксилинқилобчилар билан курашда фақат Қизил Армия ва рус ишчи синфига таянди деган тезис қарор топширилди, маҳаллий меҳнаткашларнинг бундаги иштироки аса эътиборга олинмади"[2],- дея ҳақиқатни анча сохталаштиришга ҳаракат қилганлар.

Мазкур муаммонинг ўрганилиши масалалари Ўзбекистон ва Ўрта Осиё ҳамда Қозоғистонда фуқаролар уруши ва чет эл ҳарбий интервенцияси тарихига бағишланган тарихий адабиётлар-

---

1.Г.Д.Алексеева., Г.И.Желтова. Становление в развитие советской системы научно - исторических учреждений. Ташкент, 1977.

2.В.Чеботарева.,Р.Раджапова. Историко-партийная наука в Узбекистане. 93- бет.

нинг тарихшунослик шарҳлари қисмида ҳам кўрсатиб ўтилди[1]. Шуни ҳам қайд қилмоқ лозимки, "босмачилик ҳаракати" тарихи чет эл адабиётларида ёритилиши тарихшунослигига оид кенг қамровли адабиётларга ҳам эгамиз[2]. Буларнинг ҳаммаси Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихшунослигини ўрганишда сўзсиз катта аҳамиятга эгадир.

Аммо юқоридаги тарихшунослик ишларининг таҳлили шуни кўрсатадики, буларнинг ҳаммаси давр талаби асосида, яъни ҳукмрон коммунистик ғоя, марксча-ленинча концепция, тарихий материализм нуқтаи-назаридан яратилганди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда "босмачилик ҳаракати"нинг ҳақиқий холисона тарихини ёритувчи на бирор йирик тарихий асарга, на бирор тарихшуносликка оид адабиётга эга эмасмиз.

I. А.И.Зевелев.Из истории гражданской войны в Узбекистане. Ташкент,1959; М.Иркаев.История гражданской войны в Таджикистане.Душанбе,1963; Ўшанинг.История гражданской войны в Таджикистане.Душанбе, 1971; Ш.А.Шамагдиев.Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. Ташкент,1961; С.Б.Жантуаров. Гражданская война в Киргизии.Фрунзе, 1963; История гражданской войны в Узбекистане.т.I.Ташкент, 1964; Т.2.Ташкент, 1970; Я.М.Досумов. Каракалпакия в годы гражданской войны /1918-1920/.Нукус,1975; Р.М.Масов. Историография Советского Таджикистана.Душанбе, 1978; А.И.Зевелев,Ю.А.Поляков, А.И.Чугунов.Басмачество: возникновение, сущность,крах. М.,1981; Х.Ш.Иноятов.Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренней контрреволюции.М.,1984; Гражданская война и иностранная военная интервенция в Средней Азии,Ашхабад, 1986 ва бошқалар.

2.Х.Ш.Иноятов. Ответ фальсификаторам истории Советской Средней Азии и Казахстана. Ташкент,1962; Ўшанинг.Ленинская национальная политика в действии.Ташкент, 1973; Ўшанинг.Против фальсификации истории победы Советской власти в Средней Азии Казахстане, Ташкент, 1976; К.М.Новоселев.Против буржуазных фальсификаторов истории Средней Азии.Ашхабад, 1962; А.Б.Турсунбаев. Против буржуазных фальсификации истории Казахстана. Алма-Ата, 1963; Г.А.Хидоятов. Правда против лжи. Ташкент, 1964; Ўшанинг. Строительство социализма в Средней Азии и современный антикоммунизм. Ташкент, 1974; А.Абдуталипов. Басмачество в Средней Азии: домысли французских советологов и историческая действительность.- Общественные науки в Узбекистане. 1981, № 7; А.И.Зевелев., Ю.А.Поляков.,Л.В. Шишкина. Басмачество: правда истории и вымысел фальсификаторов. М., 1986 ва бошқалар.

Диссертациянинг мақсади Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихига оид бўлган совет тарихий адабиётларини илмий таҳлил қилиш, уларнинг ютуқ ҳамда камчиликларини саралашга ҳаракат қилиш ва мазкур мавзунинг ўрганилиши керак бўлган томонларини аниқлашдир. Қўйилган мақсадга биноан ишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз:

- илмий марказларда "босмачилик ҳаракати" тарихининг ўрганилишини ёритиш;

- тарихни, шунингдек "босмачилик ҳаракати" тарихини ўрганиш мақсадида илмий кадрлар тайёрлаш жараёнини таҳлил қилиш;

- "босмачилик ҳаракати"ни келтириб чиқарган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий асослари ва сабабларини совет тарихий адабиётларида қанчалик тўғри ёки бузиб кўрсатилиши масалаларини таҳлил этиш;

- совет тарихшунослигида "босмачилик ҳаракати"нинг ижтимоий моҳияти, унинг раҳбарлари фаолияти ва ҳаракатлантирувчи кучларининг акс эттирилишини тадқиқ этиш;

- "босмачилик ҳаракати"нинг даврлари ва бу ҳаракат оқибатларининг ёритилишини таҳлилий муҳокама қилиш.

Диссертацияда Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихи борасида совет тарихий адабиётларида илмий тарихий фикрнинг қай тарзда ривожланиб бориши жараёнини текширишга ҳаракат қилинди.

Диссертациянинг назарий ва услубий асосини тарихий жараённи ҳар қандай сиёсатдан холи ҳолда умуминсоний қадриятлар нуқтаи-назаридан ёритиш ташкил этади. Шунингдек, илмий ишда тарихий воқеаларни холислик, тарихийлик, диалектик усуллар асосида таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Чунки ҳар

қандай тарихий воқеалар холисона ҳамда уларнинг қандай юзага келганлиги, ривожи ва нима билан якунланганлиги ўрганилгандагина ўзининг ҳақиқий моҳиятини топади. Бу эса ўз ўрнида халқ, миллат, Ватан равнақига хизмат қилади.

Илмий ишда Туркистонда "босмачилик ҳаракати" мавзусига бағишланган совет тарихий адабиётлари асосий манба бўлди. Шунингдек, диссертацияда тарих фанининг ривожланиши тўғрисидаги ҳужжатлар, илмий марказлар ҳужжатлари ҳамда мавзуга доир вақтли матбуот материалларидан кенг фойдаланилди.

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, диссертацияда Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тўғрисидаги совет тарихий адабиётларининг ҳаммаси ҳақида эмас, балки ишда қўйилган масалаларнинг бирор томони ёритилган адабиётлар тўғрисида кўпроқ тўхталиб ўтилди.

"Босмачилик ҳаракати" тарихшунослигини бугунги кун талаблари даражасида тадқиқ қилиш учун ишда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, Фарғона вилояти давлат архиви, Тожикистон Республикаси Ленинобод вилояти давлат архиви материалларидан ҳам имконият даражасида фойдаланилди.

<u>Тадқиқотнинг илмий янгилиги</u> шундан иборатки, ишда аввало Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихи бўйича совет тарихшунослигига янгича ёндошишга ҳаракат қилинди. Шунингдек, илмий ишда Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихини ўрганишда совет концепциясининг шаклланиши ва ривожланиши бугунги кун талаблари асосида таҳлил қилинди.

Диссертацияда совет тарихий адабиётларининг муаммони ўрганиш борасидаги ижобий ва салбий томонлари ёритилди. Яна Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тўғрисидаги совет тарихий адабиётлари таҳлил қилинар экан, шу билан биргаликда архив

ҳужжатлари асосида бевосита "босмачилик ҳаракати"нинг асл моҳиятини ёритувчи тарихини ҳам кўрсатиб беришга ҳаракат қилинди. Илмий ишда "босмачилик ҳаракати" тарихига ва тарихшунослигига баҳо беришнинг методологик асосларини ишлаб чиқишга уриниб кўрилди.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундаки, ишда умумлаштирилган хулосалар Ўзбекистон истиқлолга эришиб, унинг тарихини тарихий ҳақиқат асосида ёзишда, келгусида "босмачилик ҳаракати" масалаларини ҳақиқатга мос ҳолда ўрганишда маълум аҳамиятга эга бўлиши мумкин, деб ҳисоблаймиз. Диссертация материалларидан "босмачилик ҳаракати" тарихи бўйича ваъзларда, махсус курсларда, Ўрта Осиё тарихи бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзишда фойдаланиш мумкин.

Диссертация мавзуси бўйича Тошкент давлат университети /1992, 1994/, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Ўзбекистон тарихи ўқув-услубий шўбаси /1993/, Абу Райҳон Беруний номли Тошкент давлат техника университети /1993/ ўтказган Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари борасидаги илмий-назарий ва илмий-амалий конференцияларда маърузалар қилинган ва асосий хулосалар чоп этилган. Илмий иш мавзуси бўйича рисола тайёрланмоқда.

Ишнинг тузилиши. Диссертация кириш, иккита боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхатидан иборат.

I БОБ. СОВЕТ АДАБИЁТЛАРИДА "БОСМАЧИЛИК ҲАРАКАТИ" ТЎҒРИСИДАГИ КОНЦЕПЦИЯНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

I-§. ИЛМИЙ МАРКАЗЛАРНИНГ "БОСМАЧИЛИК ҲАРАКАТИ" ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИШДАГИ ФАОЛИЯТИ

Ўрта Осиё халқлари тарихида катта ўрин тутган, лекин бугунги кунгача ҳали ҳақиқий баҳосини олмаган "босмачилик ҳаракати"га бағишланган совет тарихшунослиги фани ўз ичига 70 йиллик даврни олади. Тарихшуносликнинг муҳим масалаларидан бири-бу ўрганилаётган муаммо тарихини даврлаштиришдир. Жамият ривожланиши тарихининг маълум қисмида ўзига хос хусусиятлар, ажралиб турувчи томонлар, шунингдек, ўзининг даврлари бўлади ва бу умумий тарихий жараённинг даврларидан фарқ қилади. Чунки халқлар ёки бирор мавзу тарихининг тарихшунослиги шаклланиши жиҳатидан бир хил бўлмай, улар даврий чегаралари ва даврларнинг ички ривожланишига қадар фарқланади. Табиийки, Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихшунослиги масалаларини фақатгина илмий даврлаштириш асосида ўрганиш мумкин бўлади.

Даврлаштиришнинг асосига эса фаннинг ёки ўрганилаётган муаммонинг объектив ва субъектив омиллари қўйилиши лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда бирор мавзу тарихи тарихшунослигини даврлаштиришда қуйидаги мезонлардан келиб чиқилади: а) ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган асосий омил; б) фан ривожланишини белгиловчи шароит ва унга қўйиладиган талаблардан иборат бўлган объектив сиёсий пайт; в) муаммони ўрганишдаги асосий концепцияларнинг ишлаб чиқилиши, муаммони ўрганишнинг кенгайтирилиши, тадқиқот услубларининг

такомиллашуви, унинг ҳужжатли асосининг бойитилиши ва илмий ўрганишни ташкил этилишидаги ўзгаришлар бўлиб, улар ички омилдир.

Бунда муаммони ўрганишдаги сифатий силжишлар, яъни тадқиқотчилар томонидан мазкур муаммони олдинги авлод тарихчиларига нисбатан қўлга киритган ютуқлари; тадқиқ қилинаётган давр муаммони ўрганишда қанақанги янгиликлар берганлиги; тадқиқот услубларини такомиллаштириш; шунингдек илмий ишларга янги архив ва бошқа ҳужжатли манбаларнинг киритилиши ҳам ҳисобга олинади.

Юқоридаги мезонларни ҳисобга олиб Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихи тарихшунослигида бизнингча қуйидаги асосий даврларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

I/ 1920 йилдан 20-йилларнинг охиригача;

2/ 20-йилларнинг охиридан 1985 йилгача;

3/ 1985 йилдан 1991 йилгача.

Кўрсатилган даврлаштиришни асослаш учун ҳар бир даврнинг ички моҳиятини тавсифлаш лозим. Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихини ўрганишнинг биринчи давридаги мазкур мавзуга бағишланган илмий тадқиқот ишларининг аксарият кўпчилиги совет ва партия мактаблари ҳамда ташвиқот курслари тингловчилари, умумий ўқувчилар учун мўлжаллаб ёзилган эди. Бу мақолалар ва илмий ишларни махсус тайёргарлиги бўлган тарихчилар эмас, балки аксарият партия ва совет ходимлари, бу ҳаракатнинг иштирокчилари ёзганди. Шунга қарамай, бу муаллифлар "босмачилик ҳаракати"нинг бевосита иштирокчилари бўлганлиги сабабли, масалани марксча-ленинча методология асосида, пролетариат ва деҳқонлар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёзганликларига қарамай воқеаларни тарихий ҳақиқатга мосроқ равишда кўрсатдилар.

Бу даврда Ўрта Осиё халқлари тарихини ўрганувчи илмий марказлар - Истпарт, Ўрта Осиё коммунистик университети, Туркистон давлат университети /кейинчалик ЎОДУ/, Архив иши бўйича марказий бошқарма ва бошқалар ташкил этилди. Бу муассасалар Ўрта Осиё халқларининг бошқа давр тарихини ўрганиш ва ҳужжатларни, эсдаликларни йиғиш, уларни эълон қилиш билан биргаликда Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихини ҳам тадқиқ қилдилар, ҳужжатларни, эсдаликларни тўпладилар.

Аммо биринчи даврда архивлар фаолияти энди йўлга қўйилаётганлиги учун асарларнинг манбаи асослари жудаям тор эди. Шунингдек, уларда кўпгина фактик ноаниқликлар кўп учрар ва аниқ тарихий манбалар билан кам таъминланганди. Шунинг учун ҳам Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихи ҳар томонлама юксак илмий даражада ёритилмади.

Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихшунослигининг иккинчи даврини биз уч босқичга бўлиб ўрганиш лозим деган фикрга келдик.

1/ 20-йилларнинг охиридан то 1956 йилгача;

2/ 1956 йилдан то 60-йилларнинг ўрталаригача;

3/ 60-йилларнинг иккинчи ярмидан то 1985 йилгача.

Иккинчи даврнинг биринчи босқичида "босмачилик ҳаракати" тарихини ёритишда якка сталинча коммунистик ғоя ҳукмронлиги ўрнатилди ва унинг барча масалалари ана шу нуқтаи-назардан келиб чиқилган ҳолда ўрганила бошланди. Бунга "Шахта иши" /1928 й./, ВКП/б/ МКнинг 1931 йил 15-мартидаги "Комакадемия иши тўғрисида"ги қарори, И.В.Сталиннинг "Пролетар инқилоби" журналига йўллаган хати /1931, № 6/, ВКП/б/ МКнинг "Звезда" ва "Ленинград" журналлари тўғрисида"ги қарори /1946 йил 14-август/ ва бошқа қарорлар сабаб бўлганди. Шундай қилиб, 20-

йилларнинг охирида бошланган сиёсий воқеалар тарих фанини, жумладан мазкур муаммони ҳам четлаб ўтмади. Натижада "босмачилик ҳаракати" бойлар, феодаллар, руҳонийлар, буржуазиянинг Совет ҳукуматига қарши реакцион ҳаракати сифатида ёритилди.

Иккинчи босқичга келиб Сталин шахсига сиғиниш натижасида йўл қўйилган бузилишлар ва хатоларни тугатишга киришилди. "Босмачилик ҳаракати"нинг тарихини ёритишда тарихчилар бир оз бўлсада тарихий воқеаларни тўғрироқ ёритишга ҳаракат қилдилар.Бу ҳаракатни фақатгина бойлар, руҳонийлар, буржуазия эмас, балки Совет ҳукуматининг ўлкада олиб борган сиёсатида йўл қўйган хатоликлари ҳам сабаб бўлганини кўрсатиб бердилар. Масалан, А.Кўқонбоев[1], А.И. Зевелев[2], Ш.А.Шомаъдиев[3] ва бошқаларнинг асарлари бунга мисолдир.

Лекин учинчи босқичда, яъни 60-йилларнинг охиридан бошлаб яна ҳар қандай тарихий воқеалар, далиллар тўлиқ шаклланган маъмурий-буйруқбозлик услубида бошқарилаётган тизимга мос равишда тавсифланди. Энди "босмачилик ҳаракати" нафақат Туркистондаги фуқаролар урушининг, балки Россиядаги фуқаролар урушининг таркибий қисми сифатида ёритила бошланди. Натижада "босмачилик ҳаракати"нинг даврлари, ҳаракатлантирувчи кучлари ҳам марказдаги ҳаракат билан бир хилда баҳоланиб, "босмачилик"нинг моҳияти бутунлай бузиб кўрсатилди[4].

1.А.Коканбаев.Борьба с басмачеством и упрочение советской власти в Фергане. Ташкент, 1958.

2.А.И.Зевелев. Из истории гражданской войны в Узбекистане. Ташкент, 1959.

3.Ш.А.Шамагдиев.Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. Ташкент, 1961.

4.М.Иркаев. История гражданской войны в Таджикистане.Душанбе, 1968; С.Б.Джантуаров.Гражданская война в Киргизии. Фрунзе, 1968; Ю.А.Поляков, А.И.Чугунов. Конец басмачества, М.,1976; А.И.Зевелев, Ю.А.Поляков, А.И.Чугунов. Басмачество: возникновение, сущность, крах. М., 1981 ва бошқалар.

Шуни ҳам қайд қилмоқ лозимки, "босмачилик ҳаракати" тарихшунослигининг иккинчи даврида ушбу муаммо юқори малакали тарихчилар томонидан ҳар томонлама ўрганилди, унинг тарихига оид ҳужжатлар тўпланди ва бу ҳужжатлардан деярли тўлиқ фойдаланилди. Илмий муассасаларда "босмачилик ҳаракати"ни ўрганувчи махсус бўлимлар иш олиб борди. Қатор номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланди. Ушбу масалага бағишлаб иттифоқ ва Ўрта Осиё ҳамда Қозоғистон миқёсидаги илмий анжуманлар ўтказилди. Аммо буларнинг ҳаммасида ғолиб томон тарихи берилиб, воқеалар ривожи ҳам унинг фойдасига ҳал қилинди.

Учинчи даврдан бошлаб "босмачилик ҳаракати" тарихини ўрганишда бу тарихий воқеанинг асл моҳиятини очиш томон юз тутилди. Бу даврда эълон қилинган мақолаларда[I] /чунки ҳали янгича қарашдаги мукаммал йирик асарларга эга эмасмиз/ коммунистик мафкура ҳукмронлик қилган маъмурий-буйруқбозлик тизими даврида рухсат берилмаган архив ҳужжатларидан фойдаланиб/энди уларга рухсат берила бошланганди/ "босмачилик ҳаракати"нинг ҳақиқий моҳияти очиб берила бошланди. Архивларда мутлақо махфий грифи остида сақланаётган ҳужжатлар эълон қилинди[2]. Бироқ бу мақолалар ҳам камчиликлардан холи эмас эди. Чунки уларда "босмачилик ҳаракати" тарихини тарихий воқеликка мос равишда ёритиш билан биргаликда, бу ҳаракатни ҳар томонлама оқлашга уриниш мавжудлиги кўзга ташланади. Табиийки, бу эса "босмачилик ҳаракати" тарихини тўлиқ ўрганиш имконини бермайди,албатта.

I.П.Ким, М.Хасанов. Басмачество: 1921-1924 годы. Что рассказывают о нем документы хранящиеся в архивов.-Звезда Востока,1989, № 6; Ю.Папоров.Саҳро қуёши чароғонми?-Ёшлик,1990, №5; Босмачилик:ҳақиқат ва уйдирма.Давра суҳбати.-Шарқ юлдузи,1991, №3; А.Акромов.Босмачилик ҳаракати ва унинг моҳияти.-Ҳаёт ва иқтисод,1991,№7 ва бошқалар.

2.Ўзбегим. Тошкент, 1992.

Шунинг учун ҳам ҳозирги кунгача олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларига қарамай, Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихи борасида Ўзбекистон тарихи фани тарихий воқеаларни реал, ҳар томонлама тўлиқ тасвирини берувчи, баён қилувчи биронта йирик тадқиқотга эга эмасмиз.

Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихини тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганмоқ учун аввало Туркистон АССР, миллий давлат чегараланиши ўтказилгандан кейин Ўзбекистон ССР, қолаверса бошқа Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларида мазкур муаммо билан шуғулланган илмий марказлар, ходимлар масаласига ҳам алоҳида эътибор бермоқ зарур.

Октябрь инқилобининг ғалабасидан сўнг янги социалистик маданиятни яратиш билан биргаликда Ўрта Осиё халқлари тарихини марксистик ёритиш вазифаси турди. Ўрта Осиё халқлари тарихини ўрганиш борасида илмий-тадқиқот ишларининг янгича ташкил этишга киришилди. Шу масалада тарих фанининг Социалистик /кейинчалик Коммунистик/ Академия, К.Маркс ва Ф.Энгельс,В.И. Ленин институтлари, РКП/б/ Истпарти, Қизил профессорлар,Коммунистик университетлари каби марксистик марказлари, уларнинг атрофида ҳали жудаям кам бўлган марксчи тарихчиларни тўплаш, уларни совет тарихшунослиги илгари сурган янги илмий муаммоларни тадқиқ қилишга йўналтириш зарур эди.

1920 йил 21-сентябрда РСФСР ХКСнинг Октябрь инқилоби ва Коммунистик партия тарихи бўйича материалларни йиғиш ва ўрганиш учун комиссия - Истпарт ташкил этиш тўғрисида қарор эълон қилинди[I]. Аввал Маориф халқ комиссарлиги, 1921 йил декабридан партия МК Котибиятининг бўлими сифатида фаолият кўрсатган Истпарт Октябрь инқилоби, Коммунистик партия тарихи ва бошқа муаммолар тарихини ўргана бошлади.

I.В.Чеботарева.,Р.Раджапова.Историко-партийная наука в Узбекистане. Ташкент, 1982,9-бет.

Истпарт жойларда маҳаллий комиссия ва бюролар тузиш ҳуқуқига эга эди. I92I йил майда Туркистон КП МК Ижроия бюроси Д.И.Манжара, С.Д.Муравейский, Н.Тўрақуловлар таклифлари билан Истпарт тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Фақатгина I92I йил I0-ноябрда ТКП МК қарори билан унинг қошида Туркистон Коммунистик партияси тарихи бўйича комиссия, Туркистон республикаси Советлари МИҚнинг I92I йил 7-декабрь қарори билан Туркистон Республикаси Советлари МИҚ қошида Туркистонда инқилобий ҳаракат тарихи бўйича комиссия ташкил этилди[I]. ТКП МКнинг I922 йил I7 августдаги "Истпарт тўғрисида"ги қарорига мувофиқ бу комиссиялар бирлаштирилиб, ТКП МК ҳузуридаги бўлим ҳуқуқига эга бўлган Туркбюро Истпартига айлантирилди.

Туркбюро Истпарти ўз вазифасига кўра ҳужжатли материалларни излаб топиш ва йиғишга киришиб кетди. Бунга архив ишининг марказлаштирилиши, тарихий-инқилобий бўлими бўлган Архив бошқармасининг ташкил этилганлиги ёрдам берди. Истпартнинг жойларда бўлимлари ҳам иш олиб бориши Ўрта Осиёда тарих фанининг ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Ўрта Осиёда Истпарт фаолият кўрсатган йилларда /I922-I930/ асосан марксистик тарихий тадқиқотлар учун ходимларни бирлаштирди, шунингдек биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган манбалар фондининг анчагина қисмини тўплади, Октябрь инқилобидан кейинги воқеалар тарихига оид илмий-тадқиқотлар ва манбаларни нашр қилди.

Ўрта Осиёдаги инқилобий ҳаракат ва ТКП тарихини акс эттирувчи хотиралар қўлёзма фондини яратишда Истпартнинг хизмати катта бўлди. Истпарт инқилобий ҳаракат қатнашчилари ва эски партия ходимлари билан ёзишмалар олиб бориб, уларга

I.В.Чеботарева,Р.Раджапова. Историко-партийная наука в Узбекистане. I0- бет.

эсдаликларини ёзиб беришларини илтимос қилиб мурожаат қилди. В.В.Куйбишев, Ш.З.Элиава, Ф.И.Голощекин, Н.А.Паскуцкий, Т. Рисқулов, А.Ф.Солькин, Ф.И.Колесов, П.А.Кобозев, С.П.Тимошковлар ўлкадаги Октябрь инқилоби, фуқаролар уруши, "босмачилик ҳаракати" ва бошқа тарихий воқеалар тўғрисидаги ўз эсдаликларини ёзиб бердилар. 1927 йилнинг охирига келиб қўлёзмада 1500 бетга яқин хотиралар тўпланди[1].

1924 йил апрель ойида ТКП МК Истпарти қошида "Туркистонда фуқаролар уруши тарихини ёзиш ва материаллар тўплаш бўйича комиссия" ташкил этилди. Бу комиссия ишига ТКП МКнинг сўровига биноан Туркистон республикаси ХКС 2 минг сўм ажратди. Комиссия "Ўрта Осиёда фуқаролар уруши фронтларидаги воқеаларнинг хронологик рўйхати"ни ишлаб чиқди, кўпгина эсдаликлар ва ҳужжатли материалларни излаб топишга муваффақ бўлди. Комиссия ишида Н.А.Паскуцкий, С.Т.Филиппов, П.А.Ермолов ва бошқалар фаол иштирок этдилар[2].

20-йилларда Ўрта Осиё Истпарти яратган эсдаликларнинг қўлёзма фонди бугунги кунда ҳам муҳим тарихий манбадир.Баъзи ҳолларда фуқаролар уруши иштирокчиларидан олинган эсдаликлар у ёки бу тарихий воқеа борасида ёзма манбанинг йўқлиги сабабли ягона манбадир. Аммо шуни эсдан чиқармаслик керакки, бу эсдаликлар фақатгина "босмачилар"га қарши кураш олиб борган кишиларнинг эсдаликлари бўлиб, уларда Совет ҳокимиятининг "босмачилик ҳаракати" билан кураши кўрсатилган. Чунки бу эсдаликларни яратишдан мақсад ҳам ўзи совет ҳокимиятининг "босмачилик" билан курашдаги ғолибона курашини кўрсатишдан иборат эди. "Босмачилик ҳаракати"нинг ўзи, унинг моҳияти

1.Л.М.Ланда.Первые центри марксистской исторической науки в Средней Азии.-Народы Азии и Африки, 1972, №2, 47-бет.

2.Г.И.Желтова.Социалистическое строительство в Узбекистане. Историографической очерк.Ташкент, 1975, 10-бет.

эса атайлаб бу эсдаликларда эътибордан четда қолдирилиб, уларда "босмачилар"нинг "бузғунчилиги", "қонхўрлиги"ни кўрсатиш учун барча имкониятлардан фойдаланилганди. Натижада бу эсдаликлар, жумладан Истпарт томонидан яратилган бошқа асарлар асосида "босмачилар" тўғрисида душман образи яратилди.

Истпарт ташкил қилинган биринчи кундарданоқ унинг фаолиятида илмий ишлар ҳам катта ўрин тутди. Истпартнинг дастлабки нашрлари ичида Т.Рискулов кириш қисмини ёзган Мусбюро тўғрисидаги ҳужжатлар тўплами[1], В.Бауманнинг хотиралари[2], С.Д.Муравейский[3], А.Мелкумов[4] асарлари ва бошқа ишлар бор эди. Истпарт "Красная летопись Туркестана" /"Туркистоннинг қизил солномаси"/[5] деган ўзининг тарихий журналини чиқаришга ҳаракат қилди. Кадрларнинг етишмаслиги натижасида бу журналнинг фақат 1-2-сонлари чиқди, холос. Бу журналдаги мақолаларнинг анчагинаси "босмачилик ҳаракати" тарихига бағишланган эди.

Истпарт тарғибот-ташвиқот ишларига ҳам алоҳида эътибор бериб, 1928 йил эса музей ташкил этди. Бу кўргазма ва музейда 1905-1924 йиллардаги Туркистондаги инқилобий воқеалар, 1916 йил қўзғолони, "Қўқон мухторияти", Тошкентдаги 1919 йил январь воқеалари, "босмачилик ҳаракати", Қизил Армиянинг Туркистон фронтидаги ҳаракатлари тўғрисидаги ва бошқа экспонатлар бор эди[6].

1.Мусбюро в Туркестане. I, 2, и 3 Туркестанские конференции РКП. 1919-1920 гг./Материалы/. Введение Рыскулова Т. Ташкент, 1922.

2.В.Бауман. Борьба за власть Советов в Ташкенте./Воспоминания/, Ташкент, 1922.

3.С.Д.Муравейский. Материалы по истории Октябрской революции в Туркестане. Ташкент, 1922. Ўшанинг 19 января/Осиповское восстание/. Приложение к газете "Туркестанская правда", 1928.

4.А.Мелькумов. Материалы революционного движения в Туркмении 1904-1919 гг. Ташкент, 1924.

5.Красная летопись Туркестана. Исторический журнал. № 1-2, Ташкент, 1928.

6.В.Чеботарева., Р.Раджапова. Историко-партийная наука в Узбекистане. 11-бет.

20-йилларнинг биринчи ярмида Тошкент халқ университети /1918 й./, Туркистон шарқшунослик институти /1918 й./, Туркистон Давлат университети /1920 й./, Ўрта Осиё Коммунистик университети /1921 й./ ташкил этилди. Бу олий ўқув юртлари ҳам бошқа тарихий муаммолар қатори "босмачилик ҳаракати" тарихини ўрганишда ҳамда унга марксча-ленинча концепцияни сингдиришда таянч марказлар ҳисобланарди. Айниқса бу борада Ўрта Осиё Коммунистик университети алоҳида роль ўйнади.

ЎОКУ ВКП /б/ МК Ўрта Осиё бюроси Истпарти билан мустаҳкам алоқада фаолият кўрсатди. Истпарт фаолларининг ўзаги ЎОКУ илмий тўгарагининг аъзолари эдилар, шунингдек Истпарт нашр ишларида ҳам ЎОКУга суянарди. "Коммунистическая мысль" /"Коммунистик фикр"/ журналининг иккинчи китобидан бошлаб Истпартнинг "Шарқда инқилоб" бўлими очилди. Шундай бўлим "Коммунист" журнали қошида ҳам ташкил этилди. Бу нашрларда "босмачилик ҳаракати" тарихига оид мақолалар босилди[1].

Туркистондаги ҳарбий типдаги илмий марказлар ҳам "босмачилик ҳаракати" тарихини ўрганишда маълум роль ўйнади. 1919-йил декабрида Бош штабнинг Туркистон фронти қўмондони ўринбосари Ф.Ф.Новицкий Д.Д.Зуевга Туркфронт штабида архив бўлимини тузишни топширди. 1920 йил 12 мартда Д.Д.Зуев ташаббуси билан ҲРСнинг барча штабларга, ҳарбий комиссарлар ва ташкилотларга қуқаролар урушига тааллуқли ҳужжатларни йиғиш тўғрисидаги Туркфронт қўмондони М.В.Фрунзе ва ҲРС аъзоси В.В.Куйбишев қўл қўйган фармони берилди. 1920 йил 19 майдаги №-266 буйруққа биноан Туркфронт штабида ҳарбий-илмий бошқарма тузилди. 1921-йил 1-апрелда мазкур бошқарма Туркистон Республикаси архив

---

1. Т.Дервиш.Современное басмачество.-"Коммунист",1922, № 1/5/; С.Гусев.Ближайшие перспективы борьбы с басмачеством.-"Коммунист", 1922, № 3-4 ва бошқалар.

ишлари марказий бошқармасига қўшилиб, унинг 2-секциясига айлантирилди[1].

Бу ҳарбий-илмий бошқарма Қизил Армиянинг "босмачилик" билан курашни акс эттирувчи материаллар тўплади ва уларни қайта ишлади. Бошқарма ходимлари эса ушбу материаллар асосида "Военная мысль"/"Ҳарбий фикр"/, "Военный работник Туркестана" /"Туркистон ҳарбий ходими"/, "Красная казарма" /"Қизил казарма"/ каби ҳарбий журналларда "босмачилик ҳаракати" тўғрисида мақолалар эълон қилдилар[2].

20-йилларнинг охирига келганда илмий ишларни режалаштириш жорий қилинди. 1928 йил бошида ВКП/б/ МК Истпарти маҳаллий истпартларга 1917-1918 йиллардаги инқилобий воқеалар йилномасини тузиш борасида хат билан мурожаат қилди[3]. ВКП/б/ МК Ўрта Осиё бюроси Истпарти қўйилган бу вазифаларни бажаришга киришди. Истпарт илмий ишларининг кенгайиши натижасида унинг матбуот нашрлари - "Ўрта Осиёда инқилоб" ва "Қизил Шарқ" /ўзбек тилида/ тўпламлари чиқа бошлади. Бу тўпламларда "босмачилик ҳаракати"га оид қатор мақолалар[4] нашр қилинди.

---

1. В.А.Германов. К вопросу о постановке военно-исторической работы в Туркестанской АССР.-в кн. Октябрьская революция в Средней Азии в Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения. Ташкент, 1991, 267-268 -бетлар.

2. Ўша ерда, 276-бет.

3. В.Чеботарева, Р.Раджапова. Историко-партийная наука в Узбекистане. 22-бет.

4. П.Алексеенков. Кокандская автономия.-Революция в Средней Азии. сб.1. Ташкент, 1928; П.Алексеенков. Кокандская автономия /окончание/; Сенг-Заде. Керкинские события.-Революция в Средней Азии. сб.2. Ташкент, 1929; "Қизил Шарқ" мақолалар тўплами. № 1. Тошкент, 1929.- И.Финкельштейн. Январь воқеалари; Д.Зокиров. Хўжанд инқилобда /эсдаликлар/; В.Берёзкин. Босмачиликнинг ижтимоий табиати масаласига.- "Қизил Шарқ". 1930, № 2. ва бошқалар.

20-йилларнинг охирида мамлакат ривожланишида янги - социализмнинг бутун фронт бўйлаб ҳужуми босқичига кирди. Ўз-ўзидан маълумки, Сталин томонидан илгари сурилган бу босқичга мос, ҳар қандай ҳурфикрлиликни тақиқловчи мафкура яратилди.Бу эса бошқа тарихий воқеалар сингари "босмачилик ҳаракати" тарихшунослигида ҳам янги давр очди. ВКП/б/ МКнинг "марксча-ленинча илмий-текшириш ташкилотларининг П-Бутуниттифоқ конференцияси якунлари муносабати билан илмий ишларни мустаҳкамлаш борасидаги тадбирлар тўғрисида" /1929 й. 27 май/, "Под знаменем марксизма" журнали тўғрисида" /1931 й. 25 январь/, "Комакадемия иши тўғрисида" /1931 й. 15 март/ қарорларида, И.В.Сталиннинг аграр марксистлар конференциясидаги нутқи /1929 й. декабрь/ва бошқаларда тарихчилар олдига ҳар қандай тарихий воқеалар фақатгина қатъий марксча-ленинча позицияда /у ҳам қўпол равишда бузилган ҳолда/ турган ҳолда тадқиқ қилиш ҳамда коммунистик мафкура /сталинча албатта/га мос асарлар яратиш вазифаларини қўйди. Оқибатда ҳар қандай тарихий воқеалар, жумладан "босмачилик ҳаракати" ҳам большевикча концепция асосида талқин қилиниб, ўз моҳиятини йўқота борди.

Истпарт /кейинчалик у инқилоб тарихи илмий-текшириш институтига, марксизм-ленинизм институтига айлантирилганда ҳам/ ташкил топганидаёқ унинг олдига партия ва совет ҳокимияти томонидан тарих фанида большевикча марксизм-ленинизм концепциясини, коммунистик мафкурани қарор топтириш вазифаси қўйилганди. Бу илмий марказ бу вазифани совет тарихшунослигида кўрсатиб ўтилганидек олий даражада уддалади. Бу эса ўз ўрнида Ўзбекистонда тарих фанининг барча масалаларини, шунингдек "босмачилик ҳаракати" тарихини том маънода сохталаштирилишига хизмат қилди.

Партия ва Совет ҳукумати Ўрта Осиёда ижтимоий фанлари янада ривожлантириш учун 1929 йил февраль-апрель ойларида Ўрта Осиё Иқтисодий кенгаши ҳузурида йирик ижтимоий ташкилот - Ўрта Осиё илмий-текшириш муассасаси Ассоциацияси /ЎОИТМА/ ташкил этилди[1].

ВКП/б/ МК Ўрта Осиё бюроси истпартнинг илмий-текшириш ишларини кучайтириш ва Ўрта Осиё тарихини марксча-ленинча ўрганиш борасида раҳбарликни марказлаштириш мақсадида ВКП/б/ Ўрта Осиё бюроси Истпартини Ўрта Осиё инқилоб тарихи илмий-текшириш институтига айлантирди.

Ўрта Осиё инқилоб тарихи илмий-текшириш институти /ЎОИТИТИ/ ва ЎОИТМА билан бир вақтда 1931 йилда Ўзбекистонда ЎзК/б/П МК бўлими ҳуқуқига эга бўлган Инқилобий ҳаракат ва партия қурилиши тарихи институти /ЎзИТИТИ/ ҳам фаолият кўрсатарди[2].

ЎОИТИТИда ўрганилаётган муаммоларни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилди. Айниқса, ўша пайтдаги турли концепциялар /троцкийча, шовинистик, миллатчи ва б./га қарши курашмоқ ҳамда марксча-ленинча концепцияни Ўзбекистон тарих фанида тўла қарор топтириш учун ВКП/б/ МК Ўрта Осиё бюроси қатъий чоралар кўрди. Ўрта Осиё инқилоб тарихи илмий-текшириш институти директори ҳамда ВКП/б/ МКнинг, СССР Ишчи-деҳқон инспекцияси МКнинг Ўрта Осиёдаги вакили сифатида - Д.Манжара тасдиқланди. Институтнинг фуқаролар уруши тарихи секторини эса Ф.И.Бошко бошқарди. Кўрилган бу чоралар натижасида албатта Ўзбекистон тарихига партиявий руҳ сингдирилди ва уни коммунистик мафкура нуқтаи-назаридан бир томонлама ёритишнинг асоси қурилди.

1.В.Чеботарева,Р.Раджапова. Историко-партийная наука в Узбекистане. 31-бет.

2.Г.И.Желтова. Социалистическое строительство в Узбекистане, 12-бет.

ЎОИТИТИ, ЎОИТМА ва бошқа илмий-тадқиқот институтлари 20-йилларнинг охири ва 30-йилларнинг бошларида Марказда бўлганидек барча ижтимоий фанлар соҳасида, шунингдек тарих фанида марксча-ленинча методологияни қарор топтириш учун қатор илмий мунозаралар ўтказди. Тарих фанидаги мунозарали масалалардан бири бўлган Туркистонда фуқаролар уруши, "босмачилик ҳаракати" тарихи бўлиб, бу борада ҳам илмий мунозаралар бўлиб ўтди.

1933 йилга келиб Ўрта Осиё инқилоб тарихи илмий-текшириш институти Ўрта Осиё марксизм-ленинизм илмий-текшириш институти /ЎОМЛИТИ/га айлантирилди[1]. Бу даврга келганда ЎОМЛИТИ мустаҳкам илмий базага эга эди. Унинг архив бошқармасида Туркистон КП тарихи, фуқаролар уруши ва "босмачилик ҳаракати" тарихи тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд эди. Шунга қарамай институт ушбу муаммога оид ҳужжатларни излаб топиш, эсдаликларни йиғишни давом эттирди.

"Босмачилик ҳаракати" тарихи тўғрисидаги мақола ва асарлар юбилей саналари муносабати билан ўтказилган сиёсий компанияларда ҳам чоп этилди. Фуқаролар урушининг тугатилишининг 10 йиллиги муносабати билан нашр қилинган асарлар Ўрта Осиёда фуқаролар уруши тарихини ўрганишни бир томонлама бўлсада янада чуқурлаштирди.

30-йилларнинг иккинчи ярмига келиб ЎОМЛИТИ фаолияти кенгайтирилиб, кўпгина муаммолар билан шуғуллана бошлади. ВКП/б/ МК ЎОМЛИТИнинг янги ташкилий структурасини тасдиқлади, натижада бошқа секторлар билан биргаликда инқилоб ва фуқаролар уруши тарихи, Ўрта Осиё халқлари тарихи гуруҳларидан иборат тарихий сектор ташкил этилди. Шундай қилиб, ЎОМЛИТИ Ўрта

I.В.Чеботарева, Р.Раджапова. Историко-партийная наука в Узбекистане, 88-бет.

Осиё халқлари тарихининг барча жабҳалари билан шуғуллана бошлади. Бу 1934 йил ЎОМЛИТИ ЎзМЛИТИ билан қўшилгандан кейин ҳам сақлаб қолинди. ЎзМЛИТИда ҳам ЎзК/б/ П МК тарихий воқеаларни чуқур ўрганиш учун ташкилий структурасида бошқа секторлар билан биргаликда Ўзбекистонда Октябрь инқилоби ва фуқаролар уруши тарихи секторини ташкил этди.

1936 йил 26 сентябрдан бу секторга йирик партия ва давлат арбоби В.М.Арит бошлиқ қилиб тайинланди[1]. Буларнинг барчаси албатта, Ўзбекистон тарихининг бошқа масалалари қатори "босмачилик ҳаракати" тарихи /фуқаролар урушининг таркибий қисми сифатида бўлсада/ масалаларини ҳам ўрганишга хизмат қилди.

Октябрь инқилобининг 20 йиллиги муносабати билан тадқиқотларнинг илмий мазмуни чуқурлашди ва унинг мавзуи кенгайди. Натижада Фарғона водийсидаги "босмачилик"ка қарши кураш /ҳужжатлар тўплами/; Ўрта Осиёдаги инқилобий ҳаракат ва фуқаролар уруши материаллари ҳамда хроникаси каби мавзулар тадқиқ қилина бошланди. Шартнома бўйича Бухорода инқилоб ва фуқаролар уруши; Туркистон Совет автономияси учун кураш; Шарқий Бухородаги "босмачилик" тўғрисидаги материаллар; Хивада инқилоб /1920 й./; ёш бухороликларнинг инқилобдаги фаолияти тўғрисидаги эсдаликлар каби мавзулар ўрганилди. Танқидий адабиётда маҳаллий аҳолининг инқилобий ҳаракатдаги, "босмачилик"ка қарши курашдаги иштирокини, маҳаллий Қизил Армиянинг миллий қисмларининг ҳаракатини, Ўрта Осиё эсерлари, меньшевиклари ва миллатчи ташкилотларининг аксилинқилобий ролини ёритиш зарурияти қайд қилина бошланди.

1938 йил 19-октябрда Ўзбекистон К/б/П МК ЎзМЛИТИда малакали ходимлар етишмаслиги натижасида унинг олдига қўйилган

[1] И.В.Чеботарева, Р.Раджапова. Историко-партийная наука в Узбекистане, 48-бет.

вазифаларни уддалай олмаётганлиги ҳамда унинг фаолиятини универсал характери мақсадга мувофиқ эмаслиги учун ЎзМЛИТИ ЎзК/б/П МК ҳузуридаги Ўзбекистон Коммунистик партияси тарихи институтига айлантирилди. Институтда Октябрь инқилоби ва фуқаролар уруши тарихи муаммолари устида изланиш олиб бориш вазифаси қолдирилди. Шунга мувофиқ институтда Ўзбекистон К/б/П тарихи ва Октябрь инқилоби ҳамда фуқаролар уруши тарихи бўйича иккита гуруҳ тузилди[1].

1940 йил СССР ФАнинг Ўзбекистон филиали, 1943 йилда эса Ўзбекистон фанлар Академияси ташкил топди. Ўзбекистон ФАда Тарих ва археология илмий-текшириш институти ҳам бўлиб, бу Ўзбекистонда тарих фанининг ривожланишида янги босқич очди. Тарих ва археология илмий-текшириш институтининг ташкил этилиши Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихини янада кенгроқ ўрганиш имконини берди. Институтда 1958 йил Ўзбекистонда Октябрь инқилоби ва фуқаролар уруши бўлими бўлиб[2], бу бўлим Туркистоннинг суронли 20-йиллардаги тарихининг бошқа масалалари қаторида "босмачилик ҳаракати" тарихини ҳам кенг қамровда ўрганди ва ўрганмоқда.

Ўзбекистонда тарих фанининг ривожида ТошДУ, СамДУ, педагогик ҳамда бошқа олий ўқув юртларининг тарихчи олимлари катта ҳисса қўшди. Бу олий ўқув юртларида ҳам "босмачилик ҳаракати" тарихи баҳоли қудрат тадқиқ қилинди ва қилинмоқда.

Юқорида қайд қилинган ўлкадаги барча илмий марказлар Туркистон ва Ўзбекистон тарихининг барча масалалари билан биргаликда Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихини қатъий коммунистик ғоя, марксча-ленинча принцип /уни ҳам бузган ҳолда/

1. И.В.Чеботарева, Р.Раджапова. Историко-партийная наука в Узбекистане, 50-бет.
2. Институт истории и археологии. Ташкент, 1968, 5-бет.

позициясида туриб ёритди. Бу эса мазкур тарихий воқеа ҳақиқатини ёритмай, унинг бузиб ўрганилишига олиб келди. Тарих фанлари доктори, профессор Р.Я.Ражапова таъкидлаганидек: "...30-йиллардан бошлаб Ўрта Осиё тарихшунослигида амалда диққат-эътибор ўлкада пролетар, коммунистик ҳаракатни қарор топтириш учун қаратилди, бу эса уларнинг ролини оширилишига, қаттиқ социологик схемалар яратилишига олиб келмасдан қолмади. Уларга Туркистоннинг турли-туман, мураккаб фожиали ижтимоий ҳаёти тарихи куч билан киритилди, натижада тарих фанидан кўпгина ўлканинг ўзига хос хусусиятларига эга ҳодиса ва тенденциялар тушиб қолдирилди ёки улар маъмурий ҳукмронлик кучининг ўтказилиши оқибатида бир томонлама, муайян ғояга йўналтирилган ҳолда талқин қилинди, кўплаб тақиқланган мавзулар юзага келди, Туркистон тарихшунослигида катта етишмайдиган жойлар, "оқ доғлар" пайдо бўлишига олиб келди".[1]

Шунга қарамай, айнан шу марказлар Ўзбекистонда тарих фанини оёққа турғазишда, унинг тарихининг барча масалаларини тадқиқ қилишда маълум аҳамиятга эга бўлди.

2-§. ИЛМИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА БУНИНГ "БОСМАЧИЛИК ҲАРАКАТИ" ТАРИХИНИ ЎРГАНИШГА ТАЪСИРИ

20-30-йилларда Ўзбекистонда биринчи тарих фани ва архив ишининг марказлари ташкил этилиши билан биргаликда дастлабки малакали тарихчи ходимлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор берилди. Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олинганидан сўнг унинг

---

[1] Р.Я.Раджапова. К вопросу о диалектике социалистического демократического и национального в социальной революции (историографические аспекты проблемы).- в кн. Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения. Ташкент, 1991, 31-бет.

тарихи билан асосан рус тарихчилари шуғуллана бошлаганлар. Шунинг учун ҳам 20-йилларда Туркистонда маҳаллий миллат вакилларидан бирорта ҳам тарихчи мутахассис йўқ эди. Чуқур илмий-тадқиқот олиб борган рус тарихчилари /Бартольд ва бошқалар/ ҳам совет даври билан эмас, асосан Ўрта Осиё халқларининг ўрта асрлар тарихи билан шуғулланган эди. Шунинг учун Туркистоннинг совет даври тарихи, жумладан "босмачилик ҳаракати" тарихи билан 20-йилларда асосан партия- совет ходимлари, инқилоб ва фуқаролар уруши қатнашчилари шуғулландилар. Улар Туркистонда фуқаролар уруши ва "босмачилик ҳаракати" тўғрисида йирик монографик асарлар эмас, балки оммабоп публицистик мақолалар ва рисолалар ёздилар. Давлат ва партияда раҳбарлик лавозимида бўлган публицистлар "босмачилик ҳаракати" тўғрисида ёзган мақола ва рисолаларнинг бош мақсади, аввало партия ва совет ҳокимиятининг "босмачилик"ка қарши олиб борган курашини меҳнаткашлар ўртасида кенг тарғибот қилиш эди. Шунингдек, улар мазкур ҳаракатнинг моҳиятини ҳам аниқлашга интилишди ва қатор муҳим маълумотлар асосида бу муаммо тарихини ўрганишда дастлабки қадамларни қўйдилар. Табиийки, улар партия-совет ходимлари, ҳарбий саркардалар бўлиб, Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихини ўрганишда Коммунистик партия,Совет ҳокимияти сиёсати руҳини, тўғрироғи ўзлари амалга оширган ишларни сингдирдилар ҳамда "босмачилик ҳаракати" тарихини ғолиб томон нуқтаи-назаридан ёритиб, бу муаммони ўрганишда бир ёқламаликни бошлаб бердилар. Бу табиий ҳол эди, албатта."Босмачилик ҳаракати" масаласига биринчи қўл урган ва унинг асл моҳиятини маълум даражада тўғри баҳолаган Г.Сафаров ҳам бу муаммони Коммунистик партия, совет давлати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёритгандир. Чунки Сафаров Г.И./Володин,Его-

ров/ /1891-1942/ - 1908 йилдан РСДРП аъзоси, 1921 йилдан эътиборан РКП/б/ МК Туркистон бюросининг аъзоси, 1921-1922 йилларда Коминтерн Ижрокомининг аъзоси, Шарқ бўлимининг мудири, партиянинг X ва XI-съездларида МК аъзолигига номзод қилиб сайланганди[1]. Кўриниб турибдики, Г.Сафаров совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва мустаҳкамланиши, жумладан "босмачилик ҳаракати" тарихини ҳам Коммунистик партия ва совет ҳукумати сиёсати руҳида ёзишга мажбур эди. 20-йилларнинг охиридан бошлаб Туркистонда махсус тайёргарликка эга бўлган тарихчилар етишиб чиқиб, "босмачилик ҳаракати" тарихи билан шуғуллана бошладилар. Туркистон Шарқ институти /1918 й./, Туркистон халқ университети /1918 й./, Туркистон Давлат университети /1920 й.,кейинчалик Ўрта Осиё Давлат университети, бугунги кунда ТошДУ/, Я.М.Свердлов номидаги Коммунистик университет, Ўрта Осиё Коммунистик университети /1921 й./, Шарқ меҳнаткашлари Коммунистик университети /1921 й./ каби олий ўқув юртлари ва илмий марказларда тарих фани мутахассислари тайёрлана бошланди.

Туркистонда тарихчи мутахассисларни тайёрлашда Истпарт, айниқса Ўрта Осиё Коммунистик университети муҳим роль ўйнади. 1919 йил июль ойида Тошкентда оврупалик миллатлар учун партия ва совет ходимлари тайёрлайдиган мактаб очилди. Шу йилнинг охирида эса маҳаллий миллат вакилларидан партия ва совет ходимлари тайёрловчи Турк марказий мактаби ҳам ташкил этилди[2]. 1921 йил август ойида Турк марказий мактаби замирида Ишчи-деҳқон Коммунистик университети /ИДКУ/ ташкил қилинди. Сентябрга келиб оврупалик миллатлар мактаби ҳам Ишчи-деҳқон Коммунистик университетига айлантирилди. 1922 йил февралда бу икки университет бирлаштирилиб, Туркистон Ишчи-деҳқон Комму-

1.В.И.Ленин.Тўла асарлар тўплами.Тошкент,54-том,900-бет.
2.Д.Раджабов.Ташкентская высшая партийная школа-кузница подготовки кадров. Ташкент, 1977, 8-бет.

нистик университети /ТИДКУ/ деб номланди. 1923 йил 10-августида эса ТИДКУ В.И.Ленин номли Ўрта Осиё Коммунистик университети /ЎОКУ/га айлантирилди[1]. ВКП/б/ МКнинг 1932 йил 11-октябрдаги "Коммунистик олий ўқув юртларини қайтадан ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига биноан ЎОКУ Ўрта Осиё Олий Коммунистик қишлоқ хўжалиги мактабига айлантирилди[2].

Туркистон /Ўрта Осиё/ коммунистик университети тўғрисидаги Низомда кўрсатилганидек, у "партия олий ўқув муассасаси ўз олдига партия ва совет қурилишининг барча жабҳаларида раҳбарлик қила оладиган юқори малакали амалиётчи ва назариётчи ходимларни тайёрлашни мақсад қилиб қўяди"[3]. Шунингдек, 1921 йил 3-октябрда РКП/б/ Туркбюроси ЎОКУ Низомига "университет кучларини жамлаш ва фаолиятини ривожлантириш бўйича ўз вазифалари қаторига инқилобий марксизмнинг назарий ва амалий масалаларини илмий тадқиқ қилишни ҳам қамраб олади"[4],-деган қўшимча киритди. Демак, Ўрта Осиё Коммунистик университети партия ва совет ходимлари тайёрлаш билан биргаликда илмий ходимлар, жумладан тарихчи олимлар ҳам тайёрлади.

1922 йил май ойида ЎОКУ ҳузурида ўз олдига "фалсафа масалаларини..., Туркистон тарихини илмий тадқиқ қилишни, инқилобий ҳаракат, РКП тарихини ўрганишни" мақсад қилиб қўйган,кейинчалик илмий ассоциацияга айлантирилган марксистик тўгарак пайдо бўлди[5].

Илмий ассоциациянинг раҳбари қилиб Н.Тўрақулов тасдиқланди. Бу тўгаракда бошқа муаммолар билан бир қаторда Туркистон тарихи, айниқса совет даври, шунингдек, "босмачилик ҳаракати"

1.Д.Раджабов.Ташкентская высшая партийная школа-кузница подготовки кадров.-5-6-бетлар.
2.Л.М.Ланда.Первые центры марксистской исторической науки в Средней Азии.-Народы Азии и Африки,1972, №2, 50-бет.
3.Ўша ерда.
4.Ўша ерда, 51-бет.
5.Ўша ерда, 49-бет.

тарихи масалалари устида қизғин мунозаралар олиб борилди. Туркистонда етишиб чиқаётган тарихчи олимларнинг чуқур тадқиқотчи сифатида шаклланишида тўгараклар албатта маълум ижобий аҳамиятга эга бўлди.

ЎҚКУда 1926/27 ўқув йилида фалсафа, иқтисодиёт ва тарих мутахассислиги бўйича уч йиллик аспирантура очилди. Биринчи йили 6 киши тарих мутахассислиги бўйича аспирантурада ўқиган бўлса, 1930-1931 йилларда уларнинг сони 18 тага етди. 1931 йил 1 январидан бошлаб ВКП/б/ МК Ўрта Осиё бюросининг қарорига биноан ЎҚКУда аспирантурага кириш учун олти ойлик тайёрлов бўлими очилди[1]. Аспирантурада асосан ЎҚКУни битирганлар таълим олишган.

ЎҚКУда 1922-1923 йилларда Я.Э.Рудзутак, В.В.Куйбишев, Ф.И. Голощекин, П.Н.Лепешинский, кейинроқ Н.Тўрақулов, И.А.Зеленский, А.Икромов, Ф.Хўжаев, А.Раҳимбоев, Қ.Отабоев ва бошқалар дарс бердилар. 1923 йил Я.М.Свердлов номли Коммунистик университетдан П.Г.Галузо, И.А.Меницкий ва бошқалар келди.

1931 йил ВКП/б/ МК ҳузурида коммунистик олий ўқув юртлари ректорларининг Умуммиттифоқ кенгашида илмий-тадқиқот ишларига маҳаллий миллат вакилларини кенгроқ жалб қилиш масаласига тўхталиб, йилнинг охирида маҳаллий миллат вакилларини профессор ва доцентлар сонининг 50 % га етказиш вазифасини қўйди[2]. Бу вазифалар ҳаётга тадбиқ этила борди. 20-йилларнинг охири 30-йилларнинг бошларига келганда ЎҚКУда тарихчи олимлар - профессор Аббос Алиев, ЎзССР ФА мухбир аъзоси Н.М.Досумов, академиклар К.Е.Житов, М.Й.Йўлдошев, профессорлар С.Д.Муравейский, В.Я.Непомнин ва бошқалар ўз фаолиятларини бошладилар.

1.Д.Раджабов., Ш.Зиямов.Важное звено партийной работы.Ташкент, 1978, 45-бет.
2.Л.М.Ланда.Первые центры марксистской исторической науки в Средней Азии, 52-бет.

Ўрта Осиёда тарихчи кадрларни тайёрлашда ЎҚУ, ундаги аспирантура бўлими билан биргаликда мазкур олий ўқув юртининг органи бўлган "Коммунистическая мысль" /"Коммунистик фикр"/ журнали ҳам катта роль ўйнади. Журнал саҳифаларида Ўрта Осиё тарихига оид масалалар бўйича тарихчилар мунозара олиб бордилар. Журналда 1916 йил қўзғолони[1], жадидчилик[2], Туркистон КП тарихи[3] каби муаммолар билан бир қаторда "босмачилик ҳаракати" масалалари[4] устида ҳам фикр юритилди. Журналда "босмачилик ҳаракати" тарихига доир мақола ва асарлар тўғрисида ёзилган тақризларда бу тарихий воқеани қай даражада ёритилганлигига баҳо бериш билан бирга унинг ўрганишдаги хато-камчиликлар ва мавжуд муаммолар устида тўхталб ўтилди. Масалан, П.Заика, Е.Козловскийнинг "Қизил Туркистон учун"[5] асарини тақриз қилар экан,"Ҳозирча биз Ўрта Осиёда фуқаролар уруши тарихи ва босмачиликка қарши кураш бўйича барча бой материалларни йиғиш, системалаштириш ва умумлаштириш учун бирорта ҳам жиддий уриниш қилмадик", бунга сабаб, биринчидан, иштирокчиларнинг пассивлиги,иккинчидан эса, архивларнинг қониқарсиз ҳолатидир,-дейди[6], Ёки Г.Туркестанский С.Гинзбургнинг "Фарғонадаги босмачилик"[7] мақоласига ёзган тақризида, "Гинзбургнинг мақоласи тарихчи томонидан эмас, балки кўпроқ босмачилик билан кураш даврларини ҳарбий тактиканинг ўзгариши билан аниқлашда асос ҳисобланадиган ҳарбий киши

1.И.Меницкий.О характере событий 1916 г.в Туркестане/по поводу статьи Т.Рыскулова/; П.Галузо.16 г.в Туркестане и как не следует о нем думать; Т.Рыскулов.Еще о характеристике восстания 1916 г. в Туркестане.ва бошқалар.
2.Г.Туркестанский.Очерки революционного движения в Средней Азии /О сборнике статей Ф.Ходжаева,Е.Федорова,Т.Рыскулова,С.Гинсбурга/.
3.Е.Федоров. К истории КПТ, ва бошқалар.
4.Г.Туркестанский. С.Гинсбург-"Басмачество в Фергане"; П.Заика,Козловский Е."За Красный Туркестан" ва бошқалар.
5.Е.Козловский.За красный Туркестан.Ташкент,1926.
6.Коммунистическая мысль, 1927, кн.4, 130-бет.
7.С.Гинзбург. Басмачество в Фергане.-в кн.: Очерки революционного движения в Средней Азии.Сб. статей.М., 1926.

томонидан ёзилган"[1] деб, "босмачилик ҳаракати" тарихи тўғрисида партия-совет ходимлари, ҳарбий саркардалар томонидан ёзилган мақола ва асарларда муаммо бир томонлама ёритилганлигини кўрсатиб ўтади. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу тарихчилар "босмачилик ҳаракати" моҳияти, сабаблари воқеликка мосроқ ёритилган юқоридаги мақола ва асарларни бутунлай коммунистик мафкура позициясида туриб таҳлил қилишиб, уларнинг ўзлари ҳам "босмачилик ҳаракати" тарихини бузиб ёритилишига замин яратдилар.

20-йилларнинг охирига келганда Ўзбекистонда тарих фани олдида турган вазифалар ва тарихчи кадрларни тайёрлаш борасида мунозара бошланди. Бу мунозаранинг маркази ВКП/б/ МК Ўрта Осиё бюроси Истпарти, ЎОКУ бўлиб, тарихчиларнинг чиқишлари юқорида қайд қилинганидек, "Коммунистическая мысль" /"Коммунистик фикр"/ журналида, Ўрта Осиё бюроси органи "Коммунист"да, шунингдек Истпарт нашр этган "Революция в Средней Азии" /"Ўрта Осиёда инқилоб"/[2], "Революция и культура в Средней Азии" /"Ўрта Осиёда инқилоб ва маданият"/[3] тўпламларида босилиб турди.

ВКП/б/ МКнинг 1928 йил 21 сентябрдаги партия тарихини ўрганишда маҳаллий истпартлар вазифалари тўғрисидаги кўрсатмасига асосланиб ВКП/б/ МК Ўрта Осиё бюроси Истпарт олдига қуйидаги вазифаларни қўйди:

"Яқин даврда ўрганиб чиқиш учун асосий масалалар қилиб қуйидагилар ажратиб кўрсатилсин: - партия Туркистонда, миллий сиёсат, босмачилик, шу билан биргаликда Октябрь, фуқаролар уруши ва бошқа истпарт характеридаги масалаларни ҳам ўрганиш ишлари давом эттирилсин. Асосий масалаларни ўрганиш учун учта

---

1. Коммунистическая мысль, 1926, кн.I, 212-бет.
2. Революция в Средней Азии, Сб.I. Ташкент, 1928; Сб.2. Ташкент, 1929; Сб. 8.М., Ташкент, 1931.
3. Революция и культура в Средней Азии. Сб.I. Ташкент, 1934.

комиссия ташкил этилсин /босмачиликни ўрганиш учун Ўрта Осиё ПУОКРи жалб этилсин/.

2.Ишга собиқ инқилобий ҳаракат иштирокчиларини жалб этиш имконияти таъминлансин ва баъзи масалалар маҳаллий аҳоли вакиллари иштирокида ўрганилиши учун ҳарбий мактаблар, шарқшунослик ва бошқаларнинг маҳаллий тилни билувчи студентлари партия топшириғи сифатида тортилсин.

3.Истпарт ТТБ[1] билан биргаликда истпарт бўйича ЎОДУ билан тадқиқот ишларининг кўринишлари белгилансин.

4.Адабий кенгаш ўрнига қуйидаги мақсадга мувофиқ деб топилсин:

а/ масъул муҳаррирлар гуруҳи;

б/ истпарт тадқиқот ишларининг /ва эсдаликларининг/асосий томонлари мазкур эпизод қатнашчилари, ЎОКУ илмий-текшириш тўгараги органлари орқали ўтказилсин"[2]. Қарордаги бу вазифаларни амалга ошириш учун:

"8.ВКП/б/ МК Ўрта Осиё бюроси Истпартини малакали ходимлар билан мустаҳкамлансин"[3],- деб кўрсатилган эди.

Истпарт ВКП/б/ МК Ўрта Осиё бюроси қўйган бу вазифаларни амалга ошира бориб, Туркистон Компартияси, миллий сиёсат, Октябрь инқилоби, ўқаролар уруши ва "босмачилик ҳаракати" тарихи бўйича қизғин мунозара олиб борди. Масалан, П.Галузо П.Алексеенковнинг "Қўқон мухторияти", "Босмачилик нима?"асарларини таҳлил қилиб, муаллифни "босмачилик ҳаракати" тарихини ёритишда улуғдавлатчилик-шовинистик концепцияни яратишда айбдаб, хато хулосага келди[4]. Шу билан биргаликда Истпарт ва бошқа олий ўқув юртлари республикада малакали тарихчи ходим-

I.ТТБ - Тарғибот-ташвиқот бўлими.
2.Революция в Средней Азии. Сб.I. 109-бет.
3.Ўша ерда, 110-бет.
4.Революция в Средней Азии, Сб.3. 113-бет.

ларни тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор берди. ЎОКУдан ташқари 1980 йил СамДУ /1927 йил Ўзбек олий педагогика институти, 1929-йилдан Педагогик академия/, 1929 йил ТошДУда аспирантура бўлимлари ташкил этилди. Бу аспирантура бўлимларида бошқа фанлар билан бирга малакали тарихчи олимлар ҳам тайёрланди. Масалан, СамДУ академиклар И.М.Муминов, А.Б.Бахоутдинов /ТожССР ФА/, ЎзССР ФА мухбир аъзоси Я.Г.Гуломов, профессорлар - М.Г.Ваҳобов, Х.Ш.Иноятов каби олимларни тарбиядади[1]. Кейинчалик Ўзбекистон ФА Тарих ва археология институти, қатор педагогика институтлари, улардаги аспирантура бўлимлари Ўзбекистонда малакали тарихчи кадрларни тайёрлашда шубҳасиз катта роль ўйнади. Бу тарихчиларнинг катта қисми "босмачилик ҳаракати" тарихи устида илмий изланишлар олиб бордилар. Натижада қатор-қатор номзодлик, докторлик диссертациялар ёқланди, монография яратилди. Бироқ, бутун собиқ Иттифоқда, жумладан, Ўзбекистонда тарих фанининг ривожланиши ҳамда тарихчи мутахассисларни тайёрланишида катта лекин мавжуддир. У ҳам бўлса тарихда коммунистик мафкуранинг мутлақ ҳукмронлигини акс эттирувчи тарихчиларнинг тайёрланганлигидир.

Ўзбекистонда Октябрь тўнтаришидан сўнг тарих фанининг ва тарихчи тадқиқотчилар тайёрлайдиган асосий марказлар - Истпарт ва Ўрта Осиё Коммунистик университети эди. Ўз-ўзидан маълумки, бу илмий марказ ва олий ўқув юрти Коммунистик партия ғояларидан келиб чиққан ҳолда тарихий воқеаларни ўрганар ва шу нуқтаи-назарни қарор топтирувчи ҳамда унга ёт мафкуралар билан кураш олиб боришга тайёр ходимларни тайёрлар эди. Ўзбекистонда тарих фанини ривожлантириш ва кадрлар тайёрлаш аввал бошданоқ

I.А.Т.Тўлаганова. Кузница национальных кадров.- Общественные науки в Узбекистане, 1976, №6, 47-бет.

коммунистча асосга қурилиб, унинг таълим тизимида шаклланиб борди.

20-йилларнинг охирига келиб Сталин бошчилигида социализмнинг бутун фронт бўйлаб ҳужуми бошлангандан сўнг эса тарихий воқеаларни ўрганиш ва уларга баҳо бериш янада партиявийлашди. Ўрта Осиё инқилоб тарихи илмий-текшириш институти /Истпарт 1930 йилда ЎОИТИТИга айлантирилган/ нашр қилган "Революция в Средней Азии" /"Ўрта Осиёда инқилоб"/ тўпламида шундай дейилганди:

"ЎОИТИТИ - мафкура фронтидаги курашда масъул лавозимни эгалловчи жанговор партия муассасасидир. Бундан мутлақо равшанки, унинг органи ҳам шу фронтда жанговар орган, тарих ва Ўрта Осиёда инқилоб тарихида марксча-ленинча концепция учун курашувчи орган ва, биринчи навбатда Ўрта Осиёда партия тарихини илмий тадқиқ қилиш билан шуғулланувчи орган бўлмоғи керак.

Бизга мафкуравий кураш авж олган ва бу курашни олиб борувчи марксча-ленинча кучларни тайёрлаш жараёни кетаётган бир шароитда ишлашга тўғри келмоқда.

Биз байроқни кўтариб /марксизм-ленинизм байроғини - Н.Н./, Ўрта Осиё тарихи соҳасида ишлаётган ўртоқларнинг барчасини шу байроқ остида боришга чақирамиз"[1]. Илмий марказларнинг бундай фаолияти эса Ўзбекистон тарих фанидаги партиявийлаштириш ҳолатини янада мустаҳкамлаб борди.

1930 йил 19 мартда Москвада марксчи тарихчилар жамиятининг мафкуравий кураш олиб боришга бағишланган умумий мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда мамлакатда социализм мустаҳкамланиб борган сари синфий кураш, шунингдек, мафкуравий кураш ҳам кучайиб боради деган хато фикрдан келиб чиқилиб, марксчи тарих-

---

I.Революция в Средней Азии. Сб.3. 7-8- бетлар.

чилар тарих фанида юзага келаётган турли хил буржуача, миллатчи, шовинистик концепцияларга қарши кураш олиб бориш керак, деган хулосага келинди. ЎОИТИТИ мазкур мажлис қарорлари асосида Ўрта Осиё тарих фронтидаги синфий курашни таҳлил қилди ва бу курашда институтнинг вазифаларини белгилади.

ЎОИТИТИ: "Марксчи тарихчининг вазифаси, аввало, бу концепция /марксча-ленинча концепция - Н.Н./ тарафдори бўлиб, душманни фош қилиш, унинг синфий қиёфасини очиб ташлаш ва шу билан унинг пролетариатга, меҳнаткашларга ва эксплуатация қилинувчи халқ оммасига суқилиб киришини ҳар томонлама қийинлаштиришдан иборат. Лекин бу вазифалар душман концепцияни фақат танқид қилишдангина иборат эмас: бизнинг олдимизда яна большевикча концепциямизни чуқур назарий тадқиқ қилиш ва бунинг учун кадрлар тайёрлаш вазифалари ҳам турибди"[1],- деб билди. Ўрта Осиёда тарихчи ходимларнинг етишмаслиги натижасида тарих фанида мафкуравий кураш олиб бориш ниҳоятда қийинлиги қайд қилинди. Шунинг учун "ЎОИТИТИ бир вақтда янги тарихчи ходимлар тайёрлаш устида ишламоғи керак. Бевосита ишчилар, батраклар ва колхозчилардан, биринчи навбатда маҳаллий миллат вакилларидан тайёрлаш"[2] ўша даврнинг энг муҳим вазифаси эди. Лекин тарихчи кадрларни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор берилганлигига қарамай, аслида бу ҳаракатлар Ўзбекистон тарих фанининг том маънода ҳар томонлама ривожланишига хизмат қилмади. Негаки, асосий вазифа тарихий воқеаларни холисона ёритиш бўлмай, балки мафкуравий кураш ниқоби остида тарих фанини ҳам ҳукмрон партия ғоялари, услуби қолипига мослаштириш эди. Эндиликда "Барча тарихий муаммолар партиянинг муаммо-

---

I.Революция в Средней Азии. Сб.3. 7-8-бетлар.
2.Ўша ерда, I2-бет.

лари сифатида қўйилмоғи керак. Институт атрофида тўпланган ўртоқлар ишларида ҳеч қандай муросасозлик, келишувчанликка йўл қўйилмаслиги лозим. Ўрта Осиё тарихида ленинча концепция, партия нуқтаи-назарини асословчи концепция учун кураш байроғи баланд кўтарилмоғи зарур"[1] қилиб қўйилган эди.

Бўлажак тарихчилар олий ўқув юртларида Коммунистик партия тарихи, марксизм-ленинизм асосларини чуқур ўрганишар, кейинчалик аспирантурада ҳам бу соҳадаги билимларини янада бойитишардилар. Масалан, Ўрта Осиё Коммунистик университетининг тарихчи аспирантлари 280 соат ленинизм, 100 соат махсус фанлар - сиёсий иқтисод, диалектик ва тарихий материализм, партия тарихи, 450 соат Ғарб, Шарқ, Ўрта Осиё тарихи фанларини, 100 соат педагогика асослари, 360 соат инглиз тилини ўрганишган[2]. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бундай шароитда ва таълим тизимида тарбия топа бошлаган кадрларга тарихий воқеалар партиявий рух бериб мафкуралаштириб, синфийлаштириб ўргатилар эди. Шундай қилиб, 30-йилларнинг бошларига келганда тарих фанида ҳам воқеаларга бир ёқлама коммунистча нуқтаи-назардан ёндошиш мутлоқ устунлик қилди. Шунинг учун ҳам энди тарих фанидаги аҳвол тарихий воқеаларнинг, айниқса совет даври тарихининг ёритилиши қайтадан кўриб чиқила бошланди. Буни А.Гуревичнинг "Ўрта Осиё тарих фронтидаги аҳвол тўғрисида"[3]ги мақоласи кўрсатиб турибди.

1934 йил 23 майда ВКП/б/ МК ва СССР ХКС ўрта мактабларда фуқаро тарихини ўқитишни яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилди. А.Гуревич ана шу қарор асосида Ўрта Осиёда тарих фанининг аҳволини таҳлил қилиб, Ўрта Осиёда тарих фани марксча нуқтаи-

---

1.Революция в Средней Азии. Сб.3. 11-бет.
2.Д.Раджабов,Ш.Зиямов. Важное звено партийной работы,45-бет.
3.А.Гуревич. О положении на историческом фронте Средней Азии.- Революция и культура в Средней Азии. Сб.1. Ташкент, 1934.

назарда ишланиши бўйича қаровсиз ҳолдадир, деб таъкидлаб ўтади. А.Гуревич Ўрта Осиё тарих фанидаги энг асосий муаммолардан бири - бу совет даври тарихини, жумладан, Октябрь инқилоби, фуқаролар уруши ва "босмачилик ҳаракати" тарихини марксча-ленинча концепцияда ёритилмаганлигида деб кўрсатади. У шундай ёзади: "Кейинги ўн йилликларда Ўрта Осиёда инқилоб ва фуқаролар уруши тўғрисида катта ҳажмда китоблар, брошюралар ва мақолалар ёзилди, бироқ уларнинг бирортасида ҳам Ўрта Осиёда инқилобнинг характери ва ҳаракатлантирувчи кучлари тўғрисидаги масалани марксча-ленинча талқин қилинмаган.

Бу ишларнинг деярли ҳаммаси бирор даражада Сафаровнинг китобчаси таъсири остидадир. Кўпчилик муаллифлар /Сафаровдан ташқари - ўртоқ Галузо, Божко ва бошқалар/ учун қуйидаги даъволар хосдир:

Биринчи. Ўрта Осиёда инқилобни бошқарган рус пролетариати улуғдавлатчилик билан суғорилгандир ва деҳқонларга муносабатда мустамлакачилик сиёсатини олиб борди[1].

Иккинчи. Ўша муаллифлар баъзи ҳолларда миллатчилик тенденциясини акс эттирганлар ва бошқа тарихчилар томонидан миллий буржуазиянинг прогрессив роли ва шунингдек, жадидларни деярли инқилобий партиядир, деб "махсус" ҳимоя қилишидир"[2].

Муаллиф инқилобнинг дастлабки пайтларида Туркистонда миллий масалада Совет ҳукуматининг баъзи ходимлари томонидан йўл қўйилган хатоларга кўпгина муаллифлар бутун партия ташкилотининг умумий йўналиши деб қараб, ўлкада пролетариат диктатурасини қоралаш учун фойдаландилар дейди. Унингча "Масаланинг бундай қўйилиши босмачиликнинг ижтимоий моҳияти тўғрисидаги антипартиявий тасаввурни киритишни енгиллаштирди. Қатор муал-

1.А.Гуревич.О положении на историческом фронте Средней Азии, 9-бет.
2.Ўша ерда, II- бет.

лифлар босмачиликни феодал-буржуача, аксилинқилобий ҳаракат деб эмас /масалани ягона тўғри тушуниш шудир/, балки "деярли деҳқонлар оммасининг "совет ҳокимиятининг мустамлакачилигига" жавоб сифатида оммавий ҳаракати" деб ҳисоблашди /Сафаров,Галузо ва бошқалар/"[1]. Лекин А.Гуревич "босмачилик ҳаракати"ни марксча-ленинча концепция позициясида туриб таҳлил қилиб, Сафаров, Галузо ва бошқа муаллифларнинг "босмачилик ҳаракати"нинг моҳияти тўғрисидаги тўғри фикрларини нотўғрига чиқарди ҳамда "босмачилик ҳаракати" тарихини ўрганишга эмас, фақатгина бу ҳаракат тўғрисидаги советча қарашни мустаҳкамлашгагина ўз улушини қўшди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, А.Гуревич ўз мақоласида Ўрта Осиё тарихини ҳар томонлама ўрганиш борасида қилиниши керак бўлган вазифаларни тўғри кўрсатиб берган. Айниқса, унинг кадрлар тўғрисидаги қуйидаги фикри эътиборга моликдир. "Бу вазифаларнинг ҳаммасини бажариш илмий кадрлар тўғрисидаги масалага боғлиқ бўлиб, бу ерда аҳвол эса шубҳасиз қониқарсиздир.Москва ва Ленинградда Ўрта Осиё тарихчилари бармоқ билан санарлидир. Тарихий-тадқиқот ишларининг оғирлиги маркази, бинобарин Тошкентда ва Ўрта Осиёнинг бошқа марказларида бўлмоғи керак.Бироқ, умумий сони кўп бўлмаган малакали тарихчиларнинг /кўпчилиги Тошкентда тўпланган/ жуда катта қисми ўқитувчилик ёки партия иши билан кўмиб ташланган. Натижада, масалан, ЎзОИТИТИнинг катта иш олиб бораётган тарих сектори ҳатто энг оз миқдорда малакали кучлар билан таъминланмаган"[2].

50-йилларга келганда Ўзбекистон тарих фани юқорида қайд қилинган малакали тарихчилар етишмаслиги масаласини ҳал қилди. Ўзбекистон ФА Тарих ва археология институти, Ўзбекистон КП МК

I.А.Гуревич. О положении на историческом фронте Средней Азии, I0-бет.
2.Ўша ерда, I3-бет.

ҳузуридаги Партия тарихи институти ва олий ўқув юртлар аспирантураларида кўплаб тарихчи олимлар тайёрланди. Масалан, Ўрта Осиёда 1950 йилда 244 та, 1955 йилда 260 та, 1960 йилда 321та, 1965 йилда 638 та, 1970 йилда 1228 та тарих фанлари номзоди ва доктори бор эди[1]. Аммо республикада тайёрланган кадрларнинг деярли кўпчилиги партиявий ғоялар курашчилари қилиб тарбияланди. Бунинг устига тарих ва "босмачилик ҳаракати" тарихи бўйича яратилган асарларнинг деярли ҳаммаси рус тилида ёзилди. Хорижий мамлакатларда, айниқса Ғарб давлатлари тарих фанида тарихий воқеаларга турлича қарашлар мавжуд бўлиб, улар мунозарали асосда ёритилади. Ғарбдаги Ўрта Осиё республикалари тарихини ўрганувчи марказларда ҳам "босмачилик ҳаракати" тарихи тўғрисида бир неча оқимлар мавжуд. Совет тарихий адабиётида эса фақат қора қилиб тасвир этилган. Бунга сабаб биринчидан, "босмачилик ҳаракати" тарихи маълум қолипга солиб яратилганлиги бўлса, иккинчидан, бу соҳада маълум кишилар шу қолип асосида иш олиб борганидир. Совет тарих фанида "босмачилик ҳаракати" тарихи билан асосан А.И.Зевелев, Х.Ш.Иноятов ва яна бир неча тарихчи олим шуғулланиб, уларнинг бу борадаги фикрлари ҳал қилувчи бўлиб қолди. Шу нарса аниқки, бир киши у қанчалик истеъдодли бўлмасин, маълум тарихий воқеанинг барча томонини тўла қамраб ола олмайди ва унга ҳамиша ҳам тўғри баҳо бера олмайди.Бу табиий ҳолдир. Чунки инсон имкониятлари чекланмаганлиги бу борада нисбийдир.

60-йилларга келганда Ўзбекистонда тарих фанининг ривожланиши ва тарихчи кадрлар тайёрлаш масаласи яна кўтарилди.Тарихчи олимларимиз бу соҳада қилиниши керак бўлган советча ва-

---

I.И.К.Додонов. Из опыта подготовки кадров историков высшей квалификации.-Общественные науки в Узбекистане,1976,№10, 31- бет.

зифаларни ва уларнинг амалга ошириш йўлларини кўрсатиб бердилар. 20-йилларда "йўргагида теккан" партиявийлик, синфийлик руҳи бутун совет тузуми даврида тарихчи олимлар тайёрлашда, биологлар тили билан айтганда, доминант белги бўлиб қолди.Аммо шунга қарамай, "Коммунистик партия жамиятнинг раҳбар кучи" бўлиб турган 50-60-йилларда ҳам баъзи тарихчи олимларимиз тарихий воқеаларни тўғри ёритишда ўзларида куч топа билдилар.Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихи устида ишлаган тарих фанлари доктори Ш.А.Шомадиев ана шундай тарихчилардан эди.

Шомадиев Шомухтор Акбарович /1910.8.10, ҳозирги Фарғона область Арсиф қишлоғи/ - тарих фанлари доктори /1975/. 1940-йилдан КПСС аъзоси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси /1941-45/,Қарши Педагогика техникуми директори /1933-1935/, Тошкент юридик институти аспиранти /1935-1937/, Тошкент сиртқи юридик институти директори /1938-1940/, Тошкент вилоят суди раиси /1939-1940/, Ўзбекистон КП МК ҳузуридаги партия тарихи институтида катта илмий ходим /1940-1941/, Ўзбекистон КП МК маданият бўлими мудири /1946-1947/, Тошкент Юридик институти директори /1947-1949/, ЎзССР "Билим" жамияти правлениеси раисининг биринчи муовини /1949-1951/, ЎзССР ФА Тарих ва археология институтида катта илмий ходим /1951-1957/, шу институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари /1957-1962/, 1968 йилдан Тарих ва археология институти /1970 йилдан Тарих институти/да катта илмий ходим бўлиб ишлаган. "Ўзбекистонда гражданлар уруши ва босмачилик ҳаракатининг тугатилиши" мавзуида докторлик диссертациясини ёқлаган. Қизил Юлдуз, 2-даражали Ватан уруши орденлари ҳамда медаллар билан тақдирланган[1].

Тарих фанлари доктори Ш.А.Шомадиев таржимаи ҳолига эътибор берилса, у киши ҳам том маънода совет даврининг тарихчи

1.Ўзбек Совет Энциклопедияси.13-том,Тошкент, 1979, 94- бет.

олимидир. Аммо олим ҳар қандай шароит ва тўсиқларга қарамай "Фарғона водийсида фуқаролар уруши тарихи очерклари"[1] асарида тарихий ҳужжатлар асосида "босмачилик ҳаракати" тарихини ҳақиқатга яқинроқ ҳолда ёритишга журъат этди. Бу шуни кўрсатадики, совет даври таълим тизимида Коммунистик мафкура ҳукмронлигида тайёрланган тарихчи олимларимиз ҳар қандай шароитда ҳам тарихий ҳақиқатни айта оладиган юқори малакали кадрлардир.

Демак, совет тузуми даврида тарихчиларимиз /бугунги кунда мавжуд барча юқори малакали тарихчилар ўша даврда тайёрланганлар/ партиявийлик, синфийлик руҳида, ўта мафкуралаштирилиб тайёрланганлигига, тарбияланганлигига қарамай Ўзбекистон тарихини ўрганишда ўз ҳиссаларини қўшдилар. Ҳатто энди уларнинг замон зўрлиги билан тарихни ёритишда йўл қўйган хато-камчиликларини тузатиб, Ўзбекистоннинг барча даврлардаги тарихини ҳақиқий холисона яратишларидадир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистондаги илмий марказлар, олий ўқув юртлари республикада тарих фанининг асосини яратдилар ҳамда етук малакали тарихчиларни тайёрлашда катта роль ўйнади.

I.Ш.А.Шомадиев.Очерки истории гражданской войны в ферганской долине. Ташкент, 1961.

II-БОБ. "БОСМАЧИЛИК ҲАРАКАТИ"НИНГ МОҲИЯТИ, УНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРГАН ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ САБАБЛАР ВА УНИНГ ДАВРЛАРИ ҲАМДА ОҚИБАТЛАРИНИНГ СОВЕТ ТАРИХШУНОСЛИГИДА ЁРИТИЛИШИ

70 йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олган совет тарихшунослигида Туркистондаги "босмачилик" деб аталган, лекин мақсади миллий-озодлик бўлган ҳаракатга қарши олиб борилган кураш тарихи, яъни ғолиб томон тарихига оид кўплаб адабиётлар, тарихий асарлар ва эсдаликлар мавжуд. Аммо мағлуб томоннинг ҳатти-ҳаракати, мақсади, бу йўлда йўл қўйган қўпол хатолари, хунрезликлари ҳақида деярли илмий тадқиқот, оммабоп асар ҳозирча йўқ.Хорижда эса бунинг акси. Хорижда чоп этилган адабиётларда эса мағлуб томон, енгилганлар тўғрисида хилма-хил фикрлар баён этилиб, уларда "босмачилик ҳаракати"нинг моҳияти, унинг сабабларини очиб беришга ҳаракат қилинган. Совет тарихчилари эса ўн йиллар давомида бу қарашлар, талқинлар, ғояларни тарихимизни сохталаштириш, бузиш деб қоралаб келди. Аслида эса совет тарихчиларининг ўзлари тарихимизни ўта даражада сиёсатлаштириб, унга партиявий руҳ бериб, мафкуралаштириб, синфийлаштириб, байналмиллаллаштириб, замонга, ҳукмрон партия ва мафкурага мослаб, сохталаштирувчи, бузувчи бўлиб қолдилар. Натижада ўзбек халқи Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тўғрисида деярли мутлақо нотўғри тасаввурга эга бўлди. Эндиликда тарихимизни советлар давридаги, собиқ марказ - СССР шароитидаги ҳар хил бузиш ва сохталаштиришдан тозалаш, тарихий ўз жойига қўйиш учун биринчи галда совет даврида зўравонлик таъсирида тарихий воқеаларни сохталаштирган, бузиб кўрсатганларнинг хато ва камчиликларини тарихий фактлар асосида кўрсатиб бериш зарурдир. Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихини ёзишда унинг келтириб чиқарган

иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва ғоявий сабабларга алоҳида эътибор бермоқ керак бўлади. Чунки биз шундагина совет даври сохталаштиришларидан ҳоли бўлган, "босмачилик ҳаракати"нинг ҳаққоний тарихини ёритадиган асарларга эга бўламиз.

I-§. "БОСМАЧИЛИК ҲАРАКАТИ"НИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРГАН ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ САБАБЛАРИНИНГ СОВЕТ ТАРИХШУНОСЛИГИДА АКС ЭТТИРИЛИШ.

Туркистонда "босмачилик ҳаракати" ва унга қарши кураш тарихига оид жуда кўп совет тарихий адабиётлари ёзилганига қарамай, бу ҳаракатни келтириб чиқарган асл сабаблари ва асослари тўғрисидаги қарашлар тўлиқ эмасдир. 20-80-йиллардаги бу муаммога бағишланган баъзи мақолаларни мустасно қилмаганда, деярли қолган барча совет тарихий адабиётларида нафақат Туркистонда, балки умуман бошқа худудларда "босмачилик ҳаракати"ни келтириб чиқарган сабаб бу - бойлар, маҳаллий буржуазия ва реакцион руҳонийларнинг пролетариат диктатурасига қарши синфий кураши,деб кўрсатиб келинди. Натижада "босмачилик ҳаракати" тўғрисида гап борганда бизнинг кўз олдимизда фақат бойлар, буржуазия,руҳонийларнинг маҳаллий тинч аҳолини қириб ташлаш учун олиб борган кураши гавдаланадиган бўлиб қолди. Мана неча ўн йилликларда шаклланган ва мустаҳкамланган тоталитар коммунистик мафкура, маъмурий-буйруқбозлик тартиби тугатилгандан сўнг "босмачилик ҳаракати"ни келтириб чиқарган ҳақиқий сабабларини очиб беришга имконият туғилди.

Февраль буржуа-демократик инқилобидан сўнг Туркистон ўлкасида ҳам кўплаб миллий ташкилотлар ва партиялар тузила бошланди. Миллий истиқлолни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бир гуруҳ ўзбек зиёлилари 1917 йил март ойидаёқ ўлкада "Шўрои Исломия" партиясини тузиб, Туркистонга федерация асосида мухто-

рият берилишини талаб қила бошлади. Айниқса, 1917 йил июнь ойида "Шўрои Исломия" партиясидан ажралиб чиққан "Уламо" партияси раҳбарлари мухторият масаласини қаттиқ талаб қилиб, ташкилий ишларни олиб борди. Бу 1917 йил II сентябрда тасдиқланган Турк адами марказият /федералист/ фирқасининг маромномасида ўзини ёрқин аксини топди.

Миллий мустақиллик учун кураш қизиб бораётган бир пайтда Октябрь тўнтариши бўлди. У Туркистонда маҳаллий аҳолининг деярли иштирокисиз, уларнинг хоҳиш-истаклари ҳисобга олинмаган ҳолда амалга оширилди. Инқилобдан кейин ўлкада большевиклар олиб борган маҳаллий шароитга тўғри келмайдиган кўр-кўрона сиёсат халқнинг шусиз ҳам оғир аҳволини мушкуллаштириб юборди.

Туркистон ўлкаси халқлари Октябрь тўнтариши меҳнаткашларга миллий-озодлик олиб келади, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашдан иборат сиёсат амалга оширилади, эксплуатация ва зулмдан озод бўламиз, деб умид қилган эдилар. Аммо инқилоб натижасида ташкил топган Советлар ҳукумати чор Россиясининг улуғдавлатчилик сиёсатини янги мазмун билан бойитган ҳолда давом эттирди.

Энг кечириб бўлмас томони шундаки, маҳаллий мусулмон халқлар иродасига қарама-қарши қарорлар қабул қилган Туркистон ўлкаси Советларининг 1917 йил 15-21-ноябрда бўлиб ўтган Ш-қурултойи фақат Россиядан юборилган овупалик шахслардан иборат бўлган Туркистон халқ Комиссарлари кенгашини тузди. Бу ҳукумат вакиллари маҳаллий халқнинг на тилини, на динини, на маданиятини, на миллий урф-одатларини, бу ерда асрлар оша таркиб топган тарихий, иқтисодий ва сиёсий муносабатларини билмас ва тушунмас эдилар. Улар Туркистонда улуғ рус шовинизми сиёсатини зўрлик билан давом эттирдилар. Бу нарса Туркистон

ўлкаси Советларининг Ш-қурултойида қабул қилинган қарорида ўз аксини топганди. Жумладан, қурултой қарорида "Маҳаллий аҳоли ўртасида пролетар синфий ташкилотлари бўлмаганлиги сабабли"[1] улар вакилларининг ўлкадаги ҳокимият органларида ишлашларига йўл қўймаслик кераклиги таъкидланади. Бундай улуғдавлатчилик-шовинистик сиёсат кейинчалик ҳам сурункасига давом эттирилди. Буни Туркистон ўлкаси Советлар ҳукуматининг аъзоси, сўл эсерлар партиясининг бошлиқларидан бири, Туркистон халқ комиссарлари кенгашида махсус топшириқлар бўйича нозир вазифасини бажарувчи К.Я.Успенскийнинг ўлка Советларининг 1918 йил январда бўлиб ўтган IУ-қурултойида сўзлаган нутқида "Ўртоқ мусулмонлар! Шуни билингизки, биз сизларнинг катта оғангизмиз! Сиз кичиксиз, ва, тушунардики, бизга бўйсунишингиз керак!"[2]- деган эди. Кўриниб турибдики, Советлар ҳукуматининг миллатларнинг тенг ҳуқуқлиги, уларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш тўғрисидаги қоидалари Туркистонда фақат қоғозларда ўз ифодасини топиб, дастлабки кунларданоқ унга амал қилинмади.

1917 йил 20 ноябрда В.И.Ленин томонидан ёзилган Советлар ҳукуматининг "Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига" мурожаатномасида: "Бундан буён сизларнинг урф-одатларингиз, сизларнинг миллий ва маданий муассасаларингиз озод ва дахлсиз деб эълон қилинадир. Ўз миллий ҳаётларингизни эркин ва бемалол ўрнатира беринг из, сизларнинг бунга ҳаққингиз бор.

...Сизлар ўзларингиз ўз ватанингизнинг ҳокимлари бўлишингиз лозим! Ўз расм-русмингизга биноан ҳаётингизни ўрнатиришингиз лозим. Сизнинг бунга ҳаққингиз бор, чунки сизларнинг тақдирингиз - ўзингизнинг қўлларингизда"[3],- дейилганди.

1.Наша газета, 1917, 28-ноябрь.
2.Босмачилик:ҳақиқат ва уйдирма.Давра суҳбати.-Шарқ юлдузи, 1991, №3, 168-бет.
3.В.И.Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида,Тошкент,1982, 457-458- бетлар.

Ана шу мурожаатномадан руҳланган, Россиядаги барча халқлар ва миллатлар то миллий мустақил давлат бўлиб ажралиб чиқишга қадар ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқига эгадир, дейилган ленинча миллий дастурга асосланган маҳаллий инқилобчилар 1917 йил 26-29 ноябрда бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси умуммусулмонлари IУ-қурултойида Мухтор ҳукумат туздилар. Дастлаб Муҳаммаджон Танишбоев, кейинчалик Мустафо Чўқаев бошқарган, маҳаллий аҳолининг хоҳиш иродасини ифодаловчи Туркистон Мухторияти инсонпарвар, халқчил, демократик ҳукумат эди. Лекин у европаликлардан иборат бўлган Советлар ҳокимияти томонидан қонга ботирилди. Бу эса маҳаллий аҳолининг Советлар ҳукуматига қарши ўз мустақиллиги, миллий- озодлиги учун қуролли қўзғолон кўтаришига олиб келди. Шундай қилиб, маълум даврларда Советлар ҳукуматини титратган, 30-йилларнинг ўрталаригача давом этган "босмачилик" деб ном олган ҳаракат бошланди.

Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихини ўрганишда уни келтириб чиқарган сиёсий-иқтисодий сабабларни таҳлил қилиш муҳимдир. Совет тарихшунослигидаги "босмачилик ҳаракати" тарихига бағишланган дастлабки асар ва мақолаларда бу масалага алоҳида эътибор берилиб, уни ҳаққоний ҳал қилишга ҳаракат қилинган. Совет Туркистони, шунингдек "босмачилик ҳаракати" тарихига бағишланган биринчи тарихий асар бу Г.Сафаровнинг "Мустамлакачилик инқилоби /Туркистон тажрибаси/"[1] китобидир. Г.Сафаров асарида Октябрь инқилобига Туркистонда ҳеч қандай ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий асослар йўқ эди, шунинг учун Туркистонга инқилоб Марказдан телеграф орқали "экспорт" қилинди. Натижада "янги Совет ҳокимиятида мустамлакачилик характери мустаҳкамланганди"[2],- деб кўрсатади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки,

1.Г.Сафаров. Колониальная революция/Опыт Туркестана/,М.,1921.
2.Ўша асар, 70-бет.

асарда муаллиф Туркистоннинг чор Россияси томонидан босиб олинишидан то XX асрнинг 20-йилларигача бўлган сиёсий-иқтисодий аҳволини тадрижий таҳлил қилади ва "босмачилик"ни келтириб чиқарган сабабларни тўғри ёритиб беради. Г.Сафаров: "Босмачилик бир томондан "Қўқон мухторияти"тор-мор этилиши ва ундан кейин давом этган мустамлакачилик номаъқулчиликлари оқибатида миллий мустақиллик учун кураш замирида, иккинчи томондан эса, иқтисодий тушкунлик - очарчилик, Фарғонада пахтачилик хўжалигининг издан чиқарилиши, шу билан бирга ўзбек сарт буржуазиясининг аввалги фаровонлигидан, мардикорлар, чайрокорлар ва қора ишчилар оммасининг оддий иш ҳақидан маҳрум қилиниши асосида келиб чиқди"[1],- деб ёзади Г.Сафаровнинг "босмачилик ҳаракати"ни юзага келтирган сиёсий-иқтисодий асос ва сабаблари тўғрисидаги фикрлари ривожини Н.Батманов,[2] Г.Скалов[3], Д.Зуев[4], С.Гинзбург[5], Т.Дарвиш[6] ва бошқаларнинг мақолаларида кўриш мумкин. Мазкур мақолаларда "босмачилик ҳаракати" ижтимоий-иқтисодий асосга эга бўлмаган Туркистонда Октябрь инқилобини амалга оширилиши ҳамда Советлар ҳокимиятининг миллий масалада, сиёсий-иқтисодий соҳада йўл қўйган қўпол хатолари натижасида юзага келганлиги асослаб берилади.

Н.Батманов ўз мақоласида "босмачилик"ни келтириб чиқарган сабабларга тўхталиб, у "Совет ҳокимияти босмачиликни келтириб чиқарди"[7],- деб кўрсатди.

1.Ўша асар, 90-91-бетлар.
2.Н.Батманов.Басмачество и борьба с ним.-Красная Армия,1921,№9.
3.Г.Скалов.Социальная природа басмачества.-Коммунист,ежемес. орган ЦК КПТ. 1922, №7-8.
4.Д.Зуев.Ферганское басмачество/1918-1922/.Гражданская война. Т.Ш.М., 1923-1924.
5.С.Гинзбург.Басмачество в Фергане.Сб.статей.Очерки революционной движении в Средней Азии.М., 1926.
6.Т.Дервиш.Ферганская проблема.-Военная мысль,1921, №2.
7.Н.Батманов.Басмачество и борьба с ним. 15- бет.

"Босмачилик ҳаракати"нинг туб моҳиятларини ўрганишда Г.Скалов ва Т.Дарвишларнинг мақолалари алоҳида ўрин тутади. Г.Скалов "Босмачиликнинг ижтимоий табиати" мақоласида: "Босмачилик - бу тор доирадаги хўжаликнинг қолоқ шакли билан хўжаликнинг нисбатан ривожланган шакли ўртасидаги тўқнашишнинг яққол маҳсулидир"[1], деб таъкидлайди. Муаллифнинг фикрича, Советлар ҳукуматининг сиёсати "тўғридан-тўғри қуролли тунаш, қароқчилик, зўрлаш, тортиб олиш каби сиёсатга устун даражада асосланган эди. Жуда оддий ва очиқдан-очиқ кўринишдаги мустамлакачилик, ўғирлик содир этилди... "Совет" ҳокимиятининг бу сиёсати... ўзининг қуролли ташқи кўриниши билан босмачиликда ялпи зарбага учради"[2].

Г.Скаловнинг "босмачилик ҳаракати"ни вужудга келтирган асосий сиёсий-иқтисодий сабаблари тўғрисидаги қарашларини Т.Дарвиш /Н.Тўрақулов/нинг "босмачилик"ка бағишланган мақолалари[3] тўлдиради.

Т.Дарвиш "Фарғона муаммоси" деган мақоласида "босмачилик"ни тугатиш учун маслаҳатлар /рецептлар/ беришдан олдин унга тўғри ташхез /диагноз/ қўйиш ва унинг ижтимоий-иқтисодий тарихини кузатиш керак[4],-дейди. Муаллиф мақолада Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейин Фарғонадаги иқтисодий аҳволга баҳо берар экан, бу ерда чор самодержавиеси пахта яккаҳокимлигини юзага келтирганлигини алоҳида таъкидлайди. Россия саноатига биринчи жаҳон урушигача четдан 25 миллион пуд пахта келтирилган бўлса, шундан: Америкадан - 12 млн. пуд, Фарғонадан- 11 млн. пуд, Сирдарё вилоятидан - 1 млн. пуд, Кавказортидан - 1 млн. пуд олиб келинган. Демак, Россиянинг пахтага бўлган талабининг 40-50 фоизини Фарғона қондирган[5]. Чор Россияси томо-

1.Г.Скалов.Социальная природа басмачества. 21-бет.
2.Ўша ерда, 25-бет.
3.Т.Дарвиш.Ферганская проблема.-Военная мысль,1921, №2; Современное басмачество.-Коммунист, 1922, №1/5/.
4.Т.Дарвиш.Ферганская проблема. 108-бет.
5.Ўша ерда,109-бет.

нидан юзага келтирилган пахта яккаҳокимлиги натижасида Фарғонада 1917 йилда 600 минг десятина ерга, яъни деярли барча экин экиладиган майдонларга пахта экилган. Оқибатда аҳоли зич жойлашган Фарғона водийсига ғалла четдан - асосан Россиянинг ғалла етказиладиган ўлкаларидан келтириладиган бўлди. Октябрь инқилобидан сўнг бошланиб кетган фуқаролар уруши ҳамда Оренбург тиқинининг юзага келиши натижасида Туркистон, жумладан Фарғонага ғалла келтириш тўхтаб қолди. Бу эса ўз ўрнида биринчи жаҳон уруши оқибатида келиб чиққан очарчиликни 1917-1918 йилларда ниҳоятда кучайтириб юборди. Натижада аҳолининг катта қисми очликдан қирилиб кета бошлагандан сўнг қўлига қурол олиб Совет давлатига қарши кураш бошлади. "Шундай қилиб,-дейди Т.Дарвиш,- умумий ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган бир қатор сиёсий ва иқтисодий сабаблар қарор топдики, бунинг оқибатида вилоятнинг халқ хўжалик турмушини ўзгартириб юборди, бу эса босмачиликнинг келиб чиқишида биринчи ва ҳатто асосий роль ўйнамасдан қолмади"[1].

Муаллиф "босмачилик ҳаракати"ни келтириб чиқарган қатор сабабларни кўрсатар экан, у "босмачиликнинг келиб чиқишининг биринчи сабаблари баъзи бир муаллифлар бу масалани ўзларича талқин қилишга уринганларидек, бу мамлакат аҳолисига хос бўлган қандайдир жиноятчи кишиларнинг наслий антропологияси ёки жинояти кам бўлмаган рус оқгвардиячилари ва арман дашноқларининг аксилинқилобий ишлари эмас, балки босмачилик анча чуқурроқ сабабларнинг маҳсулидир"[2],-дейди ва "Октябрь инқилоби арафасида маҳаллий меҳнаткашлар ташкиллаштирилмаган, жаҳон ҳаракатининг умумий оқимига ҳали тортилмаган эди"[3],-деган хулоса чиқаради.

---

1. Ўша ерда, 110-бет.
2. Ўша ерда, 110-бет.
3. Ўша ерда, 112-бет.

Т.Дарвиш мустамлакачи дашноқларнинг ёвузликлари ҳам "босмачилик"нинг юзага келишига сабаб бўлди,деб кўрсатади. Шунингдек унинг фикрича, "большевиклар ўз ҳатти-ҳаракатида ва сиёсатида йўл қўйган тактик қўпол хатолар босмачиликнинг кучайишида катта роль ўйнаган. Жумладан, улардан энг каттаси ва муҳими иккита бўлиб, Фарғонада аҳолини мажбурий меҳнатга жалб этиш ва ялпи ҳарбий хизматга чақиришнинг эълон қилиниши бўлди".

Туркистонда "босмачилик ҳаракати"ни вужудга келишидаги сиёсий-иқтисодий сабаблари тўғрисидаги фикрлар Д.Зуев[1], С.Гинзбург[2], Т.Рисқулов[3], Хидиралиев[4], Н.Паскуцкий[5] ва 20-йилларнинг охиригача ёзилган асар ҳамда мақолаларда[6] ривожлантирилди.

Д.Зуев "баррикадалар замирида туғилган ёш совет ҳокимияти ҳеч қандай таянчга эга эмас эди"[7],- деб мақоласида "босмачилик"ни келиб чиқишидаги ички ва ташқи сабабларни кўрсатишга ҳаракат қилади. Унингча, "босмачилик"ни вужудга келишидаги ташқи сабаб-бу Бухоро ва Афғонистон амирларининг панисломча тарғиботи бўлса, ички сабаб - 1920 йилда ўтказилган ер-сув ислоҳоти ва Туркомиссия таркибида келган "марказчилар"нинг маҳаллий шароит билан ҳисоблашмай олиб борган сиёсатидан иборатдир.

Т.Рисқуловнинг "Инқилоб ва Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси" деган асарида "босмачилик ҳаракати" миллий масалада Совет ҳокимиятининг йўл қўйган хатоликлари ҳамда ҳукумат вакилларининг

1.Д.Зуев.Ферганское басмачество/1918-1922/.Гражданская война. т.Ш.М., 1923-1924.
2.С.Гинзбург.Басмачество в Фергане.Сб.Ст.Очерки революционного движении в Средней Азии. М., 1926.
3.Т.Рисқулов.Революция и коренное население Туркестана.Ташкент, 1925.
4.Хидиралиев.Басмачество и народное хозяйство Ферганы.-Военная мысль и революция, 1923.
5.Н.Паскуцкий.К истории гражданской войныв Туркестане.Ташкент, 1922.
6.И.Сольц. К истории КПТ.Сб.ст. Три года Советской власти.Ташкент,1920; В.Лопухов. Из истории политической работы в Красной Армии Туркестана.-Военная мысль, 1921, кн.I. ва бошқалар.
7.Д.Зуев.Ферганское басмачество /1918-1922/, 28-бет.

ўз вазифаларини суистеъмол қилишлари, русларнинг инқилобдан сўнг ҳам давом эттирган мустамлакачилик сиёсати оқибатида юзага келди деган фикр илгари сурилган. Бу асарнинг қиммати шундаки, унда Октябрь инқилобидан кейин вужудга келган очарчиликнинг сабаблари ва унинг "босмачилик ҳаракати"га таъсири очиб берилади.

Демак, хулоса қилиб айтганда, "босмачилик ҳаракати" кетаётган бир пайтда бу тарихий воқеага бағишлаб ёзилган мақола ва асарларда мазкур муаммога баҳо беришга, унинг асл моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинди. Асар ва мақолалар муаллифлари тарихчи олим бўлмасалар-да, ҳукмрон мафкурадан келиб чиққан ҳолда бўлсада "босмачилик ҳаракати"ни илмий жиҳатдан таҳлил қилишда биринчи қадамларни қўйдилар. Улар Туркистондаги "босмачилик ҳаракати" на иқтисодий, на сиёсий, на ижтимоий асос бўлмаган ўлкада рус большевиклари, меньшевиклари, эсерлари томонидан маҳаллий аҳоли манфаатларига зид бўлган Октябрь инқилобининг амалга оширилиши, ундан сўнг янгича кўринишда давом эттирилган мустамлакачилик сиёсатига, Совет давлатининг миллий масалада, сиёсий-иқтисодий, ижтимоий соҳаларда йўл қўйган хато-камчиликларига ҳамда ҳукумат ходимларининг суистеъмолликларига қарши бир неча босқичли халқ ҳаракати эди, деб таърифладилар.

Дарвоқе, шунга алоҳида эътибор бермоқ керакки, бугунги кунда биз учун "босмачилик ҳаракати" тўғрисида ҳаққонийроқ маълумот берадиган 20-йиллардаги асар ва мақолалар партия ва давлат,Қизил Армия ходимлари томонидан Совет ҳукуматининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёзилгандир.

20-йилларнинг охирига келиб ўрганилаётган муаммога муносабат ўзгара борди. Чунки мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар тарих фанига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

20-йилларнинг ўрталарига келганда "босмачилик ҳаракати" сиёсий босқинчиликка айланганди. Шунинг учун ҳам энди "босмачилик ҳаракати"ни реакцион гуруҳлар ҳаракати сифатида ёритишга ёндошиш кучая борди.

20-йилларнинг охирига келиб социализмнинг бутун фронт бўйлаб ҳужуми бошланди. Бу ҳужум тарих фанини ҳам четлаб ўтмади. Энди Совет ҳокимиятига нисбатан ҳар қандай мухолиф ҳаракат фақат қора рангларда тасвирлана бошланди. 20-йилларнинг охири ва 30-йилларнинг бошларидаги "босмачилик ҳаракати" тарихшуносли-гидаги бундай ёндошиш П.Алексеенков, Л.Резцов, Васильевский асарларида[1], ВКП/б/ МК Ўрта Осиё бюроси партия тарихи институти чиқарган тўпламларида[2] ўз аксини топа борди.

П.Алексеенковнинг "Фарғонада деҳқонлар қўзғолони" асари Монстров бошчилигидаги деҳқонлар армияси қўзғолонига бағишланиб, унинг сабаблари кўрсатилган. "Фарғона деҳқонлари ва Совет ҳокимиятининг асосий иқтисодий ва ижтимоий манфаатларининг бир-бирига сира ҳам тўғри келмаганлиги деҳқонлар қўзғолони учун замин бўлиб хизмат қилди, қолган нарсаларнинг ҳаммаси, шу жумладан, Фарғонадаги баъзи бир шўринг қурғур коммунистларнинг жинояткорона юришлари фақат иккинчи даражали, аниқроғи учинчи даражали роль ўйнади, деҳқонлар оммасида аксилинқилобий ташвиқот олиб бориш учун баҳона бўлди, холос"[3]. Чунки муаллиф таъкидлаганидек, "...совет ҳокимияти улар учун бутунлай ёт нарса бўлиб, агар улар бу ҳокимиятни тан олишган бўлсалар фақат зарурат учун, уларнинг бутунлай тўзғитиб юбориш орқасида, Совет

1.П.Алексеенков.Крестьянское восстание в Фергане.Ташкент,1927; Ўшанинг.Кокандская автономия.Ташкент,1931; Ўшанинг.Что такое басмачество? Ташкент,1931; Л.Резцов.Октябрь в Туркестане.Ташкент, 1927; Васильевский.Фазы басмаческого движения в Средней Азии.-Новый Восток, 1930, №29.

2.Революция в Средней Азии.Сб.1.Ташкент,1928; Сб.2.1929;Сб.3. 1931; Қизил Шарқ.Мақолалар тўплами, №1,Тошкент,1929,№2,1931; Революция и культура в Средней Азии,Сб.1.Ташкент,1934.

3.П.Алексеенков.Крестьянское восстание в Фергане.17-18-бетлар.

ҳокимияти ўрнатилган шаҳарларга зарба бера олмаганликлари учунгина шундай ҳол рўй берган"[1]. Совет ҳукумати шу даражада асоссиз ва кучсиз эдики, шунинг учун ҳам у сиёсий жиҳатдан хато бўлсада арманларнинг "Дашноқцутюн" партияси билан ҳамкорлик қилди. Дашноқларнинг Қўқон мухториятидан бошлаб то у тарқатиб юборилганича амалга оширган қабиҳликлари шусиз ҳам Совет давлатига шубҳали ишончни бутунлай тугатди. "Совет ҳукуматининг бу сустлиги шунга олиб келдики, у ривожланиб бораётган босмачилик ҳаракатига қарши на ҳарбий, на ташкилий ва на тарғибот курашини ташкил этиш уёқда турсин, ҳатто у босмачиликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини тушуниб ета олмади ҳам"[2].

П.Алексеенков "Фарғонада деҳқонлар қўзғолони" асаридаги "босмачилик ҳаракати"ни келтириб чиқарган сабаблари тўғрисидаги фикрларини "Қўқон мухторияти" ҳамда "Босмачилик нима?" деган асарларида давом эттирди. Лекин муаллиф "босмачилик"ни келиб чиқишига Совет ҳукуматининг миллий, сиёсий соҳаларда йўл қўйган хатоликлари келтириб чиқарди, деган фикрига ўзи "Босмачилик нима?" асарида қарши чиқиб, "Бизнинг хатоларимиз босмачиликнинг вужудга келишига сабабчи бўлди, деган қараш тарихий ҳақиқатга ҳам тўғри келмайди"[3],- деб ёзади.

П.Алексеенковнинг Туркистондаги "босмачилик ҳаракати"га бағишланган барча асарлари бу ҳаракат тўғрисида муҳим маълумотлар беришига қарамай, улар советча услубда ёзилгандир.Шунинг учун ҳам П.Алексеенков "босмачилик ҳаракати" тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлган Дарвиш, Скалов қарашларини майда буржуача қараш деб баҳолайди. Унинг фикрича, "Бу қараш узоқни кўрмаслик ва мешчанлик назариясидир. Бу қараш мутлақо илмий

1.П.Алексеенков.Крестьянское восстание в Фергане.18- бет.
2.Ўша асар, 20-бет.
3.П.Алексеенко. Что такое басмачество? 13- бет.

асосга асосланмагандир. Бу фақат ижтимоий турмушимиздаги бутун салбий ҳодисаларни бизнинг хатоларимиздан кўриб, уларни энг охирги чегарага қадар майда буржуа обивателининг қарашларини адабиётларда акс эттиришдан иборатдир"[1]. Муаллифнинг таърифича: "Босмачилик пролетариатга ва шунингдек миллий-озодлик ҳаракатига қарши бўлган собиқ мустамлакадаги аксилинқилобий ҳаракатининг бир кўринишидир"[2].

30-йилларда "босмачилик ҳаракати" тарихига оид Д.И.Манжара, Васильевскийларнинг илмий ишлари[3] чоп этилди. Булар ичида Васильевскийнинг "Ўрта Осиёда босмачилик ҳаракатининг босқичлари" мақоласи биз ўрганаётган муаммони ёритишга бир мунча ёрдам берди. Муаллиф "босмачилик ҳаракати"ни вужудга келтирган сабабларни кўрсатишга ҳаракат қилади: "Босмачилик ҳаракатининг биринчи сабаби энг аввало уруш туфайли ва Туркистон хом ашёси /пахтаси/нинг Россиянинг саноат, ғалла марказларидан ажратиб қўйилиши натижасида иқтисодий инқирозидир. Бу пахтачилик хўжалигининг тушкунликка учрашига ва ғалла етиштиришга ўтишга олиб келди. Пахтачиликдан ғаллачиликка ўтишдек оғир ҳолат ва деҳқонларнинг синиши жуда кўпчилик ишсиз батраклар армиясини вужудга келтиришдек умумий вайронагарчилик /Фарғонанинг ўзида улар 300 минг кишича эди/ оқибатда улар Эргаш, Мадаминбек ва Фарғонадаги бошқа қўрбошиларнинг босмачи тўдалари учун кадрлар бўлди"[4]. Шу билан биргаликда муаллифнинг фикрича, "босмачилик ҳаракати"ни вужудга келишида қуйидаги иккинчи даражали сабаблар ҳам бор эди: "Дастлабки пайтлардаги Совет ҳукумати органларининг сунъий иш юритиши, унинг айрим вакилларининг қизиққонлиги

I.П.Алексеенко.Что такое басмачество? 9-бет.
2.Ўша асар, 54-бет.
3.Васильевский.Фазы басмаческого движения в Средней Азии.-Новый Восток, 1920,№29; Д.И.Манжара.Революционное движение в Средней Азии,1905-1920 гг./Воспоминания/.Ташкент,1934; Ўшанинг.Борьба за власть Советов.Ташкент, 1935.
4.Васильевский.Фазы басмаческого движения в Средней Азии,126-бет.

орқасида деҳқонларнинг камбағал-ўртаҳол қатламларига нисбатан мустамлакачиликка ўхшаш нотўғри муносабатда бўлиниб, қизиққонлик қилганликлари Совет ҳокимиятининг асл сиёсати моҳиятини ёмон отлиққа чиқарди. Қўқон мухториятини тугатиш чоғида партизан отрядлари қилган талончилик, аҳолидан озиқ-овқат маҳсулотларини пала-партиш тортиб олишлари, туб аҳолининг маиший ва диний қарашларига нисбатан сурбетларча муносабатда бўлишлари аҳолининг ўта қаҳр-ғазабини қўзғатди"[1]. Булар эса деҳқонларнинг катта қисмини "босмачилар" сафларига кетишига сабаб бўлди.

30-йилларнинг иккинчи ярмида халқаро миқёсда жаҳон уруши хавфининг туғилиши ва 1939 йил Иккинчи жаҳон, шунингдек, 1941-йил Улуғ Ватан урушининг бошланиши, мамлакат ичкарисида эса Сталин қатағонлигининг авж олиши натижасида бошқа тарихий муаммолар қатори "босмачилик ҳаракати" тарихини ўрганишда, бир неча асарларни[2] ҳисобга олмаганда, маълум маънода узилиш бўлди.

40-йилларга келиб марксча-ленинча услуб, коммунистик мафкура тўлиқ ҳукмрон бўлиб қолганига қарамай, Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихини, унинг келиб чиқишининг асл сабабларини кўрсатишга ҳаракат қилиб кўрилди. Масалан, Азиз Ниалло ўз асарида "...дастлаб, Совет ҳокимияти /Туркистонда - Н.Н./ фақат шаҳарлардагина ҳукмрон эди"[3], чунки бу ерда Совет ҳокимиятининг мустаҳкамланишига асос йўқ эди,-дейди. Шунингдек, "босмачилик"нинг юзага келиши сабабларини кўрсатар экан, муаллиф: "Пахта танглиги натижасида тўла хонавайрон бўлган ва қашшоқлик ҳолатидан чиқиш имконини кўзлаган деҳқонлар миллатчилар томонидан ташкил этилган босмачилик ҳаракатининг жуда катта замини эди"[4],- деб таъкидлайди. Лекин совет тарихшунослигида

1. Ўша ерда, 128-бет.
2. С.П.Тимошков. Борьба с английской интервенции в Туркестане. М., 1941; Ўшанинг. Борьба с интервентами, белогвардейцами и басмачами в Средней Азии. М., 1941; Азиз Ниалло. Очерки истории революции и гражданской войны в Киргизии и Средней Азии. Фрунзе, 1941.
3. Азиз Ниалло, кўрсатилган асар, 60-бет. 4. Ўша асар, 70-бет.

Туркистондаги "босмачилик ҳаракати"ни фақат феодаллар, буржуазия, реакцион руҳонийларнинг инглиз жосуслари, оқгвардиячилар билан ҳамкорлигидаги/С.П.Тимошков қарашлари/ҳаракати сифатида қора ранглларда таърифлаш қонун тусига кирганди.

50-80-йиллар совет тарихий адабиётларида Туркистондаги "босмачилик ҳаракати"тарихи ҳар томонлама етарли архив материаллари асосида етук малакага эга тарихчилар томонидан тадқиқ қилинди. Ушбу муаммога бағишланган қатор монографиялар, мақолалар[1] ёзилди, докторлик ва номзодлик диссертациялари[2] ёқланди. Яна Коммунистик партия,

1.П.П.Никишов.Борьба с басмачеством на юге Киргизии.Фрунзе,1957; А.Х.Бабаходжаев.Провал английской антисоветской политики в Средней Азии и на Среднем Востоке в период признания Советского государства де-факто и де-юре/1921-1924гг./,Т.,1957.Ўшанинг.Провал английской политики в Средней Азии и на Среднем Востоке/1918-1924гг./ М.,1962;А.Коканбаев.Борьба с басмачеством и упрочение советской власти в Фергане.Т.,1958;Ўшанинг.Фарғонада Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун кураш.Тошкент,1958;Т.Х.Кельдиев.Разгром контрреволюции в Ферганской и Самаркандской областях Туркестанской АССР.Т.,1959;А.И.Зевелев.Из истории гражданской войны в Узбекистане.Ташкент,1959;Ш.А.Шамагдиев.Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине.Т.,1961;М.Назаров.Туркистон интервенция ва граждандар уруши даврида/1918-1920йй./,Тошкент,1961;М.Иркаев.История гражданской войны в Таджикистане.Душанбе,1963;С.Б.Жантуаров.Гражданская война в Киргизии,Фрунзе,1963;История гражданской войны в Узбекистане.Т.1.Ташкент,1964;Т.2.Ташкент,1970;Ю.А.Поляков,А.И.Чугунов.Конец басмачества.М.,1976;А.И.Зевелев,Ю.А.Поляков,А.И.Чугунов. Басмачество:возникновение,сущность,крах.М.,1981;В.В.Лунин,Э.Ю.Юсупов.Басмачество-орудие реакции/исторические параллели/,Т.,1981; Х.Ш.Иноятов.Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренней контрреволюции.М.,1984;Гражданская война и иностранная военная интервенция в Средней Азии.Ашхабад,1986;А.И.Зевелев,Ю.А.Поляков, Л.В.Шишкина.Басмачество:правда истории и вымысел фальсификаторов.М, 1986;Л.М.Ланда.Американский империализм-активный организатор антисоветской интервенции в Средней Азии/1918-1920гг./.Труды музея истории УзССР,Вып.П.Из-во АН УзССР,Т.,1954;М.Х.Назаров.Из истории Узбекистана в период иностранной военной интервенции и гражданской войны.-Труды САГУ им.В.И.Ленина.Т.,1954;М.И.Иркаев.Разгром последней басмаческой авантюры в Таджикистане в 1931году.-Ученые записки, Сталинабад,1954; М.Х.Назаров.Из истории борьбы в буржуазно-националистическим движением/басмачеством/в Ферганской области.-Труды САГУ, Ташкент,1956 ва бошқалар.

2.Г.И.Федотов.Коммунистическая партия Туркестана в период иностранной военной интервенции и гражданской войны/1918-1920гг./Автореф. дисс.на соиск.учен.степ.канд.ист.наук.М.,1954;Ш.Ташлиев.Коммунистическая партия-организатор и руководитель борьбы рабочего класса и трудящихся масс Туркестана против интервентов и внутренный сил контрреволюции за установление и упрочение Советской власти/октябрь 1917г.-март 1919г/.Автореф.дисс.на соис.учен.степ.канд.Ист.наук.М., 1954;Ш.А.Шамагдиев.Гражданская война и разгром басмачества в Узбекистане.Автореф.дисс.на соис.учен.степ.док-ра ист.наук.Ташкент, 1975, ва бошқалар.

РКП/б/ ва ВКП/б/ МКнинг фавқулодда органлари Туркбюро, Туркко-миссия, Ўрта Осиё бюроси, Туркистон ва Ўзбекистон Советлари фаолияти тарихига бағишланган асарларда[1], Ўрта Осиё республи-калари тарихи бир ва кўп томликларида[2], партия ва совет раҳбар ходимлари ҳамда чет эллик коммунистлар фаолиятига бағишланган аварларда[3], фуқаролар уруши иштирокчилари эсдаликларида[4] ҳам "босмачилик ҳаракати" тарихининг маълум томони ва лавҳалари ёри-тилди. 50-йилларнинг то 80-йилларгача "босмачилик ҳаракати" та-рихига бағишланган жуда кўплаб юқори илмий савиядаги асарлар яратилган бўлсада, минг афсуски, уларнинг айримларидагина "бос-мачилик ҳаракати"ни юзага келтирган иқтисодий, сиёсий сабабла-га номигагина тўхталиб ўтилди. Бу даврдаги совет тарихшунос-лигида "босмачилик ҳаракати"ни келтириб чиқарган сиёсий сабаб

---

1. Очерки истории Коммунистической партии Туркестана. Ч.Ш. Ташкент, 1964; Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана, Таш-кент, 1964; Очерки истории Коммунистической партии Таджикистана. Душанбе, 1964; История коммунистических организаций Средней Азии. Т., 1967; Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. Т., 1974; Р.А. Нуриллин. Советы Туркестанской АССР в период иностран-ной военной интервенции и гражданской войны. Ташкент, 1965; Э.А. Воскобойников. А.И. Зевелев. Туркомиссия ВЦИК и СНК РСФСР и Турк-бюро ЦК РКП/б/ в борьбе за укрепление Советской власти в Тур-кестане. Ташкент, 1951; С. Назаров. Из истории деятельности Средаз-бюро ЦК РКП/б/ 1922-1924/, Т., 1965; А.Т. Азизханов. Туркбюро-полно-мочный орган ЦК РКП/б/, Т., 1977 ва бошқалар.
2. История Узбекской ССР с деревнейших времен до наших дней. Таш-кент, 1974; История Киргизии. Т.П. 1956; История Узбекской ССР. Т.П. Ташкент, 1957; История таджикского народа. Т.Ш. кн. I. М., 1964; Исто-рия Узбекской ССР. Т.Ш. Ташкент, 1967. ва бошқалар.
3. В. Валиев. Народный аксакал. /Страницы жизни и деятельности Ю. Ахун-бабаева/. Ташкент, 1962; Революционеры- вожаки масс /Славная плея-да коммунистов Узбекистана/. Об. статей. Ташкент, 1967; К. Ласанов. Посланцы Ленина. Ташкент, 1974; Н.М. Серый, Политическая работа в интернациональных частях Красной Армии в Туркестане/1918-1920 гг./. Труды САГУ. вып. 170. Ташкент, 1960; И.С. Сологубов. Иностран-ные коммунисты в Туркестане/1918-1921 гг./. Ташкент, 1961; А.М. Матвеев. Иностранные коммунисты в Туркестане. -Вопросы истории КПСС, 1962; №3 ва бошқалар.
4. Октябрская социалистическая революция и гражданская война в Туркестане. Воспоминания участников. Ташкент, 1957; В боях за Советскую власть в Ферганской долине. Воспоминания участников Октябрской революции и гражданской войны/1917-1922гг./. Ташкент, 1957; Воспоминания участников гражданской войны в Андижанской области. Андижан, 1957; За Советской Туркестан. Ташкент, 1963 ва бошқалар.

битта, у ҳам бўлса Октябрь инқилоби туфайли Туркистонда ағдариб ташланган эксплуататор синфларнинг ҳокимиятини қайтадан эгаллаш учун кураши эди, деб зўр бериб таъкидлаб келинди.

30-80-йилларда совет тарихчилари Туркистондаги "босмачилик ҳаракати"ни сиёсий-иқтисодий сабабларини, унинг асл моҳиятини тушунмаганидан мазкур муаммони бузиб талқин қилганликлари йўқ, албатта. Бунга уларни давр руҳи, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий муҳит мажбур қилганди. Бу даврда ёзиладиган ҳар қандай асар ҳукмрон ғоя, тизим, услуб қолипига мос келиши керак эди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда уларнинг ҳаммасини қоралаб, улар устидан мағзава ағдариш "босмачилик ҳаракати" тарихини тўлиқ ўрганиш учун хизмат қилмайди. Чунки Ф.Энгельс айтганидек, тоғорадаги мағзавани чақалоқ билан тўкиб ташламаслик лозим.

КПССнинг XX съездидан сўнг мамлакатда юзага келган ижтимоий-сиёсий вазият "босмачилик ҳаракати" тарихини ўрганишда сал бўлсада ижобий роль ўйнади. Бу вақтда А.Қўқонбоев[1], А.И.Зеведев[2], Ю.Алескеров[3], Ш.А.Шомағдиевларнинг[4] шу муаммога бағишланган асарлари нашр этилди. Ушбу асарларда "босмачилик ҳаракати" тарихини ёритишда янгича ёндошиш, советча услубда бўлсада,унинг янги томонларини ўрганишга ҳаракат қилинди. А.Қўқонбоев: "Совет тарихчилари босмачиликка қарши кураш тарихини ёритиш соҳасида катта илмий текшириш ишлари қилди. Бироқ, бу темада ҳалигача катта капитал иш яратилмаган. Бу тўғрида ёзилган ишларнинг кўпи босмачиликка қарши курашнинг айрим томонлари ва эпизодларини ёритиб беради, холос"[5],-деб ёзганида ҳақ эди. Муаллиф "босмачилик

1.А.Кокандаев.Борьба с басмачеством и упрочение советской власти в Фергане.Ташкент,1958;Ўшанинг.Фарғонада совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун кураш.Тошкент,1958.
2.А.И.Зеведев.Из истории гражданской войны в Узбекистане. Ташкент,1959.
3.Ю.Алескеров.Интервенция и гражданская война в Средней Азии. Ташкент,1959.
4.Ш.А.Шамагдиев.Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине.Ташкент,1961.
5.А.Кокандаев.Кўрсатилган асар,7-бет.

ҳаракати"га қарши кураш, Фарғонада совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш тарихини ўрганишни бош вазифа қилиб қўяр экан, "Босмачиликнинг ижтимоий-тарихий илдизларини туб аҳолининг барча рус халқига нисбатан ишончсизлиги ва қаҳр-ғазаби кайфиятини келтириб чиқарган рус чоризмининг Туркистонда ўтказган мустамлакачилик сиёсатидан излаш керак"[1],- дейди. Шунингдек, "босмачилик ҳаракати"ни келтириб чиқарган қатор сабабларни, албатта совет тузуми нуқтаи-назарида, кўрсатиб ўтади ва биринчи сабаб қилиб қуйидагиларни ёзади: "Империалистик уруш келтириб чиқарган оғир ялпи ҳаёт кечириш шароити маҳаллий аҳоли ўртасида норози бўлганларнинг сонини ошириб юборди.

Ўрта Осиёнинг Совет Россиясидан ажратиб қўйилиши оқибатида Фарғона вилоятига ғалла келтириш вақтинчалик тўхтаб қолди. Аҳоли очарчиликка учради. 1918 йилнинг баҳорида пахта майдонларининг қисқариб кетиши натижасида ўн минглаб деҳқон хўжаликлари қашшоқлашиш ёқасига келиб қолган эдилар. Заводлар тўхтаб қолди"[2]. Шунингдек, А.Қўқонбоев "босмачилик ҳаракати"нинг юзага келишига "совет ҳокимияти маҳаллий органларининг миллий масалада йўл қўйган... хатоларида, босмачиларга қарши кураш аввало асосан ҳарбий куч қўллаш йўли билан олиб борилганлиги,сиёсий ва иқтисодий тадбирлар қўллаш йўли билан меҳнаткаш деҳқонни қўлга олишга аҳамият бермаганлиги сабаб бўлди"[3],-дейди.

Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихига бағишланган архив ҳужжатларидан кенг қамровли фойдаланган ҳолда яратилган биринчи йирик монографиялардан бири А.И.Зевелевнинг "Ўзбекистонда фуқаролар уруши тарихидан" номли асаридир. Унда муаллиф "босмачилик ҳаракати" бу "социалистик инқилоб ғалабасидан кейин ағдариб ташланган эзувчи синфларнинг тиш-тирноғи билан қонуний

1.А.Кокандаев.Борьба с басмачеством и упрочение советской власти в Фергане. 37-бет.
2.Ўша асар, 38-бет.
3.Ўша асар, 39-бет.

қаршилик қилишидир"[1],- деб қатъий ленинча позицияда турсада, лекин "босмачилик ҳаракати"га деҳқонларнинг тортилишида бир неча субъектив омиллар борлигини кўрсатади. Зевелев "Буларга энг аввало партия миллий сиёсатининг бузилиши,...Қизил Армия сафларига суқилиб кириб олган синфий ёт унсурлар ва уларнинг таъсирига тушиб қолган ҳамда маънавий беқарор қизил армиячилар томонидан тинч аҳолининг талашдек ҳодисалар"[2], сабаб бўлди дейди. Яна асарда "пахтачилик хўжалигининг танназули юз минглаб деҳқон хўжаликларининг хонавайрон бўлишига олиб келди"[3] ва бундан "босмачилик ҳаракати" ташкилотчилари фойдаландидар, деб кўрсатилган.

60-йилларга келганда Ш.А.Шомаъдиевнинг "Фарғона водийсидаги фуқаролар уруши тарихи очерклари" монографияси "босмачилик" тарихи борасида қуёшли кунда чақмоқ чаққандек, кутилмаган ҳодиса бўлди. Китоб нашрдан чиққандан сўнг тақризчиларнинг калтаги остида қолди. Асар қатор тақризлар[4] билан биргаликда 1961 йил 13-17 ноябрда Ўзбекистон ФАси Тарих ва археология институтида махсус муҳокама қилинди[5]. Тарихшунослар бу асарни: "Ўрта Осиёда фуқаролар уруши тарихини ўрганишнинг шубҳасиз ютуқлари умумий фонида Ш.А.Шомаъдиевнинг босмачиликни тор-мор қилиниши тўғрисидаги монографияси уйғунсиз ҳолда янгради"[6],-деб таърифланди.

Ш.А.Шомаъдиев "босмачилик"ни очиқ сиёсий босқинчилик кўринишида бўлган ва Туркистонда Совет ҳокимиятини ағдаришга

1.А.И.Зевелев.Из истории гражданской войны в Узбекистане.108-б.
2.Ўша асар. 106-107-бетлар.
3.Ўша асар, 110-бет.
4.В.Минеев.Домысел вместо достоверности.-Правда Востока.1961, 24 августа: Х.Ш.Иноятов,Р.А.Нуриллин.Новая книга по истории гражданской войны в Узбекистане.-Общественные науки в Узбекистане.1961, №4; И.Телятников.Б.Хордас.Книга об истории гражданской войны в Ферганской долине.-Партийная жизнь/Ташкент/.1961.№6.
5.В.И.Кнопов.В институте истории и археологии АН УзССР.-Общественные науки в Узбекистане.1962, №1.
6.А.И.Зевелев.Историография советского Туркестана.Т.,1968,101-б.

ҳамда бу ерда инглиз империализми паноҳида феодал- бойларнинг тартибларини тиклашга йўналтирилган аксилинқилобий буржуа миллатчилик ҳаракати"[1],-деб атаган бўлсада, Фарғона водийсида "босмачилик ҳаракати"нинг аланғаланишида "барча қолганлардан ташқари,Туркреспублика партия-совет органларининг айрим вакилларининг қўпол бузуқликлари"[2] ҳам маълум роль ўйнаганлигини кўрсатади. Шунингдек: "Октябрь ғалабасидан кейинок айрим маҳаллий ходимлар дин билан курашда бир қанча ҳаддан ошишларга йўл қўйдилар. Туркистоннинг баъзи туманларида маъмурий йўл билан мадраса ва эски услуб мактабларининг бир қисми ёпиб қўйилди, қози судлари тақиқланди. Бундай ҳаракатлар, сўзсиз, ҳали диннинг қаттиқ таъсири остида бўлган аҳоли қисмида норозиликни туғдирди"[3]. Баъзи шаҳарларда барча косиб хўжаликларнинг национализация қилиниши,эркин савдонинг тақиқланиши, бозорларнинг ёпиб қўйилиши ҳоллари бўлди.Фарғонада ҳарбий қисмларни маҳаллий аҳоли ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди.Булар эса муаллиф қайд қилганидек, Фарғонада "босмачилик"ни кучайишига сабаб бўлди.

60-йиллардан бошлаб "босмачилик ҳаракати" тарихига бағишланган қатор асарлар, ҳужжатлар тўплами, кўп томликлар[4] яратилганлигига қарамай, бу асарларда "босмачилик"нинг келиб чиқишига сабаб бўлган асл иқтисодий, сиёсий хато ва камчиликлар ҳақида сукут сақлаш одат тусига кирди. Масалан, 1987 йил нашр қилинган "СССРда фуқаролар уруши ва ҳарбий интервенция: Қобуснома"да:

1.Ш.А.Шамагдиев.Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине.Ташкент, 1961, 7-бет.
2.Ўша асар, 60-бет.
3.Ўша асар, 61-бет.
4.М.Х.Назаров. Туркистон интервенция ва фуқаролар уруши даврида /1918-1920/.Тошкент,1961; М.Иркаев.История гражданской войны в Таджикистане.Душанбе,1968; История гражданской войны в Узбекистане.Т.1.Ташкент,1964; Т.2.Тошкент,1970;Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Документы и материалы,Т.1.Алма-Ата,1968; Т.2.Алма-Ата.1964; А.И.Зевелев.,Ю.А.Поляков,А.И.Чугунов. Басмачество: возникновение,сущность крах.М.,1981; Басмачество: социально-политическая сущность.Ташкент,1984, ва бошқалар.

"Босмачилик /туркча "босмоқ"- ҳужум қилмоқ, босмоқ/, Ўрта Осиёдаги аксилинқилобий миллатчилик ҳаракати, Совет ҳокимиятига қарши синфий кураш шакли... Босмачиликнинг ғоявий илҳомчиси - диний хурофотлардан, уларнинг оғир иқтисодий аҳволи ва бойларга қарамлигидан фойдаланган бурҷуа миллатчилари ва реакцион руҳонийлар. Босмачилар бошлиқлари "ғазовот" /"кофир"ларга қарши муқаддас уруш/ шиори остида русларга қарши сиёсат олиб бордилар ва шу билан бир пайтда Ўрта Осиёнинг турли халқларининг ўртасида миллий низолар ёқдилар"[1],- деб қайд қилинган. Бундай фикр миллат, халқнинг ривожига эмас, балки тоталитар мафкураниинг, маъмурий-буйруқбозлик тизимининг умрини чўзишга хизмат қилди, албатта.

1985 йилда мамлакатда бошланган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар бошқа соҳаларда бўлганидек, тарих фанидаги "оқ доғлар"ни демократия, ошкоралик асосида қайтадан кўриб чиқишга, уларнинг асл моҳиятини очиб беришга маълум йўл очиб берди. Натижада Туркистонда "босмачилик ҳаракати", унинг сабаблари тўғрисида янгича фикрлар билдирилган публицистик мақолалар чоп этилди,давра суҳбатлари ўтказилди[2]. Бу ерда шуни эътибордан қочирмаслик керакки, бу мақолалар тарихчилар, файласуфлар, адабиётчилар томонидан ёзилиб, кенг ўқувчилар аудиториясига мўлжалланган-дир. Шунга қарамай, бу мақолаларда "босмачилик ҳаракати"нинг иқтисодий, сиёсий сабаблари архив ҳужжатлари асосида очиб берилган. Шуниси борки, биз бу барча мақола, давра суҳбатларини

I.Гражданская война и военная интервенция в СССР:Энциклопедия. М.,1987, 55-бет.

2.П.Ким.М.Хасанов.Басмачество:1921-1924 годы.Что рассказывают о нем документы хранящиеся в архивов.- Звезда Востока,1989, №6; Ю.Папоров.Саҳро қуёши чароғонми?-Ёшлик,1990,№5; М.Ҳасанов. Альтернатива.Из истории Кокандской автономии.-Звезда Востока, 1990.№7; Саид Мурод.Туркистонда халқ жумҳурияти.-Фан ва турмуш, 1990, №7; Н.Норқулов.Мухториятнинг тугатилиши.-Фан ва турмуш.1990, №8; Босмачилик; ҳақиқат ва уйдирма, Давра суҳбати.-Шарқ юлдузи, 1991. №8, ва бошқалар.

тўплагандагина "босмачилик", унинг сабаблари тўғрисидаги бир бутун қарашга эга бўламиз. Шунинг учун ҳам малакали тарихчилар /ҳа, албатта малакали тарихчилар бўлиши лозим, чунки "чумчук сўйса ҳам, қассоб сўйсин"да/ томонидан архивлардаги барча ҳужжатларни ўрганган ҳолда Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихини тўла-тўкис ёритадиган йирик тарихий асарлар яратилмоғи керак. Ўзбекистонда бугунги кунда малакали тарихчи олимларнинг катта гуруҳи меҳнат қилмоқда. Архивларда эса "босмачилик ҳаракати" тўғрисида ҳали илмий тасарруфга солинмаган ҳужжатлар тахлам- тахлам бўлиб ётибди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон тарихи, айниқса унинг советлар давридаги тарихи совет тарихшунослигини бугунги кун талаблари асосида, яъни ҳар қандай мафкура,сиёсатдан ҳоли ҳолда, холисона ўрганишга қўл урган ҳар бир тадқиқотчининг иккита ишни амалга оширишига тўғри келади. Бу биринчидан, ўрганилаётган муаммо тарихини архив ҳужжатлари ва манбалар асосида чуқур ўрганиш; иккинчидан, ўша олган билимлар негизида мазкур муаммонинг тарихшунослигини тадқиқ қилишдан иборатдир.Биз фақат шу йўл билангина тарихий воқеаларга етарлича баҳо бера оламиз.

"Босмачилик ҳаракати" масалаларини ўрганиш жараёнида архивларда ушбу тарихий воқеаларнинг асл моҳиятини очиб берувчи, лекин совет тарихчилари етарлича фойдаланмаган катта ҳажмдаги ҳужжатларга дуч келдик. Бизнингча, ўша ҳужжатларда "босмачилик ҳаракати" тарихининг барча томонлари берилган. Фикримизнинг исботи сифатида қуйида шундай ҳужжатлардан бир нечасини келтирамиз.

Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг Раиси Қ.Отабоев 1922 йил 18 июлда ТуркМИКнинг 4-пленумида сўзлаган нутқида шундай дейди:

"Фарғонада Совет ҳокимиятини узоқ вақт маҳаллий аҳоли билан тил топиша олмаган темир йўл ишчилари ўрнатдилар. Совет ҳокимияти ўрнатилиши билан бир пайтда Фарғонада мусулмон зиёлиларининг бир гуруҳи уламолар билан биргаликда мусулмон жангчи ва деҳқонларининг қурултойини чақирди. Ана шу қурултойда Туркистон Мухториятининг ҳукумати сайланди". Бу ҳукуматни большевиклар аксилинқилобий ҳукумат сифатида тугатишга киришди. Натижада "Мухтор ҳукумат ислом динини, Мухтор ҳукуматининг миллий озодлигини ҳимоя қилиш учун мусулмонларни миллий армия сафига киришга даъват этди. Дарҳақиқат, атрофдаги қишлоқлар бу чақириққа "лаббай" деб жавоб беришди ва Қўқонга кетмон, болта, ов милтиғи ҳамда шу каби бошқа қуроллар кўтариб олган оломон оқиб кела бошлади". Лекин Совет ҳукумати ўтказган аёвсиз қирғин натижасида мухториятчилар енгилди.

"Бундай шафқатсиз қирғинни кўрган Фарғона аҳли мухториятчиларнинг большевиклар талончи, босқинчи, улар ҳеч нарсани тан олишмайди, Худога ҳам қарши боришади, деган гапларига ишонч ҳосил қилишди"[I].

Мухторият тугатилгандан сўнг совет тузуми иш бошлади.Советлар Ишчи-деҳқон ва Қизил Армия советлари деб аталарди,ҳолбуки, маҳаллий аҳоли орасида ишчилар йўқ эди, натижада совет аппаратлари маълум муддат маҳаллий аҳолидан ажралиб қолди. Бу аҳволнинг ўнгланиб кетишига чор ҳокимияти томонидан мардикорликка олинган ва эндиликда қайтиб келган ерли ишчилар ёрдам беришди.

"1916 йилги мардикорликка олиш маҳаллий аҳолининг норозилигига сабаб бўлган, Самарқанд ва Еттисув вилоятларида бир қанча қўзғолонлар бўлиб ўтган эди. Фарғонада қўзғолонлар бўлмади,

I.Ўзбекистон Республикаси МДА. I7-фонд, I-ёзув, 45-иш,6-варақ.

аҳоли жуда эҳтиётқорлик билан сафарбар қилинадиганларни улгуржи сотиб олди, яъни у ўзига-ўзи махсус солиқлар солди ва йиғилган пулга Фарғонада бижғиб ётган қиморбозлар, киссавурлар, бекорчихўжалар, хуллас, ҳар хил қаланғи-қасанғиларни ёллади. Бир йил ўтгач, улар ўз уйларига қайтишди ва "ҳақиқий ишчилар" сифатида маҳаллий Советларга жалб этилишди. Фарғонада Совет ҳокимияти ана шундай бир вазиятда ташкил топди."[I]

Совет ҳукумати сиёсий фаолияти "йўқолсин эски дунё, йўқолсин буржуазия!" деган шиорларни жорий эта бориб, эски дунё деганда барча мачит ва мадрасаларни тушунилди ва уларни бекитиб қўйилди; қози ва уламоларни ҳибсга олди; диний хурофотга қарши кураш шунда ўз ифодасини топдики, Марғилонда Совет ҳокимиятининг вакиллари мусулмонларнинг муқаддас китоби Қуръонни ёқиб юборишди; Андижондаги Жомеъ масжиди мусулмон отрядларининг қўналғаларига айлантирилди ва у ерда баччавозлик авж олиб кетди.

Қизил Армия отрядларимиз масжидларга ҳужум қилиб, намоз ўқиб ўтирган эшон ва уламолар устига бомбалар ташлашди.Бунинг натижасида уламо ва эшонларнинг ҳаммаси босмачилар томонига ўтиб кетишди.

Совет ҳукумати хўжалик соҳасидаги ишларда ҳам хатоликларга йўл қўйди. Ёппасига деҳқончилик ва ҳунармандчилик ўлкаси ҳисобланган Фарғонада "Коммуна"лар эълон қилинди. Бу ҳақда маълум декрет бўлиб, бутун ерлар ва энг кичик ҳунармандчилик корхоналаригача мусодара қилинди, натижада жуда кўп кишилар ишсиз, бир парча нонга зор бўлиб қолди. Бунинг устига инқилобнинг дастлабки даврларида кўплаб пахта тозалаш заводлари бекилгани қўшилди ва Фарғонада дарҳақиқат барча соҳаларда - ҳам сиёсий, ҳам ташкилий соҳаларда жуда оғир вазият юзага келди.Табиийки, бу кадрларнинг ҳаммаси дарҳол босмачиларга қўшилиб кетди.

I.Ўзбекистон Республикаси МДА.I7-фонд,I-ёзув,45-иш,7-8-варақлар.

Туркистон Коммунистик партияси УI-съездининг I92I йил I9-август куни бўлган мажлисида Фарғона масаласи кўрилди. Бу мажлиснинг стенографик ҳужжатига кўз югуртирган ҳар бир тарихчи ҳеч қийналмай "босмачилик ҳаракати"нинг юзага келиши, унинг моҳиятини тушуниб олади. Съездда Фарғона масаласи бўйича асосий маърузани қилган Н.Тўрақулов "босмачилик"нинг келиб чиқишини таҳлил қилиб беришга ҳаракат қилади ва шундай дейди: "...ҳозирги босмачилик маҳаллий ҳокимиятнинг мустамлакачилик -босмачиларча ишининг натижаси сифатида юзага келди. Бошқа томондан босмачилик фақат қатор кризислар негизида туғилиши мумкин эди: пахта даврида, дон экинлари борасида, қатор суғориш тизимларини ҳал этишда, экин майдонларининг қисқариши натижасида ва ҳоказолар, барча бу кризислар ва иқтисодий шарт-шароитлар асосида босмачилик ривожланди.

Бу сабаблар билан биргаликда тарихнинг баъзи даврларининг ривожланиши ва кучайишига ёрдам берган битта вазиятни қайд қилмоқ керак. Босмачилик бу бизнинг, ташкилотларнинг сиёсий жиҳатдан узоқни кўра билмаслиги, ўтмишга ёндоша билмаслиги ва ўтакетган мутаассиблигидир. Бу борадаги бизнинг сиёсий жиҳатдан узоқни кўра билмаслигимизга Фарғона фронти шароитида меҳнат мажбуриятини ўтказилиши мисол бўла олади, қачонки олдиндан ҳеч қандай ташвиқотсиз, ҳеч қандай ҳожат бўлмаган ҳолда меҳнат мажбуриятини шундай ўтказдикки, меҳнатга яроқли шаҳар аҳолисининг ва деҳқонларнинг ярми қишлоқлардан қочиб кетди ва айни пайтда босмачиликка хайрихоҳлик билдирувчи махсус муҳит яратилди. Шунгача борилдики, меҳнат мажбуриятига етарли миқдорда кишиларни тўплаш учун масжидлар ўраб олиниб, одамлар тутилди ва ҳоказо. Мана шу барча умумий махсус шароитларда босмачилик ривожланди, кучайди ва мустаҳкамланди"[I].

I.Ўзбекистон Республикаси МДА. I7-фонд, I-ёзув, 45-иш, 379-варақ.

Съездда Фарғона масаласи бўйича музокарада сўзга чиққан делегатларнинг нутқларида ҳам "босмачилик ҳаракати" тўғрисидаги ҳақиқат ўз ифодасини топган. Масалан, делегат Ўразбоев шундай дейди: "Энди яна ҳозирги пайтда ҳукмрон бўлган вазиятга мутлақо мослашмаган бизнинг сиёсат тўғрисида гапирмоқ керак.Биз шундай ҳодисага дуч келаяпмиз, шаҳарга деҳқон бир боғлам нарсасини олиб келади, бу ерда эса уни қизил аскарлар ёки яна қайсидир ташкилот олиб қўйиб, унга квитанция беради, у бўйича эса у ҳеч нарса ололмайди, юради, юради, фақат вақтини, пулини йўқотиб, оч ҳолда орқага қайтиб кетади.

Бунинг ҳаммаси фақат босмачиликни кучайтиради.

Энди ҳокимият хусусида. У ерда ҳокимият кўп, ким наганга эга бўлса, ўша ҳокимият. Шундай қилиб, ҳокимият хоҳлаганча,ҳеч қанақа иш эса йўқ. Ҳамма шу билан шуғулланаяптики, бу бевосита босмачилар сафларини кучайтираяпти"[I].

"Босмачилик ҳаракати" раҳбарларининг бу ҳаракат тўғрисидаги фикрлари архивларда жуда кам сақланган /ёки бўлсада,улардан фойдаланиш учун анчагина тўсиқларни енгишга тўғри келади/. Лекин кам бўлсада, бу узуқ-юлуқ ҳужжатларда нима учун халқнинг аксарияти қўлига қурол олиб курашга отланганлиги акс эттирилгандир. Масалан, 1919 йил 24- январда Мадаминбек Олтиариқдан Эски Марғилонга йўл олади. У ердан Тошлоққа ўтиб, унинг маркази Ўрдатағида тўхтайди. Шу ерда 16 январда ўзбек тилида ёзилган хатни қолдиради. Хат рус тилига ўгирилиб Фарғона вилояти Советига жўнатилади. Хатда шулар қайд қилинганди: "Қўқон мухтор ҳукумати ҳаракати бўлганда большевик бўлган Мадамин мусулмон қўшинларини қўллаб-қувватлашни зарур деб ҳисоблади, яъни большевиклар ҳокимиятини халқ учун энг яхши ва фойдали деб

I.Ўзбекистон Республикаси МДА.17-фонд,1-ёзув,45-иш,370-варақ.

ҳисобларди, лекин кейинчалик англадики, большевиклар фаолияти бойлар, қашшоқлар ва камбағалларни талашни ифодалар экан. Шунинг учун у хизматни ташлади ва Эски Марғилон ҳукумати қўрбошилигидан кетди"[1]. Ёки Мусулмон армиясининг бош қўмондони Шермуҳаммадбек Туркистон ўлкасининг барча аҳолисига чақириғида шундай дейди: "Большевиклар алдайдилар ва ўлдирадилар. Барча давлатлар уларни тугатиш учун большевикларга қарши бормоқда ва Туркистонга ҳуқуқ берилганда эди, биз курашмаган бўлардик,балки Туркистонга ўз ҳуқуқи берилмас экан, ҳуқуқ ва виждонимиз учун сўнгги томчи қонимиз келгунча большевиклар билан кураш олиб борамиз"[2].

Тарихий воқеаларни баён қилиш, уларга баҳо беришда тарихчи айрим ҳужжатларгагина суяна олмайди, албатта. Чунки бу ҳолда воқеаларнинг кечиши, моҳиятя бузилади. Шунинг учун ҳам юқорида Туркистонда "босмачилик ҳаракати"ни юзага келтирган иқтисодий, сиёсий сабабларни кўрсатувчи Ўзбекистон Республикаси МДА, Фарғона вилояти давлат архивидаги қатор ҳужжатларни келтирдик. Ҳужжатларнинг катта қисми Ўзбекистон Республикаси МДА нинг I7-фонди I-ёзув 45-ишидан олинганлиги ҳам бежиз эмас.Чунки, агар битта ишнинг ўзида шунча ҳужжатлар бўлса, демак республиканинг МДА,Миллий хавфсизлик хизмати архиви, Ички ишлар вазирлиги Ахборот марказидаги архив, ҳозирча ёпиб қўйилган собиқ Партия тарихи институти архиви, шунингдек вилоятлар, шаҳарлар архивларидаги ҳужжатлар асосидагина "босмачилик ҳаракати"нинг тўлиқ тарихини яратиш мумкин бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистонда "босмачилик ҳаракати"нинг келиб чиқишида чор Россиясининг XIX асрнинг 2- ярмидан

I.Фарғона вилояти давлат архиви.I2I-фонд,I-ёзув,2I9-иш,34-варақ.
2.Фарғона вилояти давлат архиви.485-фонд,I-ёзув,44-иш,45-варақ.

бошлаб ўлкада олиб борган мустамлакачилик сиёсати натижасида юзага келган иқтисодий аҳвол, февраль буржуа инқилобидан сўнг ўлкада бошланган миллий ҳаракат ва Октябрь инқилобидан сўнг Совет ҳокимиятининг амалга оширган тадбирлари оқибатида чоризм мустамлакачилик сиёсатининг янада чуқурлашуви муҳим роль ўйнади.

1920 йил 20- сентябрда Советларнинг IX-съездида Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг ходими Любимов айтганидек: "...бу ерда, Туркистонда Совет ҳокимияти ва Совет қурилишининг яшашига асос бўладиган ўша объектив шароит йўқ эди: ривожланган саноат йўқ эди, ўз елкасида барча бу ишларни кўтарадиган ва керакли даражада ҳақиқий Совет ҳокимиятини таъминлай оладиган кўп сонли саноат ишчи пролетариати йўқ эди..."[I] Шунингдек, Совет ҳокимияти маҳаллий турмуш, диний урф-одатлар билан ҳисоблашмай сиёсий, миллий масалада йўл қўйган қўпол хатоликлари - шариат судларини, вақфларни бекор қилиш, динни тақиқлаш, маҳаллий аҳолига паст назар билан қараш ва ҳоказолар, дашноқлар томонидан қирғинбаротлар ўтказишларнинг ҳаммаси меҳнаткашларнинг сабр косасини тўлдириб юборди. Энди халқ қўлига қурол олиб ўз эрки, ҳуқуқи, мустақиллиги учун кураш бошлади.

Умуман олганда, Туркистонда "босмачилик ҳаракати"га бағишланган 70 йиллик совет тарихий адабиётлари у қанчалик коммунистик мафкура, тоталитар, буйруқбозлик тизимга мос равишда ёзилганлигига қарамай, "босмачилик ҳаракати"ни келтириб чиқарган сиёсий-иқтисодий сабабларни бирор жиҳатини кўрсатиб берган. Шунинг учун улардан мазкур муаммони ўрганишда танқидий фойдаланиш зарур деб ҳисоблаймиз.

I.Ўзбекистон Республикаси МДА. I7-фонд, I-ёзув, 39-иш, I8-варақ.

2-§. СОВЕТ ТАРИХИЙ АДАБИЁТЛАРИДА "БОСМАЧИЛИК ҲАРАКАТИ"НИНГ ИЖТИМОИЙ МОҲИЯТИ, УНИНГ РАҲБАРЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ВА ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧЛАРИГА БЕРИЛГАН БАҲО

Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихи борасида ечимини кутаётган муҳим муаммолардан бири - унинг ижтимоий моҳиятини очиб бериш ҳамда бу ҳаракат раҳбарлари фаолиятини, уларнинг бир-биридан фарқини ва ҳаракатлантирувчи кучларининг асл мақсадини кўрсатишдан иборат. Ўзбекистон мустақилликка эришган вақтдан бери қисқа вақт ичида миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихимизнинг "оқ доғлари"ни тугатишда жуда катта ишлар қилинмоқда. Аммо бугунги кунгача "босмачилик ҳаракати"ни қандай номлаш масаласида бир қарорга келинганича йўқ.

80-йилларнинг охиригача бу ҳаракат фуқаролар уруши, феодаллар, буржуазия, бойлар, реакцион руҳонийларнинг Совет ҳокимиятига, меҳнаткашлар манфаатларига қарши аксилинқилобий, босқинчилик ҳаракати деб таърифланди. Умуман, "босмачилик ҳаракати" атамаси ҳам совет тарихчилари томонидан илмий тасарруфга киритилгандир. Ҳозирда эса бу ҳаракат:

- миллий-озодлик ҳаракати;
- қаршилик ҳаракати;
- ислом лашкарлари ҳаракати;
- русларга қарши бўлган ҳаракат;
- истиқлол жангчилари ҳаракати;
- қуролли қўзғолон /исён/;
- "истиқлолчилик ҳаракати" деб аталмоқда.

Бизнингча, бу муаммони ҳал қилиш учун, аввало, бу ҳаракатда кимлар қай мақсадда иштирок этганлигини ҳамда "босмачилик ҳаракати" атамасининг қачон, ким томонидан илмий муомалага киритилганлигини аниқлаш лозимдир. Аслини оладиган бўлсак,

"босмачилик харакати" XIX асрнинг 2-ярмида Ўрта Осиё чор Россияси томонидан босиб олингандан сўнг бошланганди. Россия империяси Ўлкани босиб олгач, Туркистонни ўз саноати учун хом ашё базасига айлантирди. Ўлка асосан пахта етиштиришга ва уни кайта ишлашга мослаштирилди. Масалан, "...Фаргонада пахта ҳамма нарса устидан хукмрон. У ишлаб чикаришнинг асоси бўлиб хизмат килади. Пахтанинг турли махсулотларига ишлов беришда Фаргона вилояти барча ишчиларининг 60 %, барча механик двигателларнинг 80% банд, барча ёнилгисининг 80 %ни, барча хом ашёнинг 94 %ни истеъмол килади ва вилоят ишлаб чикаришининг умумий маблагининг 92 %ни беради"[1]. Яна чор хукумати Россиядан кўплаб силаларни Ўрта Осиёга кўчириб келтириш, уларни махаллий аҳоли ҳисобига энг яхши ерлар билан таъминлаш йўлини тутди.Натижада "Туркистонда ишлетилмокчи бўлган ерларнинг 55 фоизи рус келгиндиларининг кўлига утди"[2]. Махаллий мехнаткашларнинг икки томонлама аёвсиз эксплуатация килиниши, айникса, чориқнинг миллий зулми, шунингдек кириб келаётган капиталистик муносабатлар халкнинг турмушини издан чикариб, уни хонавайрон килди. "Империя Россия буржуазиясининг иктисодий таъсири остида бўлган иктисодий худудга киргандан сўнг кескин бурилиш даври бошланди, кайсики, натижада турмушдаги босмачиликни берди... Ўша босмачилик биринчи навбатда бу кескин бурилиш натижасида ҳаётда улоктириб ташланганларни жалб килди.

Асосан москвалик фабрикантлар билан рақобатлаша олмайдиган деҳконлар, косиблар оммасини ҳаёт улоктириб ташлади. Ана Ўшалар биринчи галда турмушдаги босмачиликнинг контингентини ташкил этдилар"[3]

1.Г.Сафаров.Колониальная революция/Опыт Туркестана/.38-39-бетлар.
2.Т.Рискулов.Янги Туркистон.-Туркистон, 1928, 25- бет.
3.Ўзбекистон Республикаси МДА. 17-фонд,1-ёзув, 45-иш, 375-варак.

1917 йил октябрь воқеалари, айниқса Қўқон мухторияти қонга ботирилгандан кейинги большевикларнинг "фаолияти" оқибатида Туркистонда "босмачилик"нинг янги сиёсий кўриниши юзага келди. Туркистон Компартиясининг УІ-съездида Н.Тўрақулов қайд қилганидек: "Лекин ўша турмушдаги босмачилик биз ҳозир кураш олиб бораётган босмачиликка мутлақо ўхшамайди, ундан сезиларли даражада фарқ қиладн... Ўша Фарғона босмачилиги билан ҳозирги босмачилик пайдо бўлиши моҳияти жиҳатидан ўхшашсада, лекин ташқи кўринишида қарама-қаршиликларни фарқламоқ зарур"[1]. Чунки совет тарихий адабиётларида кенг ёритилган Октябрь инқилобидан кейинги "босмачилик ҳаракати" биз олдинги параграфда кўрсатиб ўтган иқтисодий-сиёсий асос ва сабаблар негизида вужудга келганди. Совет ҳокимияти Туркистонда шундай иқтисодий-сиёсий ва миллий сиёсат олиб бордики,- дейди Қ.Отабоев,- "натижада барча деҳқонлар ва ҳунармандлар совет тузумига, совет тартибларига қарши кўзғалди ва босмачилар тарафига ўтиб кетди, дастлабки даврларда босқинчилик руҳидаги бу ҳаракат эндиликда сиёсий мазмун касб этди. Шуни таъкидлаш лозимки, 1919-1920 йилларга келиб Фарғонада қарокчилик, босмачилик эмас, балки ўзига хос халқ исёни вужудга келди.

Тўрт йил мобайнида биз бу ҳаракатга ҳатто тўғри баҳо беришни ҳам билмадик, /тарихчиларимиз эса ҳалигача бу масалада бир қўнимга келганича йўқ. - Н.Н./ у халқ қўзғолони бўлгани ҳолда биз уни босмачилик деб атадик. Босмачилик моҳиятан талончилик деган маънони билдиради, бизнинг ушбу ҳаракатга берган нотўғри таърифимиз масалани ҳал этишда нотўғри ёндошувларга олиб келди. Ва алал-оқибат тўрт йил давомида биз бу ҳаракатнинг бирор-бир жиҳатини тугата олмадик.

I.Ўзбекистон Республикаси МДА.І7-фонд,І-ёзув,45-иш,375-378-варақлар.

Совет ҳукумати тобора кучайиб бораётган бу кўзголонга ҳеч-ю келганида, бу кўзголон йирик шаҳарларда янада мустаҳкамланди ва Совет ҳукуматига қарши кураш олиб борди"[1]. Демак, бундан кўринадики, "босмачилик ҳаракати" маҳаллий аҳолининг миллий-озодликка эришиш йўлидаги қуролли кўзголони бўлиб, уни ижтимоий-сиёсий моҳияти жиҳатидан икки даврга бўлиб ўрганиш мақсул. 1918 йил февралидан /"Кўқон мухторияти" тугатилганидан/ то 1923 йилгача ва 1923 йилдан 30-йилларнинг ўрталаригача бўлиб ўрганиш ҳақиқатга яқин бўлар эди. Чунки "босмачилик ҳаракати"нинг биринчи даврида унинг сафларида совет ҳокимиятининг сиёсатидан норози бўлган меҳнаткашлар кўпчиликни ташкил қилиб, ўз эрки, ҳуқуқлари учун курашдилар. Совет ҳукумати ён бера бошлагандан сўнг жанглардан чарчаган меҳнаткаш халқнинг катта қисми тинч меҳнатга қайтди. "Босмачилар" сафларида қолганлар эса ҳаракатнинг иккинчи даврида ўзларининг олдиларига қўйган мақсадларни амалга ошириш учун курашни давом эттирдилар. Лекин "босмачилик ҳаракати" сафларидан меҳнаткашларнинг катта қисми кетиб қолганликлари учун "босмачилар" тактикаси, яъни кураш олиб бориш услублари ўзгарди ва эндиликда босқинчилик, террор каби услублар устун кела бошлади. Бундан эса кўп ҳолларда нафақат совет ҳукумати, балки меҳнаткаш халқ ҳам кўп азият чекди.

20-йиллардан то 80-йиллергача бўлган совет тарихшунослигида "босмачилик ҳаракати" тарихининг асосий масалаларида турлича ёндошишлар бўлсада, барча тарихчилар бу ҳаракатнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти борасида ҳамфикрдирлар. Совет тарихий адабиётларининг деярли ҳаммасида "босмачилик ҳаракати" бойлар, буржуазия, руҳонийларнинг аксилинқилобий ҳаракати деб номланган.

---

1. Ўзбекистон Республикаси МДА. 17-фонд, 1-ёзув, 45-иш, 9-варақ.

Тўғри, 20-йиллардаги бир неча мақола ва асарларда "босмачилик ҳаракати" миллий-озодлик ҳаракати деб ҳам кўрсатилган. Масалан, Г.Сафаров ўзининг "Мустамлакачилик инқилоби /Туркистон тажрибаси/" асарида Компартия ўлка комитетининг 1920 йил 11- февралда Фарғона тўғрисидаги: "Фарғонадаги босмачилик фақатгина анархистик қарокчилар ҳаракати бўлмай, миллий мухторият учун кураш шиорини ўзига қалқон қилиб олган ва ҳаракатни алангалатувчи, қисман қарокчилар тўдасидан ривожланган,уламо ва бойлар томонидан аксилинқилобий мақсадлари йўлида қўллабқувватланган ҳамда Қўқон мухтор ҳукумати тор-мор этилгандан сўнг кучайган, маҳаллий аҳолига қарши зўравонлик ҳаракатларидан секин-аста маҳаллий бойларнинг Совет ҳокимиятига қарши миллий ҳаракатига айланган ҳаракатдир",- деган тезисга асосланиб: "Босмачилик "Қўқон мухторияти" тор-мор қилиниши натижасида миллий ўз-ўзини англаш учун кураш негизида юзага келди"[1],- дейди. Ёки Скалов Г. "босмачилик ҳаракати" миллий-озодлик шиорлари остида олиб борилган кенг оммавий миллий-озодлик ҳаракатидир[2], деб қайд қилган. Л.Резцов ҳам "Туркистонда Октябрь" асарида: "Босмачилик Ўрта Осиёдаги миллий ҳаракат"[3],- деб таъкидлаган. Лекин буларга П.Алексеенко 30-йилларнинг бошларидаёқ" "...босмачилик ҳеч қандай қилиб миллий ҳаракат бўлмайди, унинг объектив натижалари босмачиликни акс-миллий ҳаракат қилади"[4],- деб масалани советча шарҳлайди. Шунинг учун ҳам совет даврида яшаган барча авлод "Босмачилик ўз табиатига кўра Октябрь инқилоби натижасида ағдарилган маҳаллий эксплуататор

1.Г.Сафаров.Колониальная революция /Опыт Туркестана/.90-бет.

2.Г.Скалов.Социальная природа басмачества в Туркестане.-Жизнь национальностей, 1928, кн.3-4, 52-бет.

3.Л.Резцов.Октябрь в Туркестане. Ташкент, 1927. 50-бет.

4.П.Алексеенко. Босмачилар нима? Тошкент,1931, 40-бет.

синфларнинг - савдо-саноат буржуазияси, бойлар, феодал-клерикал юкори табакасининг - Совет хокимиятига карши куролли каршилигидир"[1], "...Узининг ижтимоий ва сиёсий табиатига,ўз фаолиятининг максадлари ва шакллари бўйича босмачилик махаллий ахолининг кенг оммасига мутлако бегона ва душман эди"[2],- деган таърифлар остида тарбияланди.

Совет тарихий адабиётларида кўзга ташланадиган томонлардан бири шуки, уларда турмушдаги босмачилик тарихи деярли берилмайди ва у 1918 йилдан кейинги "босмачилик харакати" билан солиштирилиб, улер ўртасидаги фарклар кенг кўламда илмий тахлил килинмаган.

Тўгри, 20-30-йиллардаги баъзи маколаларда бу масалаларда тўхтаб ўтилган. Т.Дарвиш: "Босмачилик турмушдаги ходиса сифатида ўтиш давридаги ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг ва жамият карама-каршиликлари асосида кучайган жараённинг мевеси, эски капитализмгача бўлган махаллий жамиятнинг синиши ва янгисининг тугилиши махсулидир. Бундай таъриф расмий асос бўйича тўгридир, чунки, босмачилик бундай холда инкилобгача хам мавжуд эди. Бизнинг кунлардаги босмачилик эса акоилинкилобий майда буржуа стихияси бўлиб, умумий вайронгарчилик асосида хамда эски босмачи тўдалари атрофида бирлашгандирлар"[3],- деб уларни бир-биридан фарклайди. Лекин муаллиф маколасини "босмачилик харакати" миллий-озодлик мохиятига эга бўлган даврида ёзганига карамай, бу харакатни акоилинкилобий майда буржуа стихияси деб атайди. П.Кушнев эса "Босмачилик нима?" деган маколасида 1918 йилдан кейинги "босмачилик"ни турмушдаги босмачиликнинг тадрижий /узвий/ давоми сифатида кўрсатади ва "Босмачилар -

1.История гражданской войны в Узбекистане.Т.I. 174-бет.
2.Ш.А.Шамсутдинов.Очерки.История гражданской войны в Ферганской долине. 89-бет.
3.Т.Дарвеш.Ферганская проблема. 118-бет.

меҳнат қилишни хоҳламайдиган, балки бошқалар ҳисобига маишат киладиган кишилардир. Ҳамма босмачилар фақат қароқчилардир,улар босқинчилик учун талайдилар ва ёкадилар, Туркистон меҳнаткашларига тинчлик беришни хоҳлайдиган Совет ҳокимияти билан курашадилар"[1],-деб "босмачилик"нинг моҳиятини бутунлай бошқача талқин килди. Қизиғи шундаки, у "Туркистон босмачилиги - худди Украина босқинчилиги ва антоновчилик /Тамбов/тартибидаги ҳодиса"[2],-деган хулосага келади.

Васильевский ҳам "босмачилик ҳаракати"нинг бир-биридан тамомила фарқ қилувчи бу икки кўринишини узвийликда кўради.Шунинг учун ҳам у Туркистонда "босмачилик ҳаракати"ни асосий босқинчиларга бўларкан, "Босмачилик ҳаракати"нинг биринчи даври жон ҳокимияти даврига тааллуқлидир. Бу Россия капитализми,бойларнинг судхўрлик асоратига ва хон амалдорларининг солиқлари хонавайрон қилаётган деҳқонларнинг стихияли ҳаракати эди...

Босмачилик ҳаракатининг иккинчи даври аксилинкилобий кучлар сифатида Фарғонада 1918 йилда бошланади"[3],-деб баҳолайди. Васильевскийнинг хатоси шундаки, у 1917 йилгача бўлган босмачилик ҳаракати чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатини емиришда ижобий роль ўйнаганлигини кўра олади-ю,аммо 1918 йилдан бошланган "босмачилик ҳаракати"ни аксилинкилобий кучлар ҳаракати сифатида қарайди.Шунингдек, 1918 йилдан кейинги "босмачилик ҳаракати"нинг икки даврини,айниқса унинг биринчи давридаги миллий-озодлик ҳаракатини кўра олмайди. Совет тарихшунослигида "босмачилик ҳаракати"ни буржуа-миллатчилик ҳаракати деб қараш мавжудлигини айтиб ўтиш жоиздир[4].

1.П.Кушнев.Что такое басмачество?-Красная кавармия,1922,№2,64-65- бетлар.
2.Ўша ерда, 68-бет.
3.Васильевский.Фазы басмаческого движения в Средней Азии.130-131- бетлар.
4.М.Х.Назаров.Из истории борьбы с буржуазно-националистическим движением /басмачеством/в Ферганской обл.Труды САГУ.вып.I. XXУШ. Ташкент, 1956.

Кейинги вақтларда "босмачилик ҳаракати"ни тадқиқ қилаётган олимларимиз 1918 йилдан бошланган "босмачилик ҳаракати"ни ўрганишда уни ижтимоий-сиёсий моҳияти жиҳатидан иккига бўлиб ўрганиш кераклигини таъкидламоқдалар. 1991 йил март ойида "Шарқ юлдузи" журнали ўтказган давра суҳбатида М.Ҳасанов: "НЭП /Янги иқтисодий сиёсат/, яъни бозор иқтисодиётига ўтиш пайтига тўғри келган 1921-1922 йиллардаги сиёсий ён босишлар-вақтнинг қайтарилиши, эски услубдаги мактабларнинг қонуний тус олиши, ўлка сиёсий ҳаётига обрўли руҳоний ва бадавлат кишиларнинг жалб этилиши ҳамда бошқа тадбирларни ҳам назардан соқит қилмаслик керак. Бу омиллар ҳокимият ва аҳоли ўртасидаги эҳтиросларни анчайин юмшатади, пировардида босмачилик ҳаракати 1923-24 йилларда ўзининг сиёсий аҳамиятини тезда йўқотди, у оддий босқинчилик тусини олиб кенг меҳнаткаш омма томонидан қўллаб-қувватланмади. 1918-1922 йиллардаги босмачилик эса аҳолининг ўлка ҳукуматининг нафақат террорга асосланган, айни замонда иқтисодий ва диний соҳада олиб борган сиёсатига жавоб сифатида вужудга келиб, тўғридан-тўғри миллий-озодлик ҳаракати тусини олган эди"[1],- деб "босмачилик ҳаракати"да иккита даврни фарқлаб кўрсатган. Лекин бу таклиф кенг тадқиқот асосида ўз баҳосини топганича йўқ.

Туркистонда "босмачилик ҳаракати"ни совет тарихчилари томонидан фуқаролар уруши, яна денг СССР миқёсидаги фуқаролар урушининг таркиби сифатида ўрганилиши ҳамда руслларга қарши миллатчилик характеридаги, рус оқгвардиячилари билан ҳамкорликдаги, халқаро империализмнинг қўллаб-қувватлаши натижасида юзага келган панисломизм, пантуркизм байроғи остидаги ҳаракат деб

1.Босмачилик: уйдирма ва ҳақиқат. Давра суҳбати.- Шарқ юлдузи, 1991, №3, 172-бет.

бир томонлама тадқиқ қилиниши унинг моҳиятини бутунлай бузиб юборди.

"Босмачилик ҳаракати"нинг моҳиятини бундай бузиб ўрганилишининг тамал тошлари 20-йилларнинг бошидаёқ қўйилган бўлиб, у тарихчиларнинг 90-йиллардаги қарашларида ҳам мавжуд эди. Масалан, Д.Зуевнинг "Фарғона босмачилиги /1918-1922/"[1] мақоласи Москвада Олий редакцион Кенгаш томонидан 1923-1924 йилларда нашр этилган фуқаролар урушининг кўп томлигида босилган. Ёки Н.Пискунийнинг "Туркистонда фуқаролар уруши тарихига доир"[2] асарида "Кўқон мухторияти", Еттисув, Закаспий фронтларидаги, Тошкентдаги январь воқеалари, Бухородаги инқилобий воқеалар ҳаммаси фуқаролар уруши нуқтаи-назарида туриб таҳлил қилинган.

"Босмачилик ҳаракати" тарихининг кейинги ўрганилиши албатта ана шу йўсинда ўсди, мустаҳкамланиб борди. 80-йилларнинг 2-ярмидан бошлаб тарихчи олимларимиз "босмачилик ҳаракати"нинг асл моҳиятини ёритиш ва уни тўғри номлаш учун ҳаракат бошладилар. Қизиғи шундаки, 90-йилларга келиб ҳам тарихчиларимиз: "Туркистон ўлкасидаги фуқаролар урушининг хусусияти шу эдики, бу урушда ҳам эзувчи синф вакиллари қайтаришга, ўз ўлкаси бойлигига ўзи эгалик қилишга уринган бўлса, халқ оммаси ўз миллати, ўз ўлкаси тақдирини ўзи белгилаши учун, ўзи бошқариши учун, чоризмнинг ярим аср мобайнида олиб борган империалистик, босқинчилик сиёсати оқибатларидан қутулиши учун, ўз иқтисодий ва ижтимоий аҳволини яхшилаш учун, ўз миллий-диний ҳуқуқи учун курашди. Шу боисдан ҳам "босмачилик ҳаракати

1.Д.Зуев.Ферганское басмачество/1918-1922/.Гражданская война. Т.Ш. Высший редакционный Совет.М.,1923-1924.

2.Н.Пискунский.К истории гражданской войны в Туркестане.Ташкент, 1922.

ти" деган сўз ўрнига ўлкада "фуқаролар уруши" сўзини қўллаш илмий жиҳатдан тўғри бўлади"[1],- деган таклиф билан чиқдилар. "Босмачилик ҳаракати" ҳеч қачон фуқаролар уруши бўла олмайди. Ахир фуқаролар уруши бу бир давлатнинг, бир миллатнинг синфлари, табақаларининг бир-бирига қарши курашидир. "Босмачилик ҳаракати"да эса биз бу ҳолни кўрмаймиз, балки маҳаллий аҳоли ўз эрки, ҳуқуқи, мустақиллиги учун Россиядан келган рус большевиклари, меньшевиклари, эсерлари қурган ҳукуматга қарши курашган.

Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихи синчиклаб ўрганилганда, бу ҳаракатнинг жуда ҳам мураккаблиги кўзга ташланади. Тарихчи олим М.Ҳасанов "Босмачилик Ўрта Осиё тарихидаги энг мураккаб ҳодисалар сирасига киради"[2],- деб таъкидлашига қарамай, "босмачилик ҳаракати"га бағишлаб 80-йилларнинг охирларидан бошлаб ёзилган мақолалар, брошюраларда эса бу муаммони ўрганишга кўл урганларининг нима учундир ана шу мураккабликка эътибор бермаётганлиги кўринади. Чунки 80-йилларнинг охиригача бўлган совет тарихий адабиётларида "босмачилар" каллакесар, босқинчилар тимсолида берилган бўлса, энди сўнгги мақолаларда "босмачилар"нинг ҳаммаси фақат миллий-озодлик учун курашчилар сифатида намоён этилмоқда. Шуни қайд қилиш керакки, совет тарихшунослигида "босмачилик ҳаракати"ни фақат қора ранглларда ёритилиши мазкур муаммони тўлиқ ўрганишга имкон бермаганидек, бу ҳаракатни фақат оқ қилиб кўрсатиш ҳам фойдали эмасдир. Чунки бир ёқлама ёндошиш тарих фанини қандайдир мафкура ёки қарашлар таъсирига тушириб, унинг холислигига путур етказади.

Туркистонда "босмачилик ҳаракати"нинг мураккаблиги шундаки, биринчидан, бу ҳаракат Ислом байроғи остида руслларга қарши "га-

1.А.Акромов.Босмачилик ҳаракати ва унинг моҳияти.-Ҳаёт ва иқтисод, 1991, №7, 58-бет.
2.Босмачилик: ҳақиқат ва уйдирма.-Шарқ юлдузи,1991,№8, 166-бет.

завот" сифатида олиб борилганлигига қарамай, бу ерда маҳаллий аҳоли билан биргаликда рус деҳқонлари /Монстровнинг деҳқонлар армияси/ ҳам иштирок этган. Иккинчидан, "босмачилар" рус оқгвардиячилари ҳамда инглиз-америкаликлар билан ҳам ҳамкорлик қилишган.

Монстровнинг Деҳқонлар армияси Мадаминбек билан 1919 йил 22 августда Благовешенскийда, шу йили 22 октябрдаги Эркаштомдаги шартномалар асосида бирга ҳаракат қилганликлари ҳақиқатдир. Шунингдек, инглиз, рус оқгвардиячилари ва "босмачилар"нинг ўзаро келишувининг қатнашчиси полковник И.Зайцев ўзининг эсдаликларида "...Бу ерда, яъни Тошкентда етарли даражада жангга тайёр кучларга эга бўлмай, ташкил этиш, тайёрлашнинг мутлақо имкони бўлмаганлиги сабабли, шунингдек керакли дақиқада катта бўлмаган мавжуд кучларни йига олмаган "Туркистон ҳарбий ташкилоти"... Фарғона босмачи тўдаларини ҳарбий жиҳатдан қўллаш қарорига келишга мажбур бўлди"[1],- дейди. Буларнинг ҳаммаси тарихчиларимиздан "босмачилик ҳаракати"ни ҳар томонлама синчиклаб ўрганиб, далиллар ва манбалар асосида бирор сиёсат, мафкура таъсирига тушмай унинг холисона тарихини ёритишни тақозо қилади.

Совет тарихчилари "босмачилик" тўғрисида том-том асарлар яратганлигига қарамай, бу ҳаракат раҳбарлари фаолияти деярли ўрганилмаган. Негаки, мустақилликка эришганимиздан кейингилари билан ҳисоблаганимизда "Мадаминбекнинг тугатилиши"[2] деган бадиий асарга, Шермуҳаммадбекка бағишланган "Буюк жиҳод, буюк мужоҳид"[3] деган рисолага, "Мадаминбек"[4] деган ижтимоий-фалсафий очеркка ва бир неча мақолаларгагина[5] эгамиз, холос. Кўриниб

1.Соловецкие острова, 1926, №4, 67-68-бетлар.
2.М.Полыковский. Конец Мадаминбека. Ташкент, 1984.
3.Алишер Бек, Азим Дарё. Буюк жиҳод, буюк мужоҳид. Ёзёвон, 1992.
4.Иброҳим Карим. Мадаминбек. Тошкент, 1993.
5.Ш.Дониёров, Мадаминбек ким эди? -Ёшлик, 1991, №4; Ш.Яссавий. Ҳақ йўлида қурбонлар. -Эрк, 1992, 6-13 февраль.

турибдики, булар тарихий адабиётлар эмас. Шунинг учун ҳам "босмачилик ҳаракати" раҳбарлари тўғрисида гап кетганда кўпинча Мадаминбек, Шермуҳаммадбек, Эргаш қўрбошилар гавдаланади.Туркистонда юзлаб қўрбошилар ўз йигитлари билан бу курашда қатнашганлар. Ҳеч бўлмаганда Туркистондаги "босмачилик ҳаракати"нинг учта йирик намояндаси Мадаминбек, Шермуҳаммадбек, Эргашга қўшиб Фарғона водийсидан Раҳмонқул, Холхўжа, Бойтуман, Муҳиддиннинг, Хўжанддан Ҳолбўтанинг, Самарқандан Баҳром, Очилларнинг фаолиятларини тадқиқ қилиш лозим.

Ҳўш, "босмачилик ҳаракати" раҳбарлари кимлар эди ва улар қандай фаолият кўрсатишди? Бу саволга жавобни биз қуйидаги ҳужжатдан олишимиз мумкин: "Андижон депутатлар кенгаши Андижон уезди худудида ҳаракат қилаётган қароқчи тўдалар бошлиқларининг хатларини бизга юборди,-деб бошланади Скобеловдан 1918 йил 18-декабрда ТуркМИҚ, коммунистлар съезди, Комиссарлар кенгаши номига юборилган телеграммада.- Андижонлик товарищлар! Биз сизларга шуни маълум қиламизки, Сизлар Қўғай қишлоғига келгансизлар ва тинч аҳолининг уйларига ўт қўйгансизлар. Бекор бу ишни қилдингизлар, агар бундай иш яна бирор марта қайтарилса, у ҳолда Сизларнинг станцияларингиз, заводу- уйларингизга ҳам худди шундай ўт қўямиз. Агар сизлар уришишни хоҳласангиз биз билан урушингиз, халқ билан эмас. Биз барча тинч аҳолини хоҳ у ўрис бўлсин, хоҳ у яҳудий, хоҳ у арман бўлсин, хоҳ у сарт - барчаси баробар, деб ҳисоблаймиз. Кун бўйи пешона терини тўкиб ишлайдиган камбағал одамларга бундай зарарлар келтириш инсофдан эмас. Урушиш керак бўлса, сизлар билан мана биз урушамиз, тинч халқ эса сиздар билан ҳам, бизлар билан ҳам урушмайди. Агар сизлар халққа қарши урушни давом эттираверсангиз, у ҳолда 3 кун ичида Тошкентдан то бу ергача бирорта ҳам бутун нарсангиз қолмайди. Имзоловчилар: Мадаминбек, Эргаш қўрбоши, Холхўжа, Эшмат бойвачча,

Маҳкамхўжа, Фаёз махсум"[I].

Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихига бағишланган совет тарихий адабиётларида қўрбошиларнинг фаолиятига ҳам қисқача баҳо берилган жойлар бор. Уларнинг ҳаммасида қуйидаги таъриф қизил ип бўлиб ўтади: "Йил охирига келиб Фарғона водийсида аллақачон бир неча йирик тўдалар қароқчилик қилар эди. Улардан бирини босқинчилиги учун сургунда бўлган Эргаш бошқарарди. У кўпчилиги жиноятчилардан иборат бўлган бир неча майда тўдаларни бирлаштирди. Жумладан, Ўш қамоқхонасидан қочган Ҳолхўжанинг тўдаси шундай эди. Эргаш аксилинқилобий "Уламо"нинг қўллаб-қувватлаши натижасида "Қўқон мухторияти" қўшинларининг бош қўмондони деб эълон қилинди, унинг тор-моридан сўнг эса ўзини "Фарғона ҳукмдори" ва мусулмон ҳарбий кучларининг қўмондони деб атади. Уни бошқа қўрбошилар, жумладан Исломқул қўллашдилар.

Фарғона босмачилигининг йирик бошлиқларидан бири, унда ҳукмрон ўринни эгаллашга интилган, Марғилон уезди тоғларида ҳаракат қилган, худди Эргашдек жиноятчи, февраль инқилобидан сўнг авф этилган Мадаминбек эди. "Қўқон мухторияти"да у уезд милицияси бошлиғи лавозимини эгаллаганди. Ўз отрядларига у инструкторликка оқгвардиячи офицерларни жалб қилди, кейинроқ эса генерал Монстровнинг оқгвардиячи-қулоқ армияси билан бирлашди. Дастлаб Мадаминбек Эргашнинг ёрдамчиси эди. Эргашнинг совет кўнгилли ва милиция отрядлари билан бир неча муваффақиятсиз жангларидан кейин Мадаминбек ўзини барча босмачиларнинг "бош қўмондони", "ислом ҳимоячиси" ва "тартиб ўрнатувчи" деб эълон қилди. Кўпгина низолардан кейин унга Эргаш ва Исломқулнинг тўдалари бўйсунди. Бу даврнинг йирик қўрбошиларидан яна Омон Полвон, Раҳмонқул, Му-

---

I.Ўзбекистон Республикаси МДА, I7- фонд, I- ёзув, I93- иш, 256- варақ.

ҳиддин ва бошқаларни айтиш мумкин"[1].

Қўрбошиларнинг кўпчилиги босқинчилик билан шуғулланганлиги тўғри. Лекин улар чоризмнинг ўлкада олиб борган иқтисодий сиёсати, мустамлакачилик сиёсати натижасида босқинчилик билан шуғулланганлар. Уларнинг бу ҳаракатлари ўз вақтида чор Россиясининг мустамлакачилик зулмининг емиришда ижобий роль ўйнаганди. Совет тарихчилари ўғри деб надомат тошини отган қўрбошиларнинг аксарият кўпчилиги совет ҳукумати томонидан эмас, чоризм томонидан судланиб, Сибирга жўнатилганди. Большевиклар ҳокимиятни қўлга киритиб, чор Россияси мустамлакачилик сиёсатини янгича кўринишда бойитиб давом эттиргандан кейин турмушдаги босмачиликда иштирок этганлар ўз атрофига йигитларни тўплаб, энди бутунлай бошқа ижтимоий-сиёсий шароитда Ислом байроғи остида кураш олиб бордилар. Афсуски, совет даврида ёзилган тарихий асарларнинг деярли ҳаммасида бу эътиборга олинмайди. Лекин совет тарихчилари баъзи ҳолларда киноя билан бўлсада, "босмачилар"нинг бошлиқларининг ўзига хос томонларини кўрсатиб кетишган. Масалан, 1985 йил чоп этилган "Ўрта Осиёда фуқаролар уруши" тўпламида Мадаминбек тўғрисида шундай дейилган: "Мадаминбек шубҳасиз барча босмачилар бошлиқларидан энг йириги эди...

Бу фақат Қурьондан усталик билан фойдаланган миллатчигина бўлмай, шунингдек айёр, тадбиркор сиёсатчи, ташкилотчидир. У ўша пайтдаги Кўршермат, Омон Полвон ва бошқа босмачиларнинг раҳбарларидан кескин ажралиб турарди"[2].

1.Х.Ш.Иноятов.Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренной контрреволюции.М., 1984, 71-72-бетлар; П.Алексеенков. Крестьянская восстания в Фергане.Ташкент, 1927, 26-бет; А.Коканбаев.Борьба с басмачеством и упрочение советской власти в Фергане.Ташкент, 1958, 39-40-бетлар; С.Б.Жантуаров.Гражданская война в Киргизии.Фрунзе, 1968, 66-бет; А.И.Зевелев.Из истории гражданской войны в Узбекистане.Ташкент, 1959, 131-бет; История гражданской войны в Узбекистане.Т.I.Ташкент, 1964, 130-бет; Басмачество: социально-политическая сущность.Ташкент, 1984, 15-бет.

2."Война в песках".Материалы по истории гражданской войны к XII тому.Гражданская война в Средней Азии.М., ОГИЗ, 1935, 202-бет.

Совет тарихшунослигида Хўжанд уездида ҳаракат қилган Ҳолбўта, Норқўзи, Турсунбой қўрбошилар, Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатган Баҳром, Очил, Ислом, Мулла Каримжонлар тўғрисида деярли маълумотлар йўқ. Мадаминбек, Эргаш, Холхўжалар ўғри бўлган бўлсин, лекин Очил билан Баҳромлар тўғрисида ундай деб бўлмайди. Самарқанд вилоятидаги босмачилар билан курашувчи фавқулодда учликнинг аъзолари ТуркМИҚга жўнатган маърузаларида бу ҳақда шундай дейилади: "...Самарқанд вилоятидаги ҳозирги босмачилик ҳаракатининг асосий бошлиқлари Баҳром ва Очил тинч меҳнатдан босқинчиликка Облчека биринчисининг укаси Боянни отиб ташлагани, ўзини ва иккинчиси Очилни ҳеч нарсада тасдиқланмаган қўшниларнинг бўҳтонлари учун ўн беш мартага яқин ертўлаларга ўтказганликлари оқибатида ўтиб кетишди"[I].

Шу ерда яна бир нарсага тўхталиб ўтишни истардик. Совет тарихий адабиётларига кирмайдиган Шермуҳаммадбек ва Мадаминбекка бағишланган рисолаларда уларнинг фаолияти бир ёқлама ёритилиб, жудаям бўрттирилганлигини кўрамиз.

Шермуҳаммадбекнинг кўпроқ таржимаи ҳолига бағишланган рисолада: "Фарғона мужоҳидларини бошқариш қўлга тушмас ғозий, сотилмас мужоҳид Шермуҳаммадбек зиммасига тушди. 1920 йилнинг июль ойидаги мужоҳидлар йиғинида унга "амир-ул муслимин" унвони берилди. Бунгача эса жасоратли йўлбошчини таслим этишга, бу режалари амалга ошмагач, у билан сулҳ тузишга қаттиқ уриндилар. Май ойида Мадаминбекнинг шахсан ўзи полк комиссари С.Сухов билан бирга Шермуҳаммадбекни шўролар томонига оғдиришга уриниш учун музокарага борди"[2],- дейилади. Иброҳим Каримнинг асарида қуйидагиларни ўқиймиз: "Мадаминбек каби миллий қаҳрамонларнинг ҳаёт йўл-

I.Ўзбекистон Республикаси МДА. I7-фонд, I-ёзув, 45-иш, I26-варақ.
2.Алишер Бек,Азим Дарё. Буюк жиҳод, буюк мужоҳид. 23-бет.

лари, порлоқ образлари Ўзбекистон жумҳурияти ва давлати мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро обрўйини оширишга ҳиммат камарини боғлаган ёки боғлайдиган барча кишилар, айниқса ёш авлод учун бир ибрат мактаби ролини ўташи шубҳасиз...[1]

Кўршермат каби тумшуғидан наридаги нарсани кўра олмайдиган, қасамхўр, имонсиз Холхўжа сингари маишатпараст, амалпараст, гина-кудратчи, Туйчи ва Қоравой каби хоинлар, Хўжаев сингари калтабинлар турк қавмлари орасида доимо топилган, улар душманлар тегирмонига сув қуйиб, тарихнинг энг қалтис, бурилиш нуқталарида Мадаминбек сингари шахсларни, фидойиларни ўлдирганлар ёки уларни четга суриб қўйиб, ўз ватанлари, халқларига хиёнат қилганлар"[2].

Кўриниб турибдики, ҳозирда ҳам "босмачилик ҳаракати" муаммосига қўл ураётганлар совет тарихчилари каби масалага фақат бир томонлама ёндошиш, бошқаларни оёқ ости қилиш ҳисобига ўз қаҳрамонларини улуғлаш, уларнинг фаолиятини тарихий воқеалар ва ҳужжатлар асосида холисона таҳлил қилиш ўрнига, уларни миллий қаҳрамон даражасига кўтариш, уларга ҳамду-санолар айтиш билан кифояланмоқдалар.

Аммо шу ерда шуни қайд қилиб ўтмоқ жоизки, кейинги вақтларда қўрбошилар тўғрисида бизга анча етарли маълумотлар берувчи мақолалар ҳам чоп этилмоқда. Шаҳобиддин Яссавийнинг "Ҳақ йўлида қурбонлар" деган мақоласи ана шулар жумласидандир.

Шаҳобиддин Яссавий Туркияда муҳожирликда яшайдиган ватандошимиз. У ўзи айтганидек, ёзувчи ва ё муаррих ҳам эмас. Лекин у эсдаликлар ҳамда А.З.В.Тўғоннинг "Туркистон тарихи", Мусо Афандининг "Туркистон фожеалари" асарлари, "Ёш Туркистон" журналида

1.Иброҳим Карим. Мадаминбек. 5-бет.
2.Ўша асар, 69- бет.

босилган манбалардан фойдаланиб, ўзининг 1984 йилда "Туркистон аччиқ ҳақиқатлари" асарини яратди. Асарда Туркистоннинг Советлар давридаги бошқа тарихий воқеалари билан биргаликда "босмачилик ҳаракати" тарихи ҳам ёритилган. Асарнинг аҳамиятли томони шундаки, Ш.Яссавий унда 114 та қўрбошининг номи келтирилиб, уларнинг ҳар бирига қисқача таъриф беради. Масалан:

"1. Мулла Эргаш қўрбоши. Ҳўқанд атрофидан. Ниҳоятда ҳушёр, ботир қўмондон. Йигитлари ила меҳру муҳаббат ва /бирликда/ бўлур эди. Мулла Эргаш қўрбошининг фидойи мужоҳидлари аксаран нафақа ва салоҳларини ўзлари тасҳиҳ кўриб, душманга ҳамиша далерона /қўрқмасдан/ ҳужум қилур эрдилар. Мулла Эргаш қўрбошининг амалиётлари, ёвларини кўпгина қўрғонлари шоёни зикрдир. "Молим ва жоним Оллоҳ ризоси ва юртим озодлиғида фидодир. Ё шаҳид, ё ғозий!" деярди.

2. Кичкина Эргаш қўрбоши. Ҳўқанддан. Ёвларига қирғин берган кичкина Эргаш қўрбошининг амалиётлари шоёни зикрдир. "Туркистон - Туркистон халқининг юрти!" дер эди.

3. Тўпчи қўрбоши. Ҳўқанддан. Тўпчи қўрбошининг уруш достонлари шоёни зикр бўлиб, ниҳоят ботир ва лойиқ бир қўмондон эди. "Олға бос, ё шаҳид, ё ғозий!" дер эди"[1]. Бу маълумотлар эса бизнинг қўрбошилар тўғрисидаги билимларимизни бойитиши шубҳасиздир.

"Босмачилик ҳаракати"нинг ўзидек, унинг раҳбарлари фаолиятлари ҳам мураккаб бўлиб, уларнинг ҳар бирининг фаолиятини алоҳида ўрганишни талаб қилади. Чунки, "босмачилик ҳаракати" раҳбарлари - қўрбошиларнинг ҳаммасини ҳам халқ манфаатлари,миллий-озодлик, ҳуррият йўлида курашган эди деб бўлмайди. Ёки совет тарихшунослигида кўрсатилганидек, улар ёппасига ўғри-каззоблар ҳам эмас.

1.Ш.Яссавий.Ҳақ йўлида қурбонлар. Эрк, 1992,6-13-февраль.

Қўрбошилар фаолиятини ўрганиш "босмачилик ҳаракати"нинг бошқа томонларига қараганда кўпроқ бош қотириш, фикрлаш, ақлидрокни талаб қилади. Биринчидан, қўрбошилар тўғрисида ҳужжатлар асосан Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ва ИИВнинг Ахборот маркази архивларида сақланмоқда. Тарихчилар бу архивларга кириш ҳуқуқини олиши ҳалигача ҳал этилмаган.Гарчи улар кириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатга эга бўлган тақдирда ҳам мазкур архивлардан фойдаланишга рухсат бериш-бермаслиги ҳалигача муаммо бўлиб турибди. Бу ўринда шуни қайд қилиш керакки, биз ҳам ушбу архивларга кириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни тайёрлаб юқоридаги ташкилотларга мурожаат қилганимизда, улардан рад жавобигина олдик. Натижада, қўрбошилар тўғрисида бир асосли фикрга келиш имкони бўлмади. Иккинчидан, архив ҳужжатлари, асосан жиноий ишлардан иборат бўлиб, улар совет ташкилотларининг ходимлари томонидан тузилган, шунинг учун улар замирида қўрбошилар фаолиятига баҳо беришнинг ўзи ҳам қийин.

Қўрбошилар фаолиятини ёритишда "босмачилик ҳаракати" бўлган ҳудудларда ушбу воқеалар гувоҳлари билан суҳбатлашиш, уларнинг эсдаликларини ёзиб олиш ҳам ёрдам беради. Бироқ, бу борада ҳам "лекин" бор. Бугунги кунда ўша воқеалар гувоҳлари билан суҳбатлашилганда улар "босмачилик ҳаракати"га ҳам, қўрбошиларга ҳам ҳозирда бу ҳаракатга берилаётган баҳолардан келиб чиқилиб,деярли фақат улар адолатпарвар эдилар, миллий-озодлик курашчилари бўлган деган хулосаларни эшитишга тўғри келади. Тўғри, совет ишларида ишлаган, "босмачилар"дан шахсан азият чеккан кишилар "босмачилар"ни ҳозиргача қоралайдилар. Масалан, Фарғона вилояти Бувайда туманидаги Пошшапирим қишлоғида яшовчи Саодат аяни 14 ёшида Эргаш қўрбоши йигитлари олиб кетишган экан. "Босмачилар" томонидан унинг эўрланиши натижасида бир умр фарзандсиз бўлиб қолган. Саодат ая ҳали ҳам бирор қўрбоши; унинг бирорта йигити

тимсолида миллий-озодлик ҳимоячисини ёинки ислом ҳимоячисини кўрмайди. Ёки шу вилоят Боғот туманидаги Мойлисой қишлоғида яшовчи, Ҳамдам қўрбоши, Тўйчи қўрбошиларга қарши курашган собиқ совет ходими Холдор Ҳайдаров: "Босмачилар халқ эвазига тирикчилик қилганлар. Улар халққа ҳеч қандай яхшилик қилмаганлар",- деди мен билан 1993 йил 10 апрелда қилган суҳбати чоғида.

Ушбу иш муаллифи "босмачилик ҳаракати"нинг йирик намояндаларидан бири Эргаш қўрбоши фаолиятини бир оз бўлсада ўрганиш учун 1993 йил апрель ойида Фарғона вилоятининг Бувайда туманида "босмачилик ҳаракати"нинг шоҳидлари, шунингдек Эргаш қўрбошини хотирловчилар билан суҳбатда бўлди. Эргаш қўрбоши Бувайда туманининг Бачқир қишлоғида туғилган. У 1916 йил ўғирлик қилгани учун Сибирь қилинган. 1917 йил февраль инқилобидан сўнг Сибирдан қайтган. "Қўқон мухторияти" раҳбарлари таклифига кўра 200га яқин йигити билан мухтор ҳукуматни ҳимоя қилишга борган. "Қўқон мухторияти" тугатилгандан кейин биринчилардан бўлиб, ўз йигитлари билан "босмачилик ҳаракати"ни бошлаб берган. Эргаш Бачқир ва Хонобод қишлоқларида ўрдалар қурдирган. Хонободда яшаб турганида Эргаш Қўрбоши катта учта қозон қурдириб, ҳар куни эрталаб шўрва, тушликда палов тайёрланиб халққа тарқатган.

Эргаш атрофида дастлабки пайтларда асосан ўғрилик билан машғул бўлган кишилар тўпланган. Кейинчалик маҳаллий аҳолининг анчагина қисми ҳам унга келиб қўшилган. Буни давр тақозо қиларди. Чунки, биринчидан, бунга совет ҳокимияти маҳаллий ташкилотларининг олиб борган нотўғри сиёсати, йўл қўйган хатолари, шунингдек, Қизил Армия томонидан кўпгина тинч аҳолини босмачилар деб қириб юборилиши сабаб бўлган; иккинчидан, қўрбошилар ва уларнинг йигитлари ҳам маҳаллий аҳолини ўз сафларига киришга мажбурлаганлар,

хоҳламаганларни отиб ташлаш ҳоллари кўп бўлган.

1918 йил декабрида Эргаш қўрбоши йигитлари билан Қўқонда енгилиб, Хонободга чекинади. Хонободни Қизил Армия қуршаб олгандан сўнг эса у бу ердан ҳам чиқиб кетади. Қизиллар эса хонободликларни "босмачилар" тарафдори сифатида қириб ташлайдилар. Шу воқеа қатнашчиларининг айтишича, 563 та киши ўлдирилган. Фақатгина қишлоқдан чиқиб кетишга улгурганлар-у, ертўлаларда яшириниб олганлар тирик қолган, холос..

1918 йилнинг охирига келиб Эргаш қўрбоши бир неча мағлубиятга учрагандан кейин ўз мавқеини йўқота борди. Унинг ўрнига раҳбарлик ролига Мадаминбек келди. 1920 йил январда қирғиз қишлоқларининг бирида меҳмон қилган хонадон эгасини ўлдириб, оти билан милтиғини ўғирлагани учун ўша қирғизнинг хотини уни тутиб келишгач чопиб ташлаган.

Мен Бувайда туманида суҳбат қурган Мўминов Эрмуҳаммад, Ҳошимжон Рўзматов, Турсунбой Файзуллаевларнинг таъкидлашларича, Эргаш ва бошқа қўрбошилар миллий-озодлик учун, русларга қарши кураш олиб боришганига қарамай, маҳаллий халқни очиқдан-очиқ талаганлар, советларга ён босганларни ваҳшийларча қийнаб ўлдирганлар.

Кўриниб турибдики, Эргаш қўрбоши Октябрь инқилобидан олдин ҳам турмушдаги босмачилик даврида ўғрилик, босқинчилик билан шуғулланган. 1918 йил январда "Қўқон мухторияти" раҳбарлари уни мухториятни ҳимоя қилишга таклиф қилганда Эргаш қўрбоши ва унинг йигитлари ҳали ҳам ўғрилик қилиб юрганлар. Мухторият қонга ботирилгандан сўнг улар советларга қарши Ислом байроғи остида сиёсий ҳақ-ҳуқуқ талаб қилиб чиқдилар. Шунинг учун ҳам "амири-ул муслимин"ликни қўлдан бермаслик учун бошқа қўрбошилар билан бирлашмади, балки кўп ҳолларда уларга қарши курашди. Натижада бу курашларда тинч аҳоли кўп азият чекди.

Туркистонда "босмачилик ҳаракати" раҳбарларининг фаолиятини ўрганишда нима учун улар ҳеч бўлмаганда Фарғона водийсида мустаҳкам бир мушт бўлиб бирлаша олмаганлигига алоҳида эътибор бериш керак. Агарда улар бирлаша олганларида эди, албатта ғалаба қозонишлари мумкин эди. Негаки, Совет ҳукумати "босмачилик"ка қарши биринчи кунларданоқ курашган, Фарғона фронти қўшинлари қўмондонларидан бири, Бозорқўрғондек қишлоқларни қонга ботиришда қаҳрамонлик кўрсатган Коновалов шундай эслайди: "1919 йил январь ойида Туркреспублика Ҳарбий Комитети афтидан босмачилик ҳаракатига эътиборини қаратди ва Тошкентдан махсус ҳамда ҳар хил топшириқли ва номли отрядлар кела бошлади, масалан, уч юз эллликта қилич билан Золотухиннинг жазо отряди; 2/ 150 кишилик Петренконинг отряди ва 400 кишига яқин 1-Ғарбий Оренбург йиғма полки, бундан ташқари жойларда маҳаллий отрядлар ташкил этила бошланди, масалан, ўрток Кужелонинг Қўқон Коммунистик отряди.

Қайтараман, Фарғонага эътибор берилгандек бўлиб кўрингани билан, бу эътибор тасодифий ва ноаниқ режа бўйича эди, чунки бунга қарамай, бу ойда шунча отрядлар келгани билан бошлиқ тайинланмаган эди"[1]. Фақатгина 1919 йил март ойига келгандагина Фарғона фронтининг бошқариш аппарати тузилиб, М.В.Сафонов Фарғона фронти қўшинларига қўмондон қилиб тайинланди[2]. Бизнингча, кўрбошиларнинг бирлаша олмаганлигига сабаб - уларнинг ҳаммасининг ҳам мақсадларининг муштарак эмаслиги, ижтимоий келиб чиқишларининг, сиёсий даражаларининг турличалиги, ўз манфаатларидан чиқиб кета олмаганликларидир.

Туркистон республикаси Советларининг 1919 йил 10 сентябрда бўлган УШ фавқулодда съездида Туркреспублика қўшинларининг бош

1.Ўзбекистон Республикаси МДА.17-фонд,3с-ёзув, 36с-иш,104-104 орқа варақлар.

2.Ўша ерда, 105-бет.

қўмондони И.П.Белов: "Фарғона фронти бу - ички фронт. Бу ерда бошқа фронтлардаги синғари бизга қарши уюшган контрреволюцион кучлар йўқ. Бу ерда мухториятчи мусулмонлар ҳам, Эргашни шуларни вакили деса бўлади, Охунжон ва Холхўжа синғари ошкора босқинчилар ҳам, Мадаминбек каби ошкора контрреволюционерлар ҳам ва шунчаки алдаб ишга солинган Қўрғон водийсининг нодон деҳқон аҳолиси ҳам... бизнинг душманларимиз ҳисобланадилар. Бу турли элементлардан ташкил топган душманларимиз бизга қарши курашиш билан бир вақтда ўзаро ҳам курашмоқдалар... Бу ерда фронт чизиғи йўқ - чор атрофимиз фронт"[I],-деганда маълум маънода ҳақ эди.Чунки Белов бу ерда советчасига фикр юритса-да, қўрбошиларни бир-биридан фарқ қилган. Тарихчиларимиз ҳам "босмачилик ҳаракати"-нинг раҳбарлари тўғрисидаги барча ҳужжатларни тўплаб, уларнинг ҳар бирини ўзига хос хулқ-атворини, манзарасини яратмоғи даркор эди.

Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихини янгича баҳолаш билан боғлиқ яна бир муҳим муаммо - унинг ижтимоий таркиби ёки ҳаракатлантирувчи кучлари масаласидир. Тарихчилар "босмачилик ҳаракати"ни бойлар, буржуазия, руҳонийларнинг ўғрилар тўдасидан фойдаланиб совет ҳокимиятига қарши олиб борган кураши деб таърифлагани учун яқинларгача ҳам бу ҳаракатнинг ҳаракатлантирувчи кучларини фақат шулардан иборат деб ҳисоблаб келинди. Аслида эса "босмачилик ҳаракати"нинг ҳаракатлантирувчи кучларининг катта қисмини деҳқонлар, ҳунармандлар, косиблар ташкил этган.

Ҳўш, меҳнаткашлар нима учун Совет ҳокимиятига қарши чиқди? У ишчи-деҳқон ҳукумати деб эълон қилинган эди-ку? Бунинг сабабини Фарғона ва Самарқанд вилоятларига жўнатилган Фавқулодда ҳуку-

I.А.Қўқонбоев.Фарғонада совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун кураш.Тошкент, 1958, 42-43-бетлар.

мат комиссияларининг Тошкентга юборган докладларидан тушуниб олса бўлади. Шундай ҳужжатлардан бирида қуйидагилар таъкидланган: "...Қўқон воқеаларидан кейин бизнинг Совет ходимларини салбий ҳаракатлари натижасида бу ерда фронт тузилди. Фарғона вилоятидаги воқеаларнинг асосида "Дашноқцутюн" арман партиясининг бузғунчилик ҳатти-ҳаракатлари қизил ип бўлиб ётади. Қизил Армия отрядлари қароқчиларга қарши кураш ўрнига бутунлай ичкиликбозлик билан шуғулланишди, қурол ва ўқ-дориларни худди шу қароқчиларга сотишди /хусусан арманлар/, уездларга бориб тинч қишлоқларни қароқчиликда айблаб талон-тарож қилишди. Арманлар сарт қизларини зўрлаб номусини топташди, аёллар ва болаларни чопишди. Буларнинг ҳаммаси диний мутаассиблик ва мусулмонлар ҳиссиётига теккач, мусулмонлар ихтиёрсиз равишда қароқчилар тўдасига бориб қўшилишди... Андижонда арман қишлоқларидан жуда кўплаб сарт қизларини олиб келиб уларни ўз хусусий буюмига айлантирганини аниқладик. Бу халқнинг бузғунчилик ҳатти-ҳаракатининг бу ва бошқа кўплаб жиҳатлари барча мусулмонларни қўзғотиши мумкин. Яна бир муҳим жиҳат. Скобелев шаҳрида мусулмон коммунистларининг умумий йиғилишида арманларнинг зўравонлигига бир неча марта дуч келган бир мусулмон йиғлаб сўзлаганини бутун йиғилиш аҳли кўрди, арманлар гуноҳсиз мусулмонларни ўқни аяб аёвсиз чопишган, аёлларнинг номусини топтаб ғазаб билан: "Агар Аллоҳ қудратли бўлса, сенларга нажот берсин" дейишган /диний камситиш ва хўрлаш/. Бизнинг шонли Қизил Армия жуда ёмон роль ўйнади"[I]. Бу шунга олиб келдики, "одамлар кутганчалик келгиндилар қиёфасида янги асоратга солувчиларни кўрди, урф-одат ва дин келгиндиларга тобе бўлишга имкон бермади.

Ошкора кураш ниш урмасданоқ уруғлар орасида ғалаён кўтарилди. Муайян сиёсий ёндошув йўлларидан бехабар алоҳида бўлим ҳамда

I.Ўзбекистон Республикаси МДА. I7-фонд, I-ёзув, I9-иш, 74-75-орқа варақлар.

Фавқулодда Комиссия органлари бундан хабар топиб ҳаракат раҳбарларини таъқиб эта бошладилар, дуч келган одам, ҳатто эл орасида обрў-эътибори баланд уруғ сардорлари ўнгдан ҳам, сўлдан ҳам қўлга олинаверди. Отилмай қолганлари эса барибир таъқиб остида бўлдилар. Таъқибга олинганларнинг аксарияти узоқ муддат алоҳида бўлимлар ертўлаларида ўтиришга тоқатлари етмай, иссиқ жойларини ташлаб европаликларнинг ўткир нигоҳи тушмаган манзилларга яшириндилар"[1]. Чунки "асл сиёсий ходимлар билан бир қаторда тарих, умуман Туркистон тарихидан мутлақо бехабар бўлган кишилар - тушунчаси паст ишчилар, қизил аскарлар ва матросслар келишиб, улар қишлоқда инқилобни алоҳида бўлимлар ва Фавқулодда комиссия органлари орқали эҳтимол, Рязань губерниясида қўлланилган, лекин Туркистонга бутунлай ёт услублар билан чуқурлаштира бордилар. Агар киши нафратини келтирадиган далилларга батафсил тўхталадиган бўлсак, инқилобга мутлақо дахлсиз бундай кимсаларнинг қаҳрамонлигини ёритиш учун бир увм қоғоз қоралаш мумкин. Гуноҳсиз одамлар икки-уч қўшниси бўҳтони билан отиб ташланар, ашаддий аксилинқилобчилар эса номаълум сабабларга кўра қўйиб юбориларди. Масалан, Самарқандда жазоловчи органлар ходимлари ўртасида қўлга тушганларни кечаси ким кўп ўлдириш бўйича мусобақа ўтказилган, улар мусулмонлар ҳаётининг асрий дарахтини қўпоришга киришиб, мамлакатнинг азалий турмуш тарзини бузиб, дин аҳлининг ҳиссиётларини поймол этиб, уларни салкам бир йил ичида байналмилал руҳда тарбияламоқчи бўлдилар"[2]. Шунингдек, Совет ҳокимияти вакилларининг, Қизил Армиянинг Туркистондаги бу "қаҳрамонликларига" ҳукуматнинг иқтисодий соҳада ўтказган - ғалла монополияси, озиқ-овқат тақсимоти, бозорни тақиқлаш, пахта монопо-

1.Ўзбекистон Республикаси МДА. 17-фонд, 1-ёзув, 45-иш, 126-варақ.
2.Ўша ерда, 125-126-варақлар.

лияси, корхоналарни миллийлаштириш, кўнгилли қисмларни ҳар томонлама маҳаллий аҳоли ҳисобига таъминлаш каби қатор тадбирлари меҳнаткашларнинг катта қисмини хоҳласа-хоҳламаса "босмачилар" сафига қўшилишига олиб келди. Ҳатто озиқ-овқат тақсимоти озиқ-овқат солиғига алмаштирилгандан сўнг ҳам аҳвол деярли ўзгармади. Озиқ-овқат тақсимоти Фарғонада 200 фоизга бажарилган бўлса, озиқ-овқат солиғи жорий қилингандан кейин ҳам ақлга сиғмайдиган ҳоллар юз берди. Масалан, Чуст туманида узум етиштирилмасада, 10 минг пуд майиз солиғи солинган[1]. Буларнинг оқибатида "босмачилик"нинг биринчи, яъни миллий-озодлик ҳаракати даврида деҳқонлар, ҳунармандлар унинг ҳаракатлантирувчи кучларининг асосини ташкил этарди деб айтиш мумкин бўлади.

"Босмачилик ҳаракати" тарихига оид совет тарихий адабиётлари ғолиб томон тарихига бағишланганлиги учун ҳам мазкур ҳаракатнинг ҳаракатлантирувчи кучларини атайлаб ўрганилмаган ва сукут сақлаб келди. Совет тарихшунослигида "босмачилик"нинг умумий кўринишида бу масала тўғрисида бир-икки оғиз гап айтилиб кетилган, холос. Лекин шулар ичида баъзи тарихчилар "босмачилик ҳаракати" ҳаракатлантирувчи кучларини гуруҳлашга, уларнинг "босмачилик ҳаракати"даги роли ва ўрнини кўрсатишга ҳаракат қилишган. Масалан, Васильевский ўз мақоласида "босмачилик"нинг ҳаракатлантирувчи кучлари борасида тўхталиб, шундай ёзади: "Босмачилик ҳаракати ҳаракатлантирувчи кучлари борасида уларни табақалаб муҳокама қилишда қуйидаги асосий гуруҳларни ажратиш мумкин: I/ Феодаллар - руҳонийлар, ер-мулк эгалари ва уларга ёндош бўлган уруғ оқсуяклари ва амир амалдорлари - ўлканинг социалистик ривожланиш йўлининг энг ашаддий душманлари ҳамда босмачиликнинг энг изчил ва барқарор кадрлари. 2/ Миллий вазифаларни тушуниш даражасигача ўсган маҳаллий буржуазия,- мустақилликни қўлга киритишга

I.Ўзбекистон Республикаси МДА.I7-фонд,I-ёзув, 45-иш, 365-варақ.

қарши бўлмай ва ҳеч бўлмаганда инглиз империализми билан келишиб, Туркистонни капиталистик ривожланиш йўлидан олиб бормоқчи эди. У кучсиз эди, шунинг учун маҳаллий буржуазия феодал-клерикал элементлар ва рус оқгвардиячилари билан иттифоққа киришга мажбур эди. 3/ Қишлоқнинг бой элементлари босмачилик ҳаракатининг асосий негизи бўлиб, босмачиларни ем-ҳашак, озиқ-овқат ва қурол билан таъминлаб турди. 4/ Деҳқонлар - иқтисодий вайронгарчилик ва баъзида совет ҳокимиятининг бесабр вакилларининг уқувсиз сиёсати натижасида умидсизликка тушган - биринчи пайтларда босмачилик ҳаракатининг умумий оммасига келиб қўшилдилар"[I]. Ёки А.И.Зевелевнинг "Ўзбекистонда фуқаролар уруши тарихидан" асарида қуйидагиларни ўқиймиз: "Босмачиликнинг ижтимоий асоси Ўрта Осиёда инқилоб натижасида ағдариб ташланган қуйидаги эксплуататор синфлар эди:

А. Феодаллар, собиқ уруғ оқсуяклари ва собиқ йирик ер-мулк эгалари. Инқилоб натижасида ўзларининг бойликлари ва имтиёзларидан маҳрум бўлган булар Туркистонда инқилобнинг энг ашаддий душманлари эди. Шулар орасидан нафақат босмачи тўдалари бошлиқлари, балки энг қатъий ва шафқатсиз босмачилар чиққан.

Б. Туғилиб келаётган маҳаллий миллий буржуазия. Унинг босмачилар тўдаларида иштироки Туркистоннинг социалистик ривожланиш йўлига қарши курашиш, капиталистик йўл учун курашиш билан белгиланади. У шунингдек, босмачилар тўдаларини пул ва кўп ҳолда қурол-яроғ билан таъминлади.

В. Бойлар. Кўп сонли эксплуататор синф бўлиб, бойлар босмачиларга ўзларининг асосий кадрларини берди. У шу билан бирга босмачи тўдаларини озиқ-овқат, ем-ҳашак ва бошқа нарсалар билан таъминлади.

I.Васильевский.Фазы басмаческого движения в Средней Азии. 129-бет.

Г. 1917 йил февралидан кейин Туркистонга бадарға ва сургундан қайтиб келган собиқ жиноятчилар ва турли хил авантюристлар"[1]. А.И.Зевелев "босмачилар" сафларида рус эксплуататор синфи вакиллари, мусулмон руҳонийлари ҳам бўлганлигини қайд қилади. Шунингдек, у: "Лекин босмачилар тўдаларида нафақат ағдарилган эксплуататор синфлари бор эди. Уларда меҳнаткаш деҳқонларнинг маълум бир қисми ҳам бўлган"[2],- дейди. А.И.Зевелев аграр масаланинг вақтида ҳал қилинмаганлиги, миллий сиёсатда йўл қўйилган хатоликлар, Қизил Армиянинг талончиликлари деҳқонларнинг бир қисмини "босмачилар"нинг сафларига кетишига сабаб бўлди,деган хулоса чиқаради.

Бу икки асар ҳаққоний томони шундаки, уларда "босмачилик"нинг ҳаракатлантирувчи кучларига алоҳида эътибор берилиб,таҳлил қилинган. Совет тарихшунослигидаги бошқа мақола ва асарларда эса "босмачилик"ни ҳаракатлантирувчи кучлари тўғрисида:

"Босмачиликнинг оддий кадрлари барча донни ҳукуматнинг мулки деб эълон қилган мусодара қилиш тўғрисидаги муваффақиятсиз декретни ҳаётга тадбиқ этгандан сўнг кўпайиб кетди. Майда пахтачилар бутунлай хонавайрон бўлди. Очарчилик ва ғазаб уларни босмачилар сафларига олиб келди"[3]. "...босмачилик ҳаракати ўз манфаатлари йўлида қолоқ, сиёсий жиҳатдан саводсиз деҳқонлардан фойдаланган капиталистик ва феодал гуруҳларининг иттифоқидир"[4],"босмачилик ҳаракати бойлар ва муллалар томонидан олиб борилган очиқ сиёсий бандитлик"[5], "Эксплуататор қатламлар босмачиликнинг асосий негизи бўлди"[6],- деган таърифу-тавсифлар берилган.

1.А.И.Зевелев. Из истории гражданской войны в Узбекистане. 102-103-бетлар.
2.Ўша асар, 104-бет.
3.Е.Козловский.Красная Армия в Средней Азии.Ташкент,1928,34-бет.
4.П.Алексеенко.Что такое басмачество? 46-бет.
5.И.В.Сталин. Асарлар.М., 1960, У жилд, 143-бет.
6.Х.Ш.Иноятов.Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренной контрреволюции. 69-бет.

Совет тарихий адабиётларидаги "босмачилик ҳаракати" ҳаракатлантирувчи кучлари тўғрисидаги юқоридаги фикрларни бутунлай нотўғри дейиш бўлмайди. Чунки "босмачилар" сафларида бойлар, буржуазия, руҳонийлар, рус оқгвардиячилари, косиб-ҳунармандлар, деҳқонлар бор эди. Яна совет тарихшунослигида тилга олинмайдиган совет ходимлари, ҳарбийлар, милиция ходимлари ҳам бор эди. Шуни таъкидлаш лозимки, "босмачилар" сафларига ташкилотлар, бутун-бутун қисмлар ўтиб кетган. Масалан, Андижон ёшлар иттифоқи,[1] Жиззах Сиёсий бюроси бошлиғи Тўрабеков ва милиция бошлиғи Йўлдошев[2], Самарқанд вилоятидаги ҳарбий отрядлар[3] ўз ҳохишлари билан "босмачилар" томонига ўтиб кетган.

Совет тарихий адабиётларининг аксариятида "босмачилик"нинг ҳаракатлантирувчи кучлари борасида йўл қўйилган хато шундаки, уларда бу ҳаракат иштирокчиларининг ҳаммасини фақатгина ёвуз ниятларини амалга ошириш учун курашчилар сифатида берилиши ҳамда меҳнаткашларнинг кенг қатламини иштирок этганлигини ва унинг сабабларини тўғри кўрсатмаслигидир. Биз ҳам "босмачилик"нинг ҳаракатлантирувчи кучлари фақат меҳнаткашлардан иборат эди, улар бир мақсад сари курашдилар, деган фикрдан йироқмиз. Лекин тарихий далиллар, ҳужжатлар шуни кўрсатадики, "босмачилик ҳаракати"нинг биринчи даврида /яъни 1918-1922 йилларда/ бу ҳаракатда меҳнаткашларнинг катта қисми иштирок этиб, улар ўз ҳақ-ҳуқуқи, юртининг озодлиги учун курашган. Масалан, 1921 йил Фарғонада "босмачилик ҳаракати"да қатнашганлар сони расмий маълумотларга кўра 15000та кишига етган[4]. Бу "босмачилик ҳаракати"да меҳнаткашларнинг катта қисми иштирок этганлигини кўрсатади.

1.Ўзбекистон Республикаси МДА. 17-фонд, 1-ёзув, 45-иш, 367-варақ.
2.Ўша ерда, 131-варақ.
3.Ўша ерда, 152-варақ.
4.Ўша ерда, 368-варақ.

Жойлардаги ҳукумат Фавқулодда комиссияси ТуркМИҚга жўнатган маърузасида "Марказ яхши хабардор бўлмай туриб, босмачилик ҳаракати сиёсий сабаблари нимада эканини билмай ва уларни жиноятчи дея гумон қилиб, босмачилар гуруҳини яксон этиш учун мунтазам равишда европавий ҳарбийларни жўнатаверди... Жойларга келган қизил армиячи қисмлари ўзларини тута олмадилар ва талай бошладилар. Бу - ўтга ёғ қуйиш билан баробардир. Кўплаб қон тўкилди, бироқ, самара бермади. Босмачилик тинчиш ўрнига, аксинча ўсиб, шундай қамровга эга бўлдики, Фарғонада мавжуд ҳукумат бугун-эрта емирилиши мумкин"[I],-деб қайд қилиша бошлади.

Ҳақиқатан ҳам 1922 йил июнь ойида Туркистонда "босмачилик ҳаракати" шу даражада кенгайиб кетдики, нафақат Фарғонада,балки Самарқанд вилоятида ҳам Совет ҳукумати шошилинч чоралар кўришга мажбур бўлди. Чунки бу даврда "босмачилик ҳаракати"да меҳнаткашларнинг катта қисми иштирок этмоқда эди. Шунинг учун ҳам қизил командарм М.В.Фрунзе ёзганидек: "Босмачиларни фақат босқинчилар дейишгина кифоя қилмайди; агар шундай бўлганда эди, ўз-ўзидан маълумки, уларнинг масаласи аллақачон ҳал қилинган бўлар эди. Йўқ, босмачиликнинг асосий кучлари илгариги ҳокимиятдан /Туркомиссияга қадар бўлган ҳокимият - Н.Н./ бирон-бир сабабларга кўра норози бўлган ёки ғазабга келган юзларча ва мингларча кишилар ташкил қилар эди; улар ҳеч қаердан мадад ололмасдан босмачиларга қўшилиб кетдилар ва шу билан босмачилик ҳаракатини зўр кучга айлантириб юбордилар"[2].

Хулоса қилиб айтганда, Туркистонда "босмачилик ҳаракати"нинг ижтимоий-сиёсий моҳияти, унинг раҳбарларининг фаолияти ҳамда ҳаракатлантирувчи кучлари тарихчилардан ҳар томонлама илмий тадқиқот ишларини олиб боришни талаб қилаётган мураккаб тарихий муаммолардан биридир.

I.Ўзбекистон Республикаси МДА.I7-фонд,I-ёзув,45-иш,I27-варак.
2.М.В.Фрунзе на фронтах гражданской войны.Сб.док. М.,I94I,2I0-бет.

3-§ . "БОСМАЧИЛИК ҲАРАКАТИ"НИНГ ДАВРЛАРИ ҲАМДА БУ ҲАРАКАТ ОҚИБАТЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ АДАБИЁТЛАРДА ЁРИТИЛИШИ

Тарих фанида ҳар қандай тарихий воқеани илмий тадқиқ қилишда унинг тарихини даврлаштириш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда "босмачилик ҳаракати"ни кенг кўламли ва ҳар томонлама ўрганиш учун, албатта қарийб йигирма йил давом этган бу ҳаракатни даврларга бўлиш лозимдир. В.В.Куйбишев 1920 йилдаёқ "босмачилик"ни: "1/ босмачилик деҳқонларнинг айрим қолоқ қатламлари томонидан қўллаб-қувватланган; 2/ Совет ҳокимиятининг сиёсий тадбирларининг таъсири ҳамда ташвиқот натижасида у бузила бошлаган ва деҳқонлар босмачилар сафини ташлаб кета бошлаган; 3/ Босмачилар орасида фақат жиноий элементлар ва тузатиб бўлмайдиган халқ душманлари қолган"[1], даврларга бўлиб кўрсатганди.

Совет тарихчилари ҳам "босмачилик ҳаракати"ни ўрганишда уни бир неча жил даврларга бўлишган. Бу ҳаракат тарихини даврлаштиришнинг учта кўриниши бор.

Совет тарихчилари ичида Васильевский биринчилардан бўлиб "босмачилик ҳаракати" тарихини даврларга бўлишга ҳаракат қилди, "бутун Туркистон масштабини тўлиқ олинган ҳолда бу мураккаб жараённи яхшироқ тушуниш мақсадида"[2],-дейди ва бу ҳаракатни қуйидаги даврларга ажратади: "Босмачилик ҳаракатининг биринчи даври хон ҳокимияти даврига тааллуқлидир. Бу Россия капитализми, бойларнинг судхўрлик асорати ва хон амалдорларининг солиқлари хонавайрон қилаётган деҳқонларнинг стихияли ҳаракати эди...

Босмачилик ҳаракатининг иккинчи даври аксилинқилобий кучлар сифатида Фарғонада 1918 йилда бошланади.

1.М.Х.Назаров.Из истории борьбы с буржуазно-националистическим движении /басмачеством/в Ферганской области.142-148-бетлар.
2,Васильевский.Фазы басмаческого движения в Средней Азии.132-бет.

Босмачилик ҳаракатининг бу даври қуйидаги ўзига хос хусусиятга эга: 1/ ҳаракат оммавий ва умумхалқ характерида бўлиб, босмачилик элементларининг синфий белги бўйича табақаланиши ҳали куртак ҳолида; 2/ маҳаллий эксплуататорлар - феодаллар, руҳонийлар, бойлар ва ҳатто буржуазиянинг синфий манфаатлари миллий мақсадлардан устун бўлиб, бу рус оқгвардиячилари ва инглиз империализми билан иттифоққа олиб келади; 3/ "Туркистон маҳаллий халқ учун", "Бухоро ва Қўқон хонлиги мустақиллигини тиклаш" каби миллатчилик шиорлари "Кофир жадидлар билан кураш", "Шариат, исломни ҳимоя қилиш" ва бошқа ислом шиорлари устунлигига чўкиб кетади; 4/ босмачилик ҳужумкор характерини сақлаб қолиб, совет органлари, ҳарбий базаларига қатъий равишда ҳужум қилар ва бизнинг йирик аҳоли пунктларига сочиб ташланган гарнизонларимизни тўсиб турарди; 5/ бу даврда бизнинг сиёсат асосан тутқич бермайдиган босмачилар тўдаларини тор-мор қилиш борасида ҳарбий тадбирлардан иборат эди...

Босмачилик ҳаракатининг учинчи даври босмачиликка қарши совет ҳокимиятининг комбинациялашган тадбирлари йўли билан босмачилар отрядларида синфий жиҳатдан табақаланиш ва парчаланиш даврини ўз ичига олади, хронологик жиҳатдан тахминан, 1922 йилнинг иккинчи ярмидан то 1924 йилгача давом этади.

1922 йил. Фарғона босмачилиги учун кризисли бурилиш пайти-дир. 1923 йил Фарғонада босмачилик деярли бутунлай тугатилди.

Босмачилик ҳаракатининг тўртинчи ва охирги даври социалистик қурилишга зараркунандалик йўлига ўтган босмачиликнинг тўлиқ ҳарбий ва ғоявий жиҳатдан тор-мор этилиши билан тавсифланади.

Тахминан 1924 йилдан то бизнинг кунимизгача давом этган бу даврда "Совет Туркистони босмачиларсиз" шиори остида социалистик қурилиш ва бошқаларда асосий тўсиқ деб деҳқонларнинг ўзлари энди босмачиликка қарши чиқди. Босмачилик энди нисбатан майда тўдалар

билан баъзи туманларда террористик актларни амалга ошириб ҳаракат қилмоқда"[1].

Васильевский "босмачилик ҳаракати"ни даврларга ажратар экан, ҳар бир даврнинг ўзига хос томонларини кўрсатиб беришга уринди. Лекин бизнинг фикримизча, Васильевский "босмачилик ҳаракати"ни даврлаштиришда қатор ноаниқликларга йўл қўйган. Биринчидан, "босмачилик ҳаракати"ни даврлаштиришда XIX асрнинг 2-ярмидан бошланган турмушдаги босмачилик билан 1917 йил Октябрь инқилобидан кейинги "босмачилик ҳаракати"ни бир бутун деб қарайди. Иккинчидан, Октябрь инқилобидан кейинги "босмачилик ҳаракати"ни даврларга бўлишда ҳам унинг кучайиши, пасайиши ва бунинг сабабларини етарлича тушунтириб бера олмаган. Шунинг учун ҳам ажратилган даврларнинг хронологик чегаралари "босмачилик ҳаракати"нинг тарихини тўлиқ очиб бера олмайди. Масалан, Васильевский "босмачилик ҳаракати"нинг 2-даврини 1918 йилдан бошлаб 1922 йилнинг биринчи ярми билан чегаралайди. Бу ерда муаллиф аввало "босмачилик ҳаракати"нинг бошланиш вақтини аниқ кўрсатмайди. Шунингдек, бу даврнинг ўзини бир неча даврларга бўлиш мумкин. Учинчидан, бундай қарашда, умуман қолган бошқа даврлаштиришларда ҳам, Самарқанд вилоятидаги "босмачилик ҳаракати"ни умуман назардан четда қолган.

Васильевскийдан сўнг совет тарихчилари 50-йиллардан бошлаб "босмачилик ҳаракати" тарихини даврлаштириш масаласига алоҳида эътибор беришди ва уни ҳар томонлама тадбиқ қила бошлашди. Натижада улар Васильевскийнинг қарашларидан бутунлай фарқ қиладиган икки хил даврлаштиришни аниқлашга ҳаракат қилдилар.

Шуни қайд қилиш керакки, совет тарихчилари "босмачилик ҳаракати"ни фуқаролар уруши сифатида ўргандилар. Шунинг учун ҳам улар айнан "босмачилик ҳаракати"ни эмас, балки фуқаролар урушини

1.Ўша асар, 130-136- бетлар.

даврларга бўлиб кўрсатдилар. Улар Туркистон худудидаги барча фронтлардаги воқеаларнигина эмас, шунингдек ҳозирда Ўзбекистон худудига кирадиган Хоразм хонлиги ва Бухоро амирлигидаги воқеаларни ҳам ҳисобга олганлар.

Совет тарихчиларининг биринчи гуруҳи "босмачилик ҳаракати" 1918 йилдан 1920 йилгача давом этган деган нуқтаи-назарни илгари сурсалар[1], иккинчи гуруҳ тарихчилар /Зевелев ва унинг тарафдорлари/ мазкур ҳаракат 1917 йилнинг охиридан 1923 йилнинг охиригача давом этган деган фикрни таклиф қилдилар[2].

Биринчи гуруҳ тарихчилари ўз қарашларини қуйидагича исботлайдилар: фуқаролар уруши 1918 йилнинг ёзидан 1920 йилнинг охиригача бўлган даврни ўз ичига олади. "Унинг асосига фуқаролар урушининг хронологик чегараси тўғрисидаги В.И.Ленинниинг -"чехословаклар ва "таъсисчилар"дан то Врангелгача, 1918-20 йиллар"- деган кўрсатмаси қўйилган"[3].

1920 йилнинг охирида фуқаролар уруши тугагандан сўнг, 1921 йил - янги иқтисодий сиёсатга ўтилди. Шундай қилиб, 1921-1923 йилларда "босмачилар"нинг қолдиқларига қарши курашда биринчи ўринга ҳарбий эмас, балки сиёсий ва хўжалик тадбирлари сурилди. Шунинг учун ҳам "босмачилар" тўдаларини тугатиш давом этганига қарамай, 1921-1923 йиллар Туркистонда фуқаролар уруши даврига кирмайди. Чунки 1920 йилнинг охирига келиб бутун Ўзбекистон тикланиш даврига кирганди[4].

1. История Узбекской ССР.т.П.Ташкент, 1957, 81-123-бетлар; К.И.Малишев.М.В.Фрунзе на Туркестанском фронте.Фрунзе, 1958, 28-бет; Ю. Алескеров.Интервенция и гражданская война в Средней Азии.Ташкент, 1959, 191-бет; История гражданской войны в Узбекистане.т.1.Ташкент, 1964, 21-22-бетлар; Х.Ш.Иноятов.Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренной контрреволюции.М., 1984, 15-17-бетлар ва бошқалар.
2. А.Қўқонбоев.Фарғонада совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун кураш.Тошкент, 1958, 7-бет; А.И.Зевелев.Из истории гражданской войны в Узбекистане.Ташкент, 1959, 7-16-бетлар; А.И.Зевелев, Ю.А.Поляков, А.И.Чугунов.Басмачество: возникновение, сущность, крах. М., 1981, 207-208-бетлар; А.И.Зевелев, Ю.А.Поляков, Л.В.Шишкина.Басмачества: правда истории и вымысел фальсификаторов.М., 1986, 7-бет.
3. История гражданской войны в Узбекистане, т.1. 21-бет.
4. Ўша асар. 21-бет.

Улар юқоридаги фикрларга асосланиб, Ўзбекистондаги фуқаролар уруши ва чет эл ҳарбий интервенциясини, унинг таркибий қисми сифатида "босмачилик ҳаракати"ни қуйидаги даврларга бўлишади:

"I. Ҳарбий интервенциянинг бошланиши ва фуқаролар урушининг авж олиши /1918 йил ёзи - 1919 йил сентябрининг ўртаси/.

2. Туркистоннинг РСФСР билан тамомила қўшилиши ва асосий аксилинқилобий кучларнинг тор-мор этилиши /1919 йил сентябрь- 1920 йил март/.

3. Хива ва Бухорода халқ инқилобининг ғалабаси. Фарғона водийсида босмачиликнинг асосий кучларини тугатилиши /1920-йил апрель - декабрь/.

4. Халқ хўжалигини тиклаш учун тинч меҳнатга ўтилиши.Босмачилик қолдикларининг тугатилиши /1921-1922 йй./"[1]

Ушбу қарашдаги тарихчилар, биринчидан, фуқаролар уруши, шунингдек унинг таркибий қисми "босмачилик ҳаракати"га СССР даги фуқаролар уруши ва чет эл ҳарбий интервенциясининг ҳар томонлама таркибий қисми сифатида қарашади ва хронологик чегарани ҳам ўшандан келиб чиқиб белгилайдилар ва ўша қолипга сигиши учун "босмачилик ҳаракати" тарихи ҳар томонлама сохталаштирилганлиги кўринади. Иккинчидан, белгиланган даврлар ва уларнинг номланиши "босмачилик ҳаракати" тарихига мос келмайди. Шуни қайд қилмоқ керакки, аксига олиб Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихи билан шуғулланган аксарият кўпчилик тарихчилар воқеалар ривожини ана шу даврлаш асосида тадқиқ қилдилар.

Иккинчи гуруҳ тарихчиларининг "босмачилик ҳаракати" тарихини даврлаштириш борасидаги қарашларини профессор А.И.Зевелев

I.Ўша асар, 22-бет.

ишлаб чиққан бўлиб, ўзининг "Ўзбекистонда фуқаролар уруши тарихидан" асарида "босмачилик ҳаракати", тўғрироғи фуқаролар уруши тарихини даврлаштириш масаласига тўхталиб, шундай хулоса чиқаради: "Ҳозиргача Ўзбекистон тарихига оид ишларда фуқаролар уруши бу ерда 1918 йилдан то 1920 йилгача давом этган деб кўрсатилди. Бу йилларда Ўзбекистонда фуқаролар уруши ҳақиқатдан ҳам кескин характер касб этган, аммо биз у 1918-йилнинг ўртасида эмас, балки олдинроқ - 1917 йил охирида бошланган ва 1920 йилда эмас, балки 1923 йилнинг охирида тугаган деб ҳисоблаймиз"[1]. Ва А.И.Зевелев ўша нуқтаи-назари асосида тубандаги даврлаштиришни таклиф қилди:

"1. Ўзбекистонда фуқаролар урушининг бошланиши /1917 йил охири - 1918 йил ёзи/.

2. Ўзбекистонда фуқаролар уруши фронтларининг ташкил этилиши ва Туркреспубликанинг бутунлай душман қуршовида қолиши /1918 йил ёзи - 1919 йил апрель/.

3. Ўзбекистонда фуқаролар урушининг кучайиши /1919 йил апрель - сентябрь/.

4. Мамлакат марказининг Туркистон билан тамомила кўшилиши. Ўзбекистонда фуқаролар уруши фронтларини тугатиш учун кураш /1919 йил сентябрь - 1920 йилнинг охири/.

5. Босмачиликнинг тор-мор этилиши ва Ўзбекистонда фуқаролар урушининг тугаши /1921-1923 йй./"[2].

Муаллиф ўз тарафдорлари билан "босмачилик ҳаракати" тарихини даврлаштириш масаласи устида ушбу муаммога бағишланган кейинги асарларида яна тўхталиб ўтди ва бу бордаги карашларини ривожлантириб борди. "Босмачилик билан кураш узок давом

1.А.И.Зевелев.Из истории гражданской войны в Узбекистане.8-бет.
2.Ўша асар, 16-бет.

этган тарихий эпопеядир. У баъзида сўниб, баъзида янги куч билан ёниб қатор йиллар давом этди. 1917 йил бошланиб, фуқаролар уруши вақтида ва урушдан кейинги биринчи йилларда ўзининг чўққисига эришган босмачилик ҳаракати 20-йилларнинг биринчи ярмида барбод бўла борди. 1926 йилга келганда у амалда тугатилди. Чет элда яширинган босмачилар тўдаларининг қолдиклари вақтинчалик ўз фаоллигини тўхтатдилар. Бирок, 1929-1931 йилларда чет элдан ёриб кирган босмачилар отрядлари яна Ўрта Осиёнинг қатор туманларида тинч ҳаётни бузадилар"[1],-дейди А.И. Зевелев Ю.А.Поляков ва Л.В.Шишкина билан ёзган "босмачилик" тўғрисидаги энг сўнгги асарларида.

А.И.Зевелев ва унинг тарафдорлари таклиф қилган даврлаштириш Ўзбекистондаги фуқаролар уруши учун бўлсада, бу ерда асосий эътибор кўпрок "босмачилик ҳаракати"га қаратилган, шунингдек улар белгиланган хронологик чегара ҳам ҳар қалай "босмачилик ҳаракати" тарихини тўлароқ ўрганиш имконини беради. Аммо бу гуруҳ тарихчиларнинг даврлаштиришлари ҳам бутун даврини камраб ололмайди ва унинг тарихини барча кирраларини ёрита олмайди. Чунки Туркистондаги "босмачилик ҳаракати"нинг хронологик чегарасини нотўғри белгилайдилар. Биринчидан, Туркистонда "босмачилик ҳаракати" 1917 йилнинг охирида эмас, балки "Кўкон мухторияти" тугатилгандан сўнг 1918 йил февралнинг охирида бошланган. Иккинчидан, Туркистонда "босмачилик ҳаракати" 1923 йилда тугатилмаган. Зевелев ва унинг тарафдорлари "босмачилик ҳаракати" 1931 йилда тугатилди дейишганда Туркистон худудини эмас, балки Тожикистондаги "босмачилик ҳаракати"ни ҳам назарда тутдилар. Шунингдек, бўлинган даврлар ҳам тарихий

[1] А.И.Зевелев, А.Ю.Поляков, Л.В.Шишкина. Басмачество: правда истории и вымысел фальсификаторов. М., 1986, 7-бет.

воқеаларни тўлиқ ёрита олмайди. Масалан, 5-давр 1921-1923 йилларни ўз ичига олиб, "босмачилик"ни тугатилиши деб белгиланган. Аслида бу даврда "босмачилик"нинг бир неча кучайиши ва пасайиши каби даврларни кузатиш мумкин. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, А.И.Зевелев "Ўзбекистонда фуқаролар уруши тарихидан" деган асарида "босмачилик ҳаракати"нинг 1923 йилнинг охиригача давом этган деб кўрсатишига қарамай, негадир китобда воқеалар ривожини ёритиш 1920 йил охири билан тугалланади. Совет тарихшунослигидаги "босмачилик ҳаракати" бу икки хил даврлаштиришда Ўзбекистон ва хатто Ўрта Осиё ҳудудидаги воқеалар ҳисобга олинганлигига қарамай, Самарқанд вилоятидаги "босмачилик ҳаракати" тарихига деярли мутлақо эътибор берилмайди.

Маълумки, 1924 йил Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши ўтказилганича Тожикистоннинг шимолий туманлари Туркистон АССР таркибига киради ва у ҳудудларда ҳам ўлканинг бошқа ерларида бўлганидек "босмачилик ҳаракати" кенг тарқалган. Тожикистонлик тарихчилар республикада фуқаролар уруши тарихини тадқиқ қилганликларида шимолий ҳудудлардаги "босмачилик ҳаракати"га ҳам тўхталб ўтганлар. Уларнинг баъзилари фуқаролар уруши тарихини даврлаштиришда шимолий ҳудудларда "босмачилик ҳаракати" 1918-1923 йилларни ўз ичига олади[1], дейишса, бошқалари Тожикистонда фуқаролар уруши, шунингдек "босмачилик ҳаракати"нинг хронологик чегарасини 1920-1922 йиллар қилиб белгилаб[2], шимолий ҳудудлардаги воқеаларни эътибордан четда қолдирадилар. Ёки Тожикистон Совет Қобусномасидаги Тожикистонда "босмачилик ҳаракати"нинг даврлаштиришда эса Туркистон АССР таркибига кир-

---

1.М.Иркаев.История гражданской войны в Таджикистане.12-бет.
2.Г.М.Мясов.Историография Советского Таджикистана.Душанбе,1978, 88-89-бетлар;Ўшанинг Историография гражданской войны в Таджикистане.В кн.Гражданская война и иностранная военная интервенция в Средней Азии.Ашхабад,1986, 74-75-бетлар.

ган Хўжанд уезди /ҳозирги Ленинобод вилояти/, Помир ҳудудларидаги воқеалар умуман ҳисобга олинмаган[1]. Кўриниб турибдики, тожикистонлик тарихчиларнинг "босмачилик ҳаракати" тарихини даврларга бўлишларининг ёки хронологик чегараларини ҳам Тожикистонда "босмачилик ҳаракати" тарихини ўрганишда аниқлик киритади деб бўлмайди. Демак, совет тарихчилари томонидан Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихининг даврларга ажратилиши мазкур муаммони тадқиқ қилишга тўғри келмайди.

Биз ҳам "босмачилик ҳаракати" тўғрисидаги совет тарихий адабиётларини, кейинги вақтларда нашр қилинаётган мақолалар ҳамда архив ҳужжатларини ўрганиб, Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихини даврлаштиришга баҳолиқудрат ҳаракат қилдик.

Туркистонда "босмачилик ҳаракати" /Октябрь инқилобидан кейингиси/ "Қўқон Мухторияти" Совет ҳокимияти томонидан тугатилгандан сўнг, яъни 1918 йилнинг февраль ойи охирида бошланган. Чунки шундан сўнггина маҳаллий аҳоли кўлига курол олиб ўз эркы, ҳуқуқи учун кураш бошлади. П.Алексеенков айтганидек: "Қўқон мухториятидан босмачилик тугила бошлади. Босмачилик Советлар билан курашнинг бир кўриниши сифатида ва ўзининг характери ҳамда синфий кучларининг жойлашуви бўйича Қўқон мухториятидан сезиларли даражада фарқ киларди."[2]

Дастлаб 200 га якин йигитлари билан кураш бошлаган Эргаш кўрбошига эндиликда Исломқул, Мухиддин, Холхўжа, Медаминбек ва бошқалар келиб қўшилди. 1918 йил март ойининг охирида Бачмир қишлоғида қўрбошиларнинг кенгаши бўлиб ўтади ва улар Эргаш раҳбарлигида бирлашдилар. Шундай қилиб, Туркистонда "босмачилик ҳаракати" ривожлана борди. Дастлаб Совет ҳукумати "босма-

---

1.ТСЭ, Душанбе, 1982, 15-бет.
2.П.Алексеенков. Кокандская автономия. 18-бет.

чилик ҳаракати"га эътибор бермади. Чунки бу даврда Актюбинск, Закаспий фронтларидаги воқеалар ҳукумат диққат марказида эди. 1919 йил январь ойига келиб бу фронтларда Совет ҳокимияти учун аҳвол енгиллашгандан сўнг Фарғона водийсига эътибор берилди. Лекин энди" босмачилик ҳаракати" Фарғона вилоятини бутунлай камраб олди ва кўшни вилоятларга ёйила бошлади. 1919 йил баҳоридан бошлаб "босмачилик ҳаракати"да янги давр бошланиб, у кучайиб кетди. Бунга совет ҳокимиятининг маҳаллий шароитга тўғри келмайдиган кўр-кўрона сиёсатини давом эттириши сабаб бўлди. 1918 йил 23 февралда ТуркМИК пахта захираларини мусодара килиш тўғрисида қарор қабул килди ва уни амалга ошира борди. 1919 йилнинг январь ойига келиб Туркистон АССРда ҳам "ҳарбий коммунизм" сиёсатига ўтилди, 11 январда "Тақсимот тўғрисида" декрет қабул килинди. 31 январга келиб аса меҳнат мажбурияти жорий этилди. Буларнинг ҳаммаси аса ёниб турган оловни аланга-латиб юборди. Бу ҳам етмаганидек 1919 йил 2-июнда Туркреспублика ХКС галла монополиясини эълон килди. 1917 йилдан бошлаб очарчилик ҳукм сураётган Туркистонда Совет ҳокимиятининг амалга оширган бу иктисодий тадбирлари меҳнаткашларнинг катта кисмини "босмачилар" томонига ўтиб кетишига олиб келди ва уни шу даражада кучайтириб юбордики, натижада совет ҳукуматининг тақдири маълум даражада кил устида бўлиб қолди. Меҳнаткашларнинг кенг қатлами иштирок этган "босмачилик ҳаракати"нинг бу даврида раҳбарлик Мадаминбек қўлида бўлиб, у 1919 йил август ойидаги кенгашда Монстров бошчилигидаги Деҳқонлар армияси билан биргаликда ҳаракат килиш тўғрисида шартнома имзолади ва "Вақтли Фарғона ҳукуматини" тузди. Бу келишув октябрь ойида Эркаштомдаги кенгашда яна бир бор мустаҳкамланди.

Мадаминбек 1919 йил сентябрдан фаол ҳаракатни бошлади ва бу 1920 йил февраль ойигача давом этди. Ҳар қанча ҳаракатга қарамай Мадаминбек барча кучларни бир жойга тўплай олмади. Натижада бир неча мағлубиятлардан сўнг у совет ҳукумати билан ярош битими тузиш учун музокаралар олиб борди. 1920 йил 6-мартда ярош битими имзоланди. Мадаминбек ўз йигитлари билан советлар томонига ўтди. Шу вақтдан бошлаб "босмачилик ҳаракати"да пасайиш юз бергандек эди. Лекин 1920 йил 7 майда ТуркМИК ва Туркфронт ҲРСнинг маҳаллий миллат вакилларини ҳарбий хизматга чақириш тўғрисидаги қароридан сўнг "босмачилик ҳаракати" яна кучая бошлади. Асосий куч бўлиб майдонга чиққан Нормуҳаммадбек бошлиқ "босмачилик"нинг бу даври 1921 йил ноябригача давом этди. Совет ҳукумати бу даврда "босмачилик" билан кураш усулларини ўзгартира борди. 1919 йил октябрь ойида РКП/б/ МК Туркистонда Совет ҳукумати вакиллари йўл қўйган хатоларни тугатиш ва ҳукумат асосини мустаҳкамлаш учун Туркистон ишлари бўйича комиссия тузди ва Туркистонга жўнатди. Туркомиссия жойлардаги аҳволни ўрганиб, йўл қўйилган хатоликларни бир оз бўлсада тузатди. Авж олиб кетган "босмачилик"ка қарши курашда биринчи навбатда ҳарбий қўшинлар сафларида қайта қуриш ишларини амалга оширди. Совет ҳокимияти вакиллари олиб борган мустамлакачилик сиёсати қораланди. 1921 йил 15 августдан ҲРСнинг кўрсатмаси асосида "босмачилик" билан тинч музокаралар олиб борила бошланди. Шунингдек, ўлкада "ҳарбий коммунизм" сиёсатидан ЯИСга ўтила бошланди. 1921 йил 20 апрелда ТАССР Советлар МИҚси "озиқ-овқат тақсимоти"ни озиқ-овқат солиғи билан алмаштириш тўғрисида, 8 августда эса эркин савдога рухсат берувчи "Алмаштириш тўғрисида" қарорлар қабул қилди. Буниинг окибатида "босмачилик ҳаракати"да иштирок этаётганлар-

нинг бир қисми Советлар томонига ўтди ва шу йўл билан Шермуҳаммадбек қўшинларига катта зарба берилди.

Совет ҳокимияти "босмачилик ҳаракати" иштирокчилари сафларини бузиш ва аҳолини уларнинг таъсиридан қутқазиш учун сиёсий ён беришларга ўтди. 1921 йил 29 ноябрда ТуркМКнинг "Босмачиларга авф" тўғрисидаги 132-декретини эълон қилди. Лекин бу чоралар, биринчидан, жуда ҳам кечикиб амалга оширилди, иккинчидан эса дастлаб фақат Фарғона вилоятидагина қўлланилди. Маҳаллий аҳолидан "босмачилик"ка қарши курош учун кўнгилли милиция отрядлари тузила бошланди. "Кўнгилларни ёллаш ва куроллантириш аҳолининг мулкий жавобгарлиги ҳамда кафилликка олиш принципи бўйича амалга оширилди ва аҳолининг ҳисобига сақлаб турилди"[1].

Кўрилган шошилинч чора-тадбирлар Совет ҳукумати кутганидек "босмачилик ҳаракати"ни тугатишга эмас, балки унинг янги ҳудудларга ёйилиши ва кучайишига олиб келди, холос. "Босмачилик ҳаракати"нинг кучайишига Анвар пошонинг Бухорода пайдо бўлиши ва бу ҳаракатга қўшилиши ҳам сабаб бўлди. Шунингдек, "Туркистон республикасининг Самарқанд вилояти ҳам босмачилик ҳаракатининг алангаси ичида колди. Босмачиларнинг Фарғона фронтидаги ғалабаси кутилганидек қўшни вилоятларда, шунингдек Самарқанд вилоятида аксини топди.

Бу вилоятда инқилобнинг барча вақтида кичкина тўдалар бўлиб, улар уюшмаганлиги учун ўзини унчалик кўрсатмаганди...Шундай ўтган йилнинг охиригача давом этди.

Фарғона воқеалари, кейин эса Совет ҳокимияти фойдасига изоҳланмайдиган сиёсий ён беришлар вилоятни очиқдан-очиқ заҳарларди. Барча томонлардан босмачиларнинг янги тўдалари шаклланга-

1.Ўзбекистон Республикаси МДА.17-фонд,1-ёзув,314в-иш, 679-варак.

ётганлиги ва уларнинг фаолияти кучли ривожланаётганлиги тўғрисида маълумотлар туша бошлади"[I].

ТуркМИК 1922 йил февралда "босмачилик"ка қарши курашиш учун Фавқулодда комиссиялар туэди. Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, совет тарихий адабиётларида Самарқанд вилоятидаги "босмачилик ҳаракати" тўғрисида айтарли ҳеч нарса дейилмайди ва ўз-ўзидан маълумки, даврлаштиришда ҳам бу эътибордан четда қолади. Архивлардаги ҳужжатлар эса 1922 йилга келганда Самарқанд вилоятида "босмачилик ҳаракати" меҳнаткашларнинг катта қисмини ўз таъсирига олиб, Совет ҳукуматига катта хавф солганлигини кўрсатади. Самарқанд вилоятидаги Фавқулодда учлик ва бошқа ташкилотлар марказга жўнатган хабарларида, қилган маърузаларида: "Самарқанд вилояти ҳозирги вақтда ҳамма жойда босмачиликнинг эпидемик ривожланиши муносабати билан энг хавфли, умидсиз пайтни бошдан кечирмоқда"[2],-деб қайд қилишганди.

1922 йил "босмачилик ҳаракати"ни тугатиш, унинг сафларидаги меҳнаткашларни тинч меҳнатга қайтариш йўлида Совет ҳукумати сиёсий ён беришларни давом эттирди. 20 июнда вақфлар, шариат судларини қайтариш тўғрисида декрет қабул қилди. Лекин шу билан бирга ҳарбий кучларни кўплаб ташлаб жангларда голиб кела бошлади. Узоқ давом этган жанглардан чарчаган аҳоли ҳам сиёсий ён беришлардан сўнг "босмачилар" сафларидан кета бошлади. 1922 йилнинг охирига келиб "босмачилик ҳаракати" тактикаси ўзгэра борди. 1922 йил охиридан бошлаб то 1924 йилларгача "босмачилик" ничик-ничик гуруҳлардан иборат бўлиб, террор ва талончилик билан шуғулландилар. 1924 йилга келганда улар деярли тугатилди. Лекин 20-йилларнинг охирига келганда коллективлаштириш сиёса-

---

I. Ўзбекистон Республикаси МДА. I7-фонд, I-ёзув, 45-иш, I28-варак.
2. Ўзбекистон Республикаси МДА. I7-фонд, I-ёзув, 3I46-иш, 377-варак, 277-варак; 45-иш, I24-I3I, I54-I55-варақлари: 3-ёзув, 25-иш, 57-варак.

тининг бузиб ўтказилиши ва яна унда йўл қўйилган қўпол хатоликлар Ўзбекистонда /биз Туркистондаги "босмачилик ҳаракати"ни ўрганаётганимиз учун бу ерда Ўзбекистонга кирган Туркистон АССР ҳудудларини назарда тутмоқдамиз/ "босмачилик ҳаракати"нинг янгидан кўтарилишига сабаб бўлди. Масалан, 1930 йил 17-июнда ЎзССР ИИХКнинг ЎзССР ХКС ва МИК, ЎзК/б/П МК, ЎзССР БСБ, РСФСР, ТуркССР, ТожССР, ҚССР, ҚирССР ИИХК га жўнатган ахборотида Самарқанд, Тошкент, Андижон, Фарғона округларидаги "босмачилар" гуруҳлари тўғрисида маълумотлар берилган[I].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихида қуйидаги даврларни кўрсатиш мумкин:

I. "Босмачилик ҳаракати"нинг вужудга келиши ва ривожланиши /1918 йил февралнинг охири - 1919 йил март/.

2. Туркистонда "босмачилик ҳаракати"нинг кучайиши. Мадаминбекнинг "босмачилик ҳаракати"га раҳбарлик қилиши /1919 йил март- 1920 йил март/.

3. "Босмачилик ҳаракати"нинг қайтадан кучайиши. Шермуҳаммадбек фаолияти /1920 йил апрель - 1921 йил ноябрь/.

4. Туркистонда "босмачилик ҳаракати"нинг энг кучайган даври /1921 йил ноябрь - 1922 йил сентябрь/.

5. "Босмачилик ҳаракати"да босқинчилик, террор услубларига ўтилиши ва унинг тугатилиши /1922 йилнинг охири- 1924-йил/.

6. Ўзбекистонда "босмачилик ҳаракати"нинг қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш даврида янгидан кўтарилиши /20-йилларнинг охири - 30-йилларнинг бошлари/.

Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихида етарлича ўрганилмаган томонлардан яна бири бу унинг оқибатлари масаласи-

I. Ўзбекистон Республикаси МДА. 86с-фонд, 3с-ёзув, 149-иш, 47-51-варақлар.

дир. 20-30-йилларда ёзилган мақола ва асарларда "босмачилик ҳаракати"нинг оқибатлари ўз аксини етарлича топмаганлиги табиий. Чунки ҳали давом этаётган "босмачилик ҳаракати"нинг оқибатларини умумлаштириб бериш мумкин эмас эди. Шунга қарамай, бу даврдаги мақола ва асарларда масаланинг баъзи томонлари кўрсатиб кетилган, холос. Қизиғи шундаки, буларда берилган маълумотлар совет тарихчилари кейинги даврда махсус "босмачилик ҳаракати" мавзусида яратган йирик-йирик монографияларидаги маълумотлардан устун туради. Негаки, 20-30-йиллардаги асарларда биз кискача бўлсада "босмачилик ҳаракати" йилларида ҳар иккимағлуб ва голиб томонлар қилган ваҳшийликларни, буғунчиликларнинг гувоҳи бўламиз. Масалан, Т.Рискулов "Инқилоб ва Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси" асарида Совет ҳукумати Фарғона вилоятида "босмачилар"га қарши курашда фойдаланган дашноқларнинг "қаҳрамонликлари" ҳақида шундай ёзади: "Эркакларни босмачиларни кўллаб-қувватлашгани учун, болаларни бир неча йиллардан сўнг босмачилар бўлиши мумкинлиги учун ўлдирдилар"[I]. Муаллиф Қизил Армия ва дашноқларнинг "босмачилар"га карши кураш деб Бозор-кўрғон қишлоғидаги хунрезликларини ҳам кўрсатиб ўтади. Шуни айтиш керакки, асарда 1917 йилда бошланган очарчилик "босмачилик ҳаракати" йилларида кучайганлиги ва бундан тинч аҳоли жабр чекканлигини акс эттирилган.

20-30-йиллардаги "босмачилик ҳаракати" ёритилган асарларда иккала томон ўртасидаги қуролли кураш натижасида ўлка иқтисодий ҳаётида юз берган бузилишлар катор далиллар асосида берилиши билан биргаликда, "Ўзбекистон хўжалиги фукаролар уруши, босмачилик натижасида деярли бутунлай вайрон қилинганди"[2],-

I.Т.Рискулов.Революция и коренное население Туркестана.Ч.I.108-б.
2.Д.И.Манжара.Борьба за власть Советов,Ташкент,1935, 13-бет.

дейилган куруқ кайдлар ҳам бордир.

50-йилларга келиб Ўзбекистонда тарих фани кўплаб малакали кадрлар билан бойиди ҳамда архивлардаги ҳужжатларни тартибга солиш бошланди. Энди тарихчиларимиз бошқа тарихий муаммолар қатори Туркистондаги "босмачилик ҳаракати" тарихини ҳам янги-янги архив ҳужжатлари асосида ҳар томонлама ёрита бошладилар. Лекин "босмачилик ҳаракати"нинг бошқа томонлари сингари унинг оқибатлари ҳам совет тарихшунослигида ўта аксинқилобий қарашларга қора рангларда топди. "Босмачилик ҳаракати" хоҳ 1920 йилгача бўлган, хоҳ 1923 йилгача бўлган дейилганлигига қарамай, аввало улар бу йиллар ичида айтарли йирик ғалабага эришмаган қилиб кўрсатилди. Тўғри, тарихий асарларда мана бу даврда "босмачилар"нинг қўли юқори келди, деб айтилган жойлар бор,албатта. Аммо "босмачилар"нинг ана шу ғалабаси ҳам шундай берилганки, ўқувчи буни тасаввур ҳам қила олмайди.

Энг қизиғи шундаки, совет тарихий адабиётларида қарийб 20 йил давом этган курашда Туркистон иқтисодиёти, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётга фақат "босмачилар" зарар етказган қилиб ёритилган. 50-йиллардан то 80-йилларнинг ўрталаригача бўлган адабиётларда "босмачилар" етказган зарар-у, улар қилган вахшийликлар бир-бирларига жуда ҳам ўхшаш, эгизак маълумотлардан иборат. Фикримизни исботлаш учун қуйида бир неча тарихий адабиётлардан мисол келтирамиз. Масалан, А.Қуконбоевнинг "Фарғонада совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва босмачиликка қарши кураш" асарида шундай ёзилган: "Интервенция ва фуқаролар уруши йилларида Фарғона водийси вайрон қилинди ва харобаворга айланди. Фарғона иқтисодиётининг асоси - пахтачилик таназзулга учради.

1915 йилдан 1923 йилгача бўлган даврда, бутун Туркистон республикаси бўйича экин майдонлари тўртдан учга кискарди.

1915 йилдан 1923 йилгача бўлган Фаргона вилоятидаги экин майдонлари тўгрисидаги маълумотларни келтирамиз: /десятинада/.

Йиллар	1915	1917	1920	1922	1923
Десятиналар	945400	566400	376000	292000	240815

Экин майдонлари Фаргона вилоятида кўрсатилган даврда деярли 4 марта кискарди: 1923 йилда у 1915 йилдаги экин майдонининг 25%ни ташкил этди.

Босмачилик чорвачиликка хам сезиларли зарар етказди. Йирик ва майда шохли моллар боши Фаргона вилоятида кескин камайиб кетди. Йирик шохли моллар сони Кўкон уездида 5 марта, Наманган ва Андижон уездида 4 марта, Маргилон уездида 8 марта камайди...

Босмачилар тўдаларининг бебошлиги окибатида Фаргона вилоятида деҳкон хўжаликларининг ярмидан кўпи хонавайрон бўлди /Кўкон уездида босмачиликдан 35,3%, Наманган уездида - 75%, Андижон уездида - 65,4%, Маргилон уездида - 92,8% деҳкон хўжаликлари зарар кўрди/.

Шундай килиб, Фаргона вилоятининг иктисодий ахволи хаддан ташкари огир эди"[1].

Ш.А.Шомаъдиевнинг "Фаргона водийсида фукаролар уруши тарихи очерклари" асарида куйидагиларни ўкиймиз:

"Босмачилик Фаргона вилояти ахолиси ва иктисодиётига улкан зарар етказди. Ўн минглаб тинч ахоли боскинчи босмачилар кўлида ўлди, минглаб одамлар очлик ва касалликдан ўлдилар.

1.А.Кокандоев.Борьба с басмачеством и упрочение советской власти в Фергане, 98-бет.

Фарғонанинг қишлоқ жойи аҳолиси 1917 йилга нисбатан 25% қисқарди.

Ўн минглаб вилоят меҳнаткашлари босмачилар томонидан талланди ва қашшоқлик даражасига олиб борилди. Расмий маълумотга кўра босмачилар томонидан бутунлай хонавайрон бўлган оилалар сони Қўқон уездида - 18126 кишини, Марғилон уездида - 38814, Наманган уездида - 10821, Ўш уездида - 23680, Андижон уездида - 15086 кишини ташкил этди. Фарғона вилоятида босмачиликнинг 6 йиллик қутуришидан эса ҳаммаси бўлиб /Вилоят фавқулодда комиссиясининг маълумотига кўра/ 800 мингдан киши зарар кўрди.

Босмачилик Фарғона водийсининг иқтисодиётига улкан зиён етказди. 1923 йил Фарғонада мавжуд 180 та пахта заводларидан фақат 4 таси ишлади, 18 та ёг заводидан эса биронтаси ишламасди. 1918 йилга нисбатан барча қишлоқ хўжалиги экинларини экиш 75%га, пахта экиш эса 10 мартага қисқарди. Пахта ҳосилдорлиги икки марта пасайди. Босмачилар водий қишлоқ хўжалигининг асоси ирригация тизимининг катта қисмини бузиб ташлади. Бу вақтда 75% иш ҳайвонлари кириб ташланди, шу билан бирга отлар сони 11 марта камайди"[1].

Яна "Ўзбекистонда фуқаролар уруши тарихи" асарини олиб кўрайлик:

"Босмачилик вилоятга улкан зарар етказгани учун жуда катта иш турарди. Фарғонанинг қишлоқ аҳолиси 1917 йилга нисбатан 25%га қисқарди, Фарғона вилоятида босқинчиларнинг тўрт йиллик бебошлигидан 800 мингга яқин киши зарар кўрди. Босмачилар томонидан фақатгина Қўқонда 4544 та уй, Марғилонда- 1038 та уй,

---

[1] Ш.А.Шамагдиев. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. 287-бет.

Наманганда - 938 та уй вайрон қилинди.

1923 йил вилоятнинг 180 та пахта заводларидан фақат 4таси ишлади, 18 та ёғ заводлари эса ишламасди. Қишлоқ хўжалиги экинлари экиш 1913 йилга нисбатан 75%, пахта экиш эса - 10 марта қисқарди, шунинг билан бирга пахта ҳосилдорлиги икки марта пасайди. Босмачилар водий қишлоқ хўжалигининг таянчи - ирригация тизимининг катта қисмини бузиб ташлади. Бу вақтда иш ҳайвонларининг 75% қириб ташланди, шу билан бирга отлар сони 11 марта камайди"[1].

А.И.Зевелев, Ю.А.Поляков, А.И.Чугуновларнинг "Босмачилик: пайдо бўлиши, моҳияти, инқирози" асарида ҳам худди шундай маълумотлар берилган: "Босмачилар фабрика ва заводларни, темир йўлларни бузиб ташлади, экинларга зарар етказди, меҳнаткашлардан пахта ва донни тортиб олди. 1922 йил 1-майдаги аҳвол бўйича Фарғона вилоятида 180 та пахта тозалаш заводларидан фақатгина 4таси ишларди. 18та ёғ заводидан бирортаси ишламасди. Фарғона водийсида қишлоқ хўжалиги экинлари экиш 1928 йилда 75%, пахта экиш эса 10 марта қисқарди. 1923 йил Фарғонанинг қишлоқ аҳолиси 1917 йилга нисбатан ўндан бирга қисқарди"[2].

"Босмачилар"нинг бузғунчилиги, зараркунандалиги, ваҳшийликлари тўғрисидаги юқоридаги маълумотларни деярли "босмачилик ҳаракати" тарихига бағишланган асарларнинг ҳаммасида учратасан, киши[3].

1.История гражданской войны в Узбекистане.т.2. 311-бет.

2.А.И.Зевелев,Ю.А.Поляков,А.И.Чугунов.Басмачества: возникновение, сущность,крах. 95-бет.

3.М.Х.Назаров.Из истории борьбы с буржуазно-националистическим движением /басмачеством/в Ферганской области.136-бет; Т.Х.Кельдиев.Разгром контрреволюции в Ферганской и Самаркандской областях Туркестанской АССР,Ташкент,1959,92-98-бетлар;А.И.Зевелев.Из истории гражданской войны в Узбекистане. 586-587-бетлар; Х.Ш.Иноятов.Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренной контрреволюции.290-бет; Басмачество: социально-политическая сущность.46-47-бетлар ва бошқалар.

Биз совет тарихчилари келтирган мазкур маълумотлар асоссиз, "босмачилар" бу ишларни қилмаганлар деган фикрдан мутлақо йироқмиз. Фақат совет тарихшунослигида бу йилларда Совет ҳукумати, Қизил Армия, кўнгилли милиция отрядларининг ваҳшийликлари нима учун акс эттирилмаганлигига даъвомиз бор, холос. Чунки ҳақиқатан ҳам "босмачилик ҳаракати" даврида икки томон ўртасида кетган кескин кураш аҳолини гўшт қиймалагичдан ўтказди.Мана, Совет ҳукумати, унинг жазоловчи отрядлари, Қизил Армиянинг "босмачилик" йилларидаги фаолияти натижасида аҳоли бошига тушган фалокат тўғрисидаги И.Хидиралиев Фарғонада "босмачилик" билан кураш натижалари ва КПнинг вазифалари тўғрисида тезисларида шундай баён қилган:

"Уруш Бозорқўрғон, Сўзоқ, Жалолобод, Қўқонқишлоқ ва бошқа шу каби бутун қишлоқлар хотин-қизлар ва болаларни қириб ташлаш билан бирга йўқ қилинди. 1920 йил майидан шу йилнинг сентябригача биз босмачилик билан "Босмачиликни қизиган темир билан куйдирамиз" шиори остида кураш олиб боряпмиз, биз томонга ўтган босмачилардан нотўғри фойдаланиш ҳамда ҳар бир уездда узлаб аҳоли ўртасида энг обрўли ва ҳурматга эга элементларни кафилликка олиш, жазо отрядлари томонидан "дастлаб" отиб ўлдиришлар ва шунингдек ҳарбий ҳокимият, гарнизонлар томонидан "дастлаб" отиб ўлдиришлар ва босмачиларни, қайсики, бир қишлоқда бир неча соатдан ортиқ қолмайдиган, очлик билан ўлдириш мақсадида барча мол-мулкларни, том маънода ипгача олиб чиқиб кетишдан иборат қишлоқларни бўм-бўш қилиш, ниҳоят Қизил Армия ва меҳнат мажбуриятига маҳаллий аҳолини нўноқлик билан ўтказилган сафарбарлик, булар шу даражада нўноқлик ва одобсизлик билан ўтказилдики,сафарбарлик ва меҳнат мажбуриятидан қочган қуролсиз аҳоли босмачилар сафларини тўлдирди... /мен Фарғонанинг шарқий қисмида бўлганимда полклардан бири бир неча аҳоли пунктлари ва овуллар-

ни эгаллаб, кетаётганда бу овул ва аҳоли пунктларида бўлган I000 пуд мисни олиб чиқиб кетиш учун ташиш воситасига эга бўлмаганидан фронт ҲКСнинг буларни ҳеч ҳам босмачилар қўлида қолдирмаслик тўғрисидаги буйруғини бажариш учун бу полк уларни ёқиб юборди. Қизил Армия ҳеч нарса билан таъминланмаганлиги учун бошлиқларининг рухсати билан озиқ-овқат, шунингдек кийим-бош ва бошқа нарсаларни талон-тарож қилганлиги тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади/.

Шундай қилиб, 4 йилдан ортиқроқ /I9I8 йилнинг бошидан то I922 йил мартигача/ вақтдаги босмачилик билан курашнинг якуни тахминан қуйидагидан иборат: босмачилар сони маълумотлар бўйича ҳали ҳам 7000 дан тушмади. Ўзбек ва қирғиз аҳолисининг катта оммаси ҳали ҳам Совет ҳокимиятидан темир панжара билан ажратиб қўйилган, босмачилар сони I0000 дан ошмаган ҳолда Фарғонанинг неча юз минглаб маҳаллий аҳолиси ўлдирилди /I92I йил июлда қўмондонликнинг Ишчи-деҳқон вилоят конференциясидаги маърузасидаги расмий маълумотга кўра ҳисобга олиб бўлмаганлардан ташқари ўлганлар сони 250000 киши эканлиги аниқланган/, мамлакат бутунлай вайрон қилинди ва қашшоқлашди, натижада Фарғонадаги ҳозирги очарчилик пайдо бўлди"[I].

Қизил Гвардиянинг вазифалари тўғрисидаги махсус кўрсатмада: "I-§. Қизил гвардия Туркистон ўлкаси ишчилар синфининг онгли қуролли кучларининг вакиллари бўлиб:

а/ қандайдир аксилинқилобий ва қирғинли чиқишлар бўлган ҳолларда;

б/ пролетариатнинг капитализм ва буржуазия билан курашида синфий манфаатларини ҳимоя қилади"[2],-деб қайд қилинганлигига қарамай Қизил Армия ва гвардия юқорида келтирилган "қаҳра-

I.Ўзбекистон Республикаси МДА.I7-фонд,3с-ёзув,36с-иш,42-43-варақлар.
2.Е.Козловский.Красная Армия в Средней Азии.Военно-исторический очерк.Ташкент,I928,I3-бет.

монликлар"ни кўрсатди. Шу маънода Деҳқонлар армиясининг бошлиги генерал Монстров куч ишлатишни, ўғирликлар қилишни ва аҳолини талашни Деҳқонлар армияси Қизил Армиядан ўрганган[1], деганда ҳақ эди.

Шуни айтиш керакки, ҳар қандай чеклашларга - тарихий воқеаларга сиёсат, мафкурадан келиб чиққан ҳолда партиявий,синфий ёндошиш талаб қилинишига қарамай 80-йилларнинг 2-ярмидан бошлаб совет тарихчилари "босмачилик ҳаракати" йилларида икки томон ҳаракатининг оқибатлари тўғрисида совет тарихшунослигини бир оз бўлсада тўлдирувчи, янги маълумотлар билан бойитувчи мақолалар эълон қилишди[2]. Шуни айтиб ўтиш жоизки, совет тарихшунослигининг сўнгги йилларида бошланган "босмачилик ҳаракати"га янгича ёндошишни Ўзбекистон тарихчилари давом эттирдилар[3] ва ҳозирда ҳам бу борада катта илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Умуман олганда, тарихчиларимиз бугунги кунда "босмачилик ҳаракати"ни ўрганишда унинг тарихини илмий даврлаштиришни амалга оширмоқлари, шунингдек "босмачилик ҳаракати" оқибатларини тўлиқ акс эттирувчи асарлар яратмоқлари керак.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихининг совет тарихшунослигида ёритилишини ўрганиш шуни кўрсатадики, совет тарихчилари бошқа тарихий воқеалар қатори бу муаммони ҳам коммунистик мафкурадан келиб чиқиб, марксча-ленинча

I.П.Алексеенков.Крестьянское восстание в Фергане.25-бет.
2.П.Ким,М.Хасанов.Басмачество: 1921-1924 годы.Что рассказывают о нем документы хранящиеся в архивов.-Звезда Востока,1989,№6; Ю.Папоров.Саҳро қуёши чароғонми?-Ёшлик,1990,№5; А.Акромов.Босмачилик ҳаракати ва унинг моҳияти.-Ҳаёт ва иқтисод,1991,№7;Босмачилик: ҳақиқат ва уйдирма.Давра суҳбати.-Шарқ юлдузи,1991,№3 ва бошқалар.
3.И.Исоқов.Қирғинни ким қилган-у,жадига қолган ким эди?-Шарқ юлдузи,1992,№5; Ўзбекистон тарихи ва маданияти.Тошкент,1992;Қайғусиз Отабоевнинг қайғулари.-Ўзбегим.Ватан серияси,Тошкент,1992 Р.Шамсутдинов.Босмачилик ҳақида ўйлар.-Мулоқот.1993,№5-6,7-8; Ф.Набиев.Босмачиликнинг тугатилиши.-Фан ва турмуш, 1994,№1 ва бошқалар.

услубда ёритдилар ва натижада "босмачилик ҳаракати" тарихи бир томонлама талқин қилиниб, сохталаштирилди. Шунинг учун ҳозирда Туркистонда "босмачилик ҳаракати"ни юзага келтирган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ғоявий сабаблари, унинг ижтимоий моҳияти, раҳбарлари фаолияти, ҳаракатлантирувчи кучлари, даврлари ва оқибатларини тўлиқ ёритувчи илмий изланишлар олиб борилса мустақил Ўзбекистоннинг яқин ўтмишидаги ва фожиаларга тўлиқ тарихини тўғри ёзилишига имкон яратиб берган бўлур эди.

Х У Л О С А

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан кейин ўтган вақт ичида миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихимиздаги "оқ доғлар"ни тугатиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.Лекин ҳали республикамиз тарихчи олимлари олдида Ўзбекистоннинг мукаммал тарихини яратишдек улкан вазифалар турибди. Чунки 70 йилдан ортиқроқ ҳукм сурган советлар даврида тарихимиз ҳукмрон коммунистик мафкура нуқтаи-назаридан ўрганилиб, сохталаштирилди. Тарихимиз бузиб ёритилиши натижасида халқимиз маълум маънода рафлатда ушлаб турилди. Буюк илоҳиётчи Августин айтганидек: "Рафлатда ётган халқни уйғотиш учун уни тарихини уйғотиш керак"дир. Тарихимизнинг уйғотилиши лозим бўлган воқеалардан бири бу "босмачилик ҳаракати" тарихидир.

Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихи совет тарихчилари, хорижий тарихчилар томонидан ҳар томонлама тадқиқ қилинган-дир. Шунинг учун ҳам Туркистонда "босмачилик ҳаракати"нинг ҳақиқий тарихини яратиш аввало бу борадаги совет ва хорижий тарихий асарларни ўрганиб чиқишни талаб қилади.

Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихи тўғрисида совет тарихшунослиги 70 йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олиб, бу муаммо бўйича жуда катта ҳажмда тарихий асарлар яратилган. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, совет тарихшунослигининг турли даврларида "босмачилик ҳаракати" тарихига турлича ёндошув бўлган.Шунинг учун аввало совет тарихшунослигини бугунги кун талаблари асосида ўрганиб, уни қуйидаги даврларга ажратиш мумкин:

I/ 1920 йилдан 20-йилларнинг охиригача;

2/ 20-йилларнинг охиридан 1985 йилгача;

3/ 1985 йилдан 1991 йилгача.

20-йилларда Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихини ўрганишда Истпарт, Ўрта Осиё Коммунистик университети, Марказий архив ишлари бошқармаси каби илмий марказлар асосий роль ўйнади. Мазкур муаммони ўрганувчи тарихчи ходимлар ҳам ана шу марказларда партиявийлик, синфийлик руҳида ҳукмрон коммунистик мафкурага сидқидилдан хизмат қилувчилар қилиб тарбияланди. Совет тузуми, Коммунистик партия манфаатлари йўлида фаолият кўрсатган илмий марказлар, олий ўқув юртлари Ўзбекистон тарих фанида марксча-ленинча концепцияни ҳар томонлама қарор топтиришга ҳаракат қилди ва бу мақсадга эришди ҳам. Бу ўз ўрнида тарихий воқеаларни, жумладан Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихини бир томонлама, бузиб ўрганилишига олиб келди. Шунинг учун ҳам Туркистонда "босмачилик ҳаракати" совет тарихшунослигида феодаллар, буржуазия, реакцион руҳонийларнинг инглиз-америка империализми, рус оқгвардиячилари билан ҳамкорликдаги аксилинқилобий ҳаракати деб кўрсатиб келинди. Аслида эса Туркистонда "босмачилик ҳаракати"нинг юзага келишида қатор иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ғоявий сабаблари бор эди.

Россияда Октябрь инқилоби амалга оширилгандан сўнг Туркистонда ҳам на иқтисодий, на ижтимоий, на сиёсий асос бўлмасада, рус большевиклари, меньшевиклари, эсерлари тўнтариш ясаб, Совет ҳокимиятини ўрнатдилар. Совет ҳокимияти қоғозларда миллатларга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини берсада, амалда ўлкада чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатини янги мазмун билан бойитиб давом эттирди. Шунингдек, маҳаллий шароитга тўғри келмайдиган ғалла монополияси, озиқ-овқат тақсимоти каби қатор иқтисодий, қози, шариат судларини тақиқлаш, вақфларни бекор қилиш, эски услуб мактаблар фаолиятини тўхтатиб қўйиш каби ижтимоий-сиёсий тадбирларни амалга оширилиши

ҳамда миллий масалада улуғдавлатчилик-шовинистик сиёсатнинг олиб борилиши аҳволни янада мураккаблаштирди.

1917 йил февраль буржуа инқилоби амалга оширилгандан сўнг Россиянинг бошқа халқлари қатори Туркистон ўлкаси аҳолисининг ҳам миллий онги ўсиб борди. Тузилган маҳаллий партия ва ташкилотлар ўз дастурларида Туркистонга мухторият талаб қилиб чиқа бошлагандилар. Октябрь тўнтариши Туркистонга мухторият бермаганидан сўнг маҳаллий мусулмон зиёлилари Туркистон мухтор ҳукуматини туздилар. Лекин бу мухтор ҳукумат Қизил Армиянинг дашноқлар билан ҳамкорлигида қонга ботирилди. Буларнинг ҳаммаси Туркистон маҳаллий аҳолисининг қўлига қурол олиб, ўз ҳуқуқи, эрки, мустақиллиги учун кураш бошлашига сабаб бўлди. Совет тарихий адабиётларида эса "босмачилик ҳаракати"ни вужага келтирган бу асосий иқтисодий, ижтимоий-сиёсий сабаблар тўғрисида деярли сукут сақланади. Архивларда сақланаётган ҳужжатларда "босмачилик ҳаракати"ни вужудга келтирган сабаблар кўрсатилган бўлишига қарамай, булар совет тарихчилари назаридан четда қолди. Чунки совет тарихчилари Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихига оид ҳужжатлардан фойдаланганда академик Грековнинг "Ҳам ёзма, ҳам ноёзма манбалар бизнинг хизматимизга мунтазир. Аммо манбалар қандай бўлишидан қатъий назар, фақат бир ҳолдагина фойдали бўлиши мумкин - тадқиқотчининг ўзи ундан нима исташини яхши билмоғи керак"[1],- деган ўгитлари асосида иш кўришган. Совет тарихшунослигида Туркистонда "босмачилик ҳаракати"нинг ижтимоий-сиёсий моҳияти, унинг раҳбарлари фаолияти ҳамда ҳаракатлантирувчи кучлари масаласи деярли мутлақо нотўғри талқин қилинган. Архив ҳужжатлари ва манбаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, Туркистонда "босмачилик ҳаракати" ижти-

1.Озод Шарафиддинов.Истиқлол фидойилари. Тошкент, 1993,7-бет.

ноий-сиёсий моҳияти жиҳатидан икки давр - миллий-озодлик ҳаракати ва ижтимоий босқинчилик даврларига бўлинади. Совет тарихчилари эса бу даврлар ҳақида ўз асарларида лом-лим дейишмайди ва "босмачилик ҳаракати"ни ижтимоий-сиёсий моҳиятини фақат ижтимоий босқинчилик, фуқаролар уруши ва аксилинқилобий ҳаракат деб тасвирлайдилар. Шунингдек, "босмачилик ҳаракати" раҳбарлари фаолияти, унинг ҳаракатлантирувчи кучлари ҳам совет тариҳшунослигида деярли тадқиқ қилинмагандир. Бу масалалар тилга олинганда ҳам фақат қора рангларда берилган.

Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихида бу курашнинг даврлари ва оқибатлари ҳам ўрганилишини кутаётган муаммолардан биридир. Чунки совет тарихий адабиётларида ғолиб томон тарихига бағишланганлиги учун "босмачилик ҳаракати"нинг бу масалаларини ҳам ана шу ғолиб томон нуқтаи-назаридан келиб чиқилган ҳолда ёритилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихи тарихшунослигининг биринчи даврида "босмачилик ҳаракати"нинг келтириб чиқарган сабаблар, унинг ижтимоий-сиёсий моҳияти, ҳаракатлантирувчи кучлари ҳар ҳолда ҳақиқатга мосроқ қилиб ёритилгандир.

Демак, хулоса қилиб айтганда, тарихчиларимиз архив ҳужжатлари ва манбалар асосида, ҳар қандай сиёсат ва мафкураларга оғишмай, Туркистондаги "босмачилик ҳаракати"нинг қуйидаги томонларини ёритиш учун илмий-тадқиқот ишларини олиб боришлари керак деб ўйлаймиз:

- Туркистонда "босмачилик ҳаракати"ни келтириб чиқарган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий; ғоявий сабабларни кўрсатиб бериш;

- "Босмачилик ҳаракати"нинг ижтимоий моҳиятини ёритиш ва уни номлаш;

- "босмачилик ҳаракати" раҳбарларининг фаолиятини ва ҳаракатлантирувчи кучларининг таркибини таҳлил қилиш;

- "босмачилик ҳаракати"нинг оқибатларини ёритиш ва бу ҳаракатни даврлаштириш.

Шунингдек, "босмачилик ҳаракати" Туркистон АССР, ХХСР, БХСР ҳудудларида бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хосликка эгадир. Шунинг учун бу уччала давлат ҳудудида бўлган "босмачилик ҳаракати" тарихини алоҳида-алоҳида ўрганмоқ мақсадга мувофиқдир. Чунки совет тарихшунослигида бу ҳудудлардаги "босмачилик ҳаракати" биргаликда, бир нуқтаи-назарда ўрганилганлиги учун воқеалар советча услубда ҳам етарлича ёритилмаган. Ёки Марказий Осиё давлатлари тарихчилари ҳамкорликда "босмачилик ҳаракати" тарихининг кўп томлигини яратишсалар ҳам жудаям яхши бўлар эди. Яна "босмачилик ҳаракати" тарихини ёзишда Матчо бекликлари ва Самарқанд, Тошкент вилоятларидаги "босмачилик ҳаракати" тарихига алоҳида эътибор берилмоғи зарур. Негаки, Туркистондаги "босмачилик ҳаракати"нинг таркибий қисми бўлган бу ҳудудлардаги воқеалар ҳозиргача деярли ўрганилмаган. Шунингдек, "босмачилик ҳаракати" тарихига оид архив ҳужжатларининг асосий қисми ҳамда шу мавзуга оид 20-30-йилларда чоп этилган асарлар ва мақолалар эълон қилинган вақтли матбуот Москва, Санкт-Петербург давлат архивларида ва кутубхоналарида сақланиоқда. "Босмачилик ҳаракати"ни ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлган бу манбалар Ўзбекистонда деярли йўқ. Шунинг учун уларни Ўзбекистонга қайтариш керак ёки ҳеч бўлмаганда улардан нусхалар олиб келинса мақсадга мувофиқ бўларди.

"Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишона, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини

онгимизга сингдириш лозим,-дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.-Шу билан бирга, бу мафкура халқимизда, ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда, умуминсоний қадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятидаги мутараққий давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ўлароқ муносиб ўрин эгаллашга доимий интилиш ҳиссини тарбияламоғи керак"[I].

Ўзбекистон тарихчилари миллий истиқлол мафкурасини яратишдаги вазифалари эса бугунги кун талаблари асосида архив ҳужжатлари ва манбаларни чуқур ўрганишиб, Туркистондаги "босмачилик ҳаракати"нинг холисона тарихини яратиш ва бу кураш қатнашчиларининг ҳақиқий номларини қарор топтиришдан иборатдир.

I.И.А.Каримов.Ўзбекистон: миллий истиқлол,иқтисод,сиёсат, мафкура.Тошкент, 1993, 168-бет.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

I. Абдуталипов А. Басмачество в Средней Азии: домысли французских советологов и историческая действительность//Общественные науки в Узбекистане.-I98I.-№7.-С.39-46.

2. Азизханов А.Т. Туркбюро - полномочный орган ЦК РКП(б).-Ташкент: Фан, I977.-I43 с.

3. Акромов А. Босмачилик ҳаракати ва унинг моҳияти//Ҳаёт ва иқтисод.-I99I.-№7.-Б.58-63.

4. Алексеева Г.Д., Желтова Г.И. Становление и развитие советской системы научно-исторических учреждений (20-30-е годы).-Ташкент: Фан, I977.-I36 с.

5. Алексеенков П. Крестьянское восстание в Фергане.-Ташкент: Средазкнига, I927.-I07 с.

6. Алексеенков П. Кокандская автономия.-Ташкент: Узгиз, I930.-72 с.

7. Алексеенко П. Что такое басмачество? Ташкент: Узбекгосиздат, I93I.-94 с.

8. Алексеенко П. Босмачилик нима? Тошкент: Ўздавнашр,I93I.-78 б.

9. Алексеров Ю. Интервенция и гражданская война в Средней Азии.-Ташкент: Госиздат, I959.-234 с.

I0. Алишер Бек, Азим Дарё. Буюк жиҳод, буюк мужоҳид.-Ёзёвон: Н-сиэ, I992.-34 б.

II. Аминова Р.Х., Ахунова М.А., Бабаходжаев А.Х., Гулямов Я.Г. Развитие исторический науки в Узбекистане//Общественные науки в Узбекистане.-I964.-№8-9.-С.38-53.

I2. Ахунова М.А. Разработка истории Узбекской ССР в свете решений XX-XXП съездов КПСС//Общественные науки в Узбекистане.-I955.-№2.-С.5-9.

I3. Ахунова М.А., Лунин Б.В. Развитие исторической науки в Узбекистане после XXII съезда КПСС//Общественные науки в Узбекистане.-I965.-№3.-С.2I6-223.

I4. Ахунова М.А. Успехи исторической науки в Узбекистане// Общественные науки в Узбекистане.-I967.-№II.-С.3I-39.

I5. Ахунова М.А., Лунин Б.В. История исторической науки в Узбекистане. Краткий очерк.-Ташкент: Фан, I970.-200 с.

I6. Бабаходжаев А.Х. Провал английской агрессивной политики в Средней Азии и на Среднем Востоке в период признания Советского государства де-факто и де-юре (I92I-I924 гг.).-Ташкент: Госиздат, I957.-2I6 с.

I7. Бабаходжаев А.Х. Провал английской политики в Средней Азии и на Среднем Востоке.-М.: Изд. Восточной литературы, I962.-I69 с.

I8. Басмачество. Политбеседа//Красная казарма.-I925.-№6.-С.I3-I5.

I9. Басмачество: социально-политическая сушность.-Ташкент: Фан, I984.-I54 с.

20. Басмачество//Гражданская война и военная интервенция в СССР: Энциклопедия.-М.: Советская энциклопедия, I987.-С.55-56.

2I. Батманов Н. Басмачество и борьба с ним//Красная Армия.-I92I.-№9.-С.65-68.

22. Берёзкин В. Босмачиликнинг ижтимоий табиати масаласида//Кизил Шарк.-I93I.-№2.-Б.I-I9.

23. Бойжонов Р. Узбекистонда марксистик тарих фанининг ривожланиши (I9I7-I924 йй.).-Тошкент: Фан, I962.-I74 б.

24. Бойжонов Р. Туркистонда Октябрь революцияси историографиясига доир (I9I7-I967 йй.).-Тошкент: Узбекистон,I969.-279 б.

25. Босмачилик: хакикат ва уйдирма. Давра сухбати//Шарк

олдузи.-1991.-№3.-Б.165-189.

26. Борьба с басмачеством в Фергане//Жизнь национальностей.-1922.-№10-11.-С.7-8.

27. Бронин Я. Весна и оживление басмачества//Красная казарма.-1923.-№3.-С.9-11.

28. Васильевский. Фазы басмаческого движения в Средней Азии//Новый Восток.-1930.-№29.-С.126-141.

29. Вахабов М. Ташкент в период трех революции.-Ташкент: Госиздат УзССР, 1957.-278 с.

30. В боях за Советскую власть в Ферганской долине. Воспоминания участников Октябрьской революции и гражданской войны (1917-1923 гг.).-Ташкент: Изд. АН УзССР, 1957.-208 с.

31. Басмаческий фронт//Коммунистическая мысль.-1920.-№11.-С.15-17.

32. В.И.Ленин. Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида.-Тошкент: Ўзбекистон, 1984.-800 б.

33. Война в песках. Материалы по истории гражданской войны к XП тому.-М.: ОГИЗ,1935.-548 с.

34. Воскобойников Э., Зевелев А. Туркомиссия ВЦИК и Совнаркома РСФСР и Туркбюро ЦК РКП(б) в борьбе за укрепление Советской власти в Туркестане.-Ташкент: Госиздат УзССР, 1951.-124с.

35. Воспоминания участников гражданской войны в Андижанской области.-Андижан: Б.И., 1957.-165 с.

36. Германов В.А. К вопросу о постановке военно-исторической работы в Туркестанской АССР// Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения.-Ташкент: Фан, 1991.-С.265-281.

37. Гинзбург С. Басмачество в Фергане//Очерки революционной движении в Средней Азии.-М.: ОГИЗ, 1926.-С.125-152.

38. Гинцбург С. Басмачество в Фергане//Красная казарма.-I922.-№2.-С.69-77.

39. Гинцбург С. Басмачество в Самаркандской области//Красная казарма.-I922.-№2.-С.87-92.

40. Гинцбург С. На басмаческих фронтах//Красная казарма.-I922.-№2.-С.I35-I38; I923.-№6-7.-С.I42-I44.

4I. Гражданская война и иностранная военная интервенция в Средней Азии.-Ашхабад: Илим, I986.-28I с.

42. Гуревич А. О положении на историческом фронте Средней Азии//Революция и культура в Средней Азии. Сб.I.-Ташкент: I934.-С.4-I4.

43. Гусев С. Ближайшие перспективы борьбы с басмачеством//Коммунист.-I922.-№3-4.-С.9-I2.

44. Гуша В. Банды январского восстания (I9I9 г.) в Фергане. (Воспоминания)//Революция в Средней Азии. Сб.2.-Ташкент: I929.-С.I94-I96.

45. Дервиш Т. Ферганская проблема//Военная мысль.-I92I.-Кн.2.-С.I08-II8.

46. Дервиш Т. Современное басмачество//Коммунист.-I922.-№I.-С.2-3.

47. Джантуаров С.Б. Гражданская война в Киргизии.-Фрунзе: Госиздат Кирг.ССР, I963.-239 с.

48. Додонов И.К. Об изучении истории народов Средней Азии в Советской период.(Заметка историка)// Труды САГУ, I95I.-Вып. XXIII.-Кн.4.-С.3-20.

49. Додонов И.К. Из опыта подготовки кадров историков высшей квалификации //Общественные науки в Узбекистане.-I976.-№I0.-С.3I-40.

50. Дониёров Ш. Мадаминбек ким эди?// Ёшлик.-I99I.-№4.-Б.24-

51. Желтова Г.И. Социалистическое строительство в Узбекистане. (20-30-е годы). Историографический очерк.-Ташкент: Фан, 1975.-142 с.

52. Заика П. Козловский Е. "За Красный Туркестан"//Коммунистическая мысль.-1927.-Кн.4.-С.130-135.

53. Зайцев И.М. Из недавно пережитого//Соловецкие острова.-1926.-№4.-С.55-71; 15-6.-С.30-41.

54. Закиров И. Басмачество в Средней Азии//Революционный Восток.-1932.-№2.-С.222-226.

55. За Советский Туркестан.-Ташкент: Б.И., 1923.-124 с.

56. За Советский Туркестан. Сборник воспоминаний.-Ташкент: Госиздат, 1963.-600 с.

57. Зевелев А.И. Разгром контрреволюционного басмачества в Туркестане в период иностранной военной интервенции и гражданской войны//Ученые записки ТГПИ им.Низами. Вып.3.-Ташкент: 1956.-С.29-52.

58. Зевелев А.И. Из истории гражданской войны в Узбекистане.-Ташкент: Госиздат УзССР, 1959.-608 с.

59. Зевелев А.И. Историография Советского Туркестана. (Историография и источники по истории гражданской войны в Туркестане).-Ташкент: Госиздат, 1968.-276 с.

60. Зевелев А.И., Поляков Ю.А., Чугунов А.И. Басмачество: возникновение, сущность, крах.-М.: Наука, 1981.-244 с.

61. Зевелев А.И., Поляков Ю.А., Шишкина Л.В. Басмачество: правда истории и вымысел фальсификаторов.-М.: Наука, 1986.-253с.

62. Зуев Д. Ферганское басмачество (1918-1922 гг.)// Гражданская война. Т.3.-М.:ОГИЗ, 1924.-С.124-137.

63. Иноятов Х.Ш. Ответ фальсификатором истории Советской Средней Азии и Казахстана.-Ташкент: Наука, 1962.-198 с.

64. Иноятов Х.Ш. Ленинская национальная политика в действии.-Ташкент: Фан, 1973.-440 с.

65. Иноятов Х.Ш. Краткая историография гражданской войны в Средней Азии.-Ташкент: Фан, 1974.-68 с.

66. Иноятов Х.Ш. Против фальсификации истории победы Советской власти в Средней Азии и Казахстане.-Ташкент: Фан, 1976.-376 с.

67. Иноятов Х.Ш. Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренней контрреволюции.-М.: Мысль, 1984.-463 с.

68. Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Документы и материалы. Т.1.-Алма-Ата: Наука, 1963.-700 с.

Т.2.-1964.-726 с.

69. Институт истории и археологии.-Ташкент: Фан, 1968.-14с.

70. Интернациональная единства трудящихся в защите завоеваний Октября в Средней Азии (1918-20 гг.).-Ташкент: Фан, 1988.-104 с.

71. Иркаев М. История гражданской войны в Таджикистане.-Душанбе; Госиздат ТаджССР, 1963.-700 с.

72. Иркаев М. История гражданской войны в Таджикистане.-Душанбе: Ирфон, 1971.-696 с.

73. Исоқов И. Қирғинни ким қилган-у, жадига қолган ким эди?//Шарқ юлдузи.-1992.№5.-Б.158-166.

74. История гражданской войны в Узбекистане.-Ташкент: Т.1.-Наука, 1964.-440 с.

Т.2.-Ташкент: Фан, 1970.-364 с.

75. История коммунистических организаций Средней Азии.-Ташкент: Узбекистон, 1967.-783 с.

76. История Киргизии. Т.П.-Фрунзе: Госиздат Кирг.ССР, 1956.-400 с.

77. История таджикского народа. Т.Ш. Кн.I.-М.: Наука, I964.-376 с.

78. История Узбекской ССР. Т.П.-Ташкент: Госиздат УзССР, I957.-654 с.

79. История Узбекской ССР.Т.Ш.-Ташкент: Изд.АН УзССР, I967.-707 с.

80. История Узбекской ССР с древнейших времен до наших дней.-Ташкент: Фан, I974.-583 с.

8I. История и сталинизм.-М.: Политиздат, I99I.-448 с.

82. Карим Иброхим. Мадаминбек.-Тошкент: Ёзувчи,I993.-72 б.

83. Каримов И.А. Узбекистон Компартияси XXП съездига МК-нинг сиёсий маърузаси//Совет Узбекистони.-I990.-5 июнь.

84. Каримов И.А. Узбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.-Тошкент: Узбекистон, I993.-263 б.

85. Касымов Ф.Х. Минуя капитализм. Советская историография перехода народов Средней Азии к социализму.-М.: Мысль, I980.-376 с.

86. Кельдиев Т.Х. Разгром контрреволюции в Ферганской и Самаркандской областях Туркестанской АССР.-Ташкент: Госиздат, I959.-I50 с.

87. Ким П., Хасанов М. Басмачество: I92I-I924 годы//Звезда Востока.-I989.-№6.-С.I4I-I50.

88. Кнопов Б.И. В институте истории и археологии АН УзССР// Общественные науки в Узбекистане.-I962.-№I.-С.67-68.

89. Козловский Е. За Красный Туркестан.-Ташкент: Узгосиздат, I926.-I03 с.

90. Козловский Е. Красная Армия в Средней Азии. Военно-исторический очерк.-Ташкент: Узгосиздат, I928.-57 с.

9I. Коканбоев А. Борьба с басмачеством и упрочение советской власти в Фергане.-Ташкент: Госиздат УзССР, I958.-II6 с.

92. Красная летопись Туркестана. №I-2.-Ташкент: Туркгосиздат, I923.-2I6 с.

93. Кушнев П. Что такое басмачество?//Красная казарма.-I922.-№2.-С.60-68.

94. Кушнев П. За что борется Красная Армия в Туркестане?//Красная казарма.-I922.-№2.-С.57-60.

95. Ланда Л.М. Американский империализм - активный организатор антисоветской интервенции в Средней Азии (I9I8-I920 гг.)//Труды Музея истории Узбекской ССР. Вып.П.-Ташкент: I954.-С.23-38.

96. Ланда Л.М. Некоторые вопросы историографической работы в Узбекистане//Общественные науки в Узбекистане.-I964.-№II.-С.30-37.

97. Ланда Л.М. О роли истпарта в собрании и изучении материалов по истории Октябрьской революции в Средней Азии//Общественные науки в Узбекистане.-I967.-№I0.-С.62-67.

98. Ланда Л.М. По декрету В.И.Ленина (к 50-летию архивного дела в СССР)//Общественные науки в Узбекистане.-I968.-№7.-С.52-55.

99. Ланда Л.М. Первые центры марксистской исторической науки в Средней Азии//Народы Азии и Африки.-I972.-№2.-С.44-55.

I00. Лунин Б.В., Юсупов Э.Ю. Басмачество - орудие реакции (исторические параллели).-Ташкент: Фан, I98I.-40 с.

I0I. Малышев К.И. М.В.Фрунзе на Туркестанском фронте(август I9I9 - сентябрь I920 гг.).-Фрунзе: Госиздат Кирг.ССР, I958.-27 с.

I02. Манжара Д.И. Революционное движение в Средней Азии (I905-I920).-Ташкент: Узгиз, I934.-I48 с.

I03. Манжара Д.И. Борьба за власть Советов.-Ташкент: Узгиз, I935.-32 с.

104. Масов Р.М. Историография советского Таджикистана.-Душанбе: Ирфон, 1978.-200 с.

105. Матвеев А.М. Иностранные коммунисты в Туркестане// Вопросы истории КПСС.-1962.-№3.-С.38-45.

106. М.В.Фрунзе на фронтах гражданской войны.-М.: Воениздат, 1941.-85 с.

107. Муравейский С. Материалы по истории Октябрьской революции в Туркестане.-Ташкент: Туркгосиздат, 1922.-47 с.

108. Мусбюро РКП(б) в Туркестане. 1,2 и 3 Туркестанские Краевые конференции РКП. 1919-1920 гг. С введением Т.Рыскулова.-Ташкент: Туркгосиздат, 1922.-93 с.

109. Мустафо Чўқай.Ўғли. Истиқлол жаллодлари.-Тошкент: F.Гулом номидаги нашриёт, 1992.-80 б.

110. Набиев Ф. Босмачиликнинг тугатилиши//Фан ва турмуш.-1994.-№1.-В.16-18.

111. Назаров М.Х. Роль М.В.Фрунзе в разгроме контрреволюции и упрочении Советской власти в Узбекистане. Дис. на соис. учен. степ.канд.ист.наук.-М.: 1949.-115 б.

112. Назаров М.Х. Из истории борьбы с басмачеством//Труды САГУ. Исторические науки. Кн.7.-Ташкент: 1954.-С.129-143.

113. Назаров М.Х. Узбекистонда Совет хокимиятини мустаҳкамлаш учун кураш (1919-1920 йй.).-Тошкент: Уздавнашр,1954.-51 б.

114. Назаров М.Х. Из истории борьбы с буржуазно-националистическим движением (басмачеством) в Ферганской области (1918-1921 гг.)//Труды САГУ. Исторические науки. Кн.П.-Ташкент: 1956.-С.129-143.

115. Назаров М.Х. Туркистон интервенция ва гражданлар уруши даврида (1919-1920 йй.).-Тошкент: Уздавнашр, 1961.-300 б.

116. Назаров С. Из истории деятельности Средазбюро ЦК РКП(б) (1922-1924).-Ташкент: Узбекистон, 1965.-118 с.

117. Найда С.Ф., Наумов В.П. Советская историография гражданской войны и иностранной военной интервенции в СССР.-М.: Изд. МГУ, 1966.-172 с.

118. Ниалло Азиз. Очерки истории революции и гражданской войны в Киргизии и в Средней Азии.-Фрунзе: Госиздат, 1941.-161с.

119. Норқулов Н. Мухториятнинг тугатилиши//Шарқ юлдузи.-1990.-№8.-Б.8-11.

120. Нуруллин Р.А. Советы Туркестанской АССР в период иностранной военной интервенции и гражданской войны.-Ташкент: Наука, 1965.-228 с.

121. Обращение Цека КПТ ко всем членам партии//Жизнь национальностей.-1922.-№12.-С.3-4,

122. Октябрьская социалистическая революция и гражданская война в Туркестане. Воспоминания участников.-Ташкент: Уздавнашр, 1957.-604 с.

123. Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения.-Ташкент: Фан, 1991.-388с.

124. Очерки истории Коммунистической партии Туркестана. Ч.Ш.-Ташкент: Узбекистан, 1964.-167 с.

125. Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана.-Ташкент: Узбекистан, 1964.-568 с.

126. Очерки истории Коммунистической партии Таджикистана.-Душанбе: Ирфон, 1964.-424 с.

127. Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана.-Ташкент: Узбекистан, 1974.-768 с.

128. Папоров Ю. Сахро қуёши чарогонми?// Ёшлик.-1990.-№5.-Б.72-78.

129. Паскуцкий Н.К истории гражданской войны в Туркестане.-Ташкент, Туркгосиздат, 1922.-15 с.

130. Поляков Ю.А., Чугунов А.И. Конец басмачества.-М.: Наука, 1976.-182 с.

131. Проблемы истории республик Средней Азии и Казахстане в 40-50-е годы.-Ташкент: Фан, 1989.-92 с.

132. Раджабов Д. Ташкентская высшая партийная школа - кузница подготовки кадров.-Ташкент: Фан, 1977.-23 с.

133. Раджабов Д., Зиямов Ш. Важное звено партийной работы.-Ташкент: Узбекистан, 1978.-172 с.

134. Раджапова Р.Я. Создание и работа политорганов в войсках Туркестанской республики и Туркфронта (1918-1920 гг.). Автореф. дис.... канд.ист наук.-Ташкент: 1967.-21 с.

135. Раджапова Р.Я. К вопросу о диалектике социалистического, демократического и национального в социальной революции (историографические аспекты проблемы)//Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения.-Ташкент: Фан, 1991.-С.8-33.

136. Революция в Средней Азии. Сб.1.-Ташкент: 1928.-217 с.

Сб. 2.-Ташкент: 1929.-111с.

Сб. 3.-М.-Ташкент: 1931.-207 с.

137. Революция и культура в Средней Азии. Сб.1.-Ташкент: 1934.-127 с.

138. Революционеры-вожаки масс.(Славная плеяда коммунистов Узбекистана). Сб. статей.-Ташкент: Узгосиздат, 1967.-438 с.

139. Рещов Л. Октябрь в Туркестане.-Ташкент: Узгосиздат, 1927.-119 с.

140. Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Ч.1. 1917-1919 гг.-Ташкент: Узбекгосиздат, 1925.-218 с.

141. Саид Мурод. Туркистонда халқ жумхурияти//Фан ва турмуш.-1990.-№7.-Б.6-8.

142. Саидкулов Т. Очерки историографии истории народов Средней Азии.-Ташкент: Ўқитувчи, 1992.-192 с.

143. Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана).-М.: Госиздат, 1921.-147 с.

144. Сегизбоев С. Урта Осиёда октябрь характерини ленинча англаш учун//Қизил Шарқ.-1932.-№3.-Б.7-16.

145. Семенюта В.А. К вопросу о продзаготовках в Туркестане в 1917-1921 гг.//Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения.-Ташкент: Фан, 1991.-С.255-265.

146. Скалов Г. Социальная природа басмачества//Коммунист.-1922.-№7-8.-С.21-27.

147. Скалов Г. Социальная природа басмачества в Туркестане// Жизнь национальностей.-1923.-№3-4.-С.7-13.

148. Сологубов С. Иностранные коммунисты в Туркестане (1918-1921 гг.).-Ташкент: ГОсиздат УзССР, 1961.-179 с.

149. Тимошков С.П. Борьба с английской интервенцией в Туркестане.-Ташкент: Госиздат УзССР, 1941.-189 с.

150. Тимошков С.П. Борьба с интервентами, белогвардейцами, и басмачами в Средней Азии.-Ташкент: Госиздат УзССР, 1941.-205с.

151. Тулаганова А.Т. Кузница национальных кадров//Общественные науки в Узбекистане.-1976.-№6.-С.46-47.

152. Туркестан в годы гражданской войны и иностранной военной интервенции (Сборник научных трудов).-Самарканд: Б.и., 1986.-57 с.

153. Туркестанский Г. Очерки революционного движения в Средней Азии (О сборнике статей Ф.Ходжаева, Е.Федорова, Т.Рыску-

лова, С.Гинсбурга)//Коммунистическая мысль.-1926.-Кн.I.-С. 131-137.

154. Турсунбаев А.Б. Против буржуазных фальсификации истории Казахстана.-Алма-Ата: Госиздат КазССР,1963.-112 с.

155. Турсунов Х., Ахунова М., Нуруллин Р. Актуальные проблемы исторической науки в Узбекистане//Коммунист Узбекистана.-1977.-№6.-С.66-73.

156. Хакимов Р.А. Зарубежная историография истории басмачества в Средней Азии 1917-1932 гг.(на материалах англо-американской литературы). Дис. ... канд.ист.наук.-Ташкент:1992.-185

157. Хасанов К. Посланцы Ленина.-Ташкент: Узбекистан, 1974.-270 с.

158. Хасанов М. Альтернатива. Из истории Кокандской автономии Звезда Востока.-1990.-№7.-С.105-124.

159. Хасанов М. Смертельный гамбит//Звезда Востока.-1991.-№10.-С.122-143.

160. Хидоятов Г.А. Правда против лжи.-Ташкент: Госиздат УзССР, 1964.-№204 с.

161. Хидоятов Г.А. Строительство социализма в Средней Азии и современный антикоммунизм.-Ташкент: Фан, 1974.-334 с.

162. Хидоятов Г.А. Национальный вопрос в СССР.-Ташкент: Уқитувчи, 1991.-304 с.

163. Хидоятова Н.Г. Басмаческое движение в современной англо-американской советологии. Дисс. ... канд.ист.наук.-Ташкент: 1993,-178 с.

164. Хроника событий гражданской войны в Узбекистане.-Ташкент: Фан, 1991.-216 с.

165. Чеботарева В., Раджапова Р. Историко-партийная наука в Узбекистане.-Ташкент: Узбекистан, 1982.-248 с.

166. Шамагдиев Ш.А. Из истории борьбы против контрреволюционных басмаческих банд в Ферганской долине//Из истории Советского Узбекистана. Сб. статей.-Ташкент: Госиздат УзССР, 1956.-С.111-129.

167. Шамагдиев Ш.А. Разгром контрреволюционных буржуазно-националистических басмаческих банд в Ферганской долине (1918-1923 гг.). Автореф. дисс. ... канд.ист.наук.-Ташкент: 1956.-19 с

168. Шамагдиев Ш.А. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине.-Ташкент: Наука, 1961.-388 с.

169. Шамагдиев Ш.А. Гражданская война и разгром басмачества в Узбекистане. Автореф. дисс. ... док-ра ист. наук.-Ташкент: 1975.-31 с.

170. Шамсутдинов Р. Босмачилик ҳақида ўйлар//Мулоқот.-1993.-№5-6.-Б.26-32; №7-8.-Б.30-35.

171. Шарафиддинов О. Мустафо Чўқай, Чўлпон, Отажон Хошим.-Тошкент: "Шарқ" концерни, 1993.-144 б.

172. Шелестов Д.К. Об изучения истории гражданской войны и военной интервенции.-М.: Изд. МГУ, 1962.-251 с.

173. Шерман И.Д. Советская историография гражданской войны в СССР.-Харьков: Изд. ХГУ, 1964.-340 с.

174. Шерстобитов В.П., Орозалиев К.К., Винник Д.Ф. Очерк истории исторической науки в Советском Киргизистане (1918-1961 гг.).-Фрунзе: Госиздат Кирг.ССР, 1961.-145 с.

175. Шомаъдиев Ш.А. Туркистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун кураш//Фан ва турмуш.-1957.-№8.-Б.9-12.

176. Яссавий Шаҳобиддин. Ҳақ йўлида қурбонлар//Эрк.-1992.-6-13 февраль.

177. Узбекистон тарихи ва маданияти.-Тошкент: Ўқитувчи, 1992.-294 б.

178. Ўзбегим."Ватан" серияси.-Тошкент: "Звезда Востока" журнали кутубхонаси, 1992.-241 б.

179. Қайғусиз Отабоевнинг қайғулари//Ўзбегим. "Ватан" серияси.-Тошкент: "Звезда Востока" журнали кутубхонаси, 1992.-Б.76-90.

180. Қўқонбоев А. Фарғонада Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун кураш.-Тошкент: Ўздавнашр, 1958.-116 б.

181. Қўқонбоев А. Улуғ Октябрь ва Туркистон.-Ташкент: Фан, 1972.-112 б.

182. Ҳасанов М. Туркистон мухторияти: ҳақиқат ва ўйдирма// Фан ва турмуш.-1990.-№9.-Б.4-6; №10.-Б.8-9; №11.-Б.6-7.

АРХИВ МАНБАЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (Ўзбекистон Республикаси МДА).

Р-17-фонд - Туркистон МИК Советлари.

Р-25-фонд - Туркистон Халқ Комиссарлари Совети.

Махсус фонд бўлимининг:

Р-17-фонд - Туркистон МИК Советлари.

Р-25-фонд - Туркистон Халқ Комиссарлари Совети.

86-фонд - Ўзбекистон ССР МИК.

2. Фарғона вилояти давлат архиви (Фарғона вилоти ДА).

121-фонд - Фарғона вилояти ишчи, крестьян ва қизил аскар депутатлари Советининг ижроия қўмитаси.

435-фонд - Фарғона вилояти инқилоб қўмитаси.

3. Тожикистон Республикаси Ленинобод вилояти давлат архиви (Ленинобод вилояти ДА).

370-фонд - Хўжанд уезди ижроия қўмитаси.